496
200

Guliston

2005/1

2005 yil

Sihat - salomatlik yili

Ислом КАРИМОВ

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Бир сўз билан айтганда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг маъно-мазмунига сингдирилган гоя, яъни жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак, деган даъват миллионлаб юртдошларимиз қалбида акс-садо бергани, уларни одамийлик ва инсонпарварлик ишларига чорлагани барчамизни қувонтиради.

* * *

Одамзотнинг соғлиги кўп жиҳатдан аввалambор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутади. Буни кўп асрлик ҳаёт тажрибаси ҳам, тиббиёт тажрибаси ҳам исботлаб келмоқда.

* * *

Агар эътибор берсангиз, қариялар, ўрта ёшга кирганлар дийдор кўришганда, дуога қўл очиб, илойим, умрингиздан барака топинг, қилган меҳнатингизнинг, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, деб тилак билдиради.

Барчамизнинг истагимиз шуки, ҳар бир инсоннинг қалбидаги мана шундай эзгу орзу-ниятлар рўёбга чиқсин. Лекин такрор айтишга тўғри келади — давлат, ҳокимият идоралари соғлиқни сақлаш масаласига қанчалик эътибор бермасин, аввало, аҳолимизнинг, ҳар қайси одамнинг бу масала бўйича қарашини ўзгартирмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш қийин бўлади.

* * *

Ҳақиқатан ҳам, азизларим, аслида, ҳар бир инсон бу ҳаётнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишларидан бироз холи бўлиб, ўзи ҳақида ҳам озгина ўйласа, соғлиги ҳақида қайғуриши, таъбир жоиз бўлса, ўзини жиндай яхши кўриб яшаши керак эмасми?

Бошқача айтганда, одамларимиз ўзини ўзи қадрласа, ўз қадрига, аввало, ўзи етиб борса, фойдадан холи бўлмасди. Мана шундай қараш, мана шундай ёндашувни ҳаётимиз қоидасига айлантириш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимизнинг вақти келди, деб ўйлайман.

* * *

Янги — 2005 йилни мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Албатта, аввалги йиллардаги тажрибага кўра биз бу масала бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга ошириладиган асосий ишларни аниқ белгилаб оламиз.

Бу дастурда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу билан бирга, одамларда ўз саломатлигини асраш бўйича тўғри ва фаол муносабатни шакллантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур.

* * *

Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, бугунги тинч, осуда ҳаётимиз ривожига катта хизматлари сингган мўътарам нуронийлар, пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш масаласи диққат-эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Шу билан бирга, инсоннинг бошига дард тушганда биринчилар қаторида ёрдамга келадиган олижаноб касб эгалари бўлмиш шифокорларнинг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий нуқтаи назардан рағбатлантириш вазифаси ҳам ушбу дастурдан ўрин олиши лозим.

* * *

Янги йилнинг мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизнинг тараққиёт йўлида янги погонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўлади.

ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, безакли, оммавий журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Ўткир ЖЎРАЕВ
Рустам ИСМАТУЛЛАЕВ
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдусаид КЎЧИМОВ
Гулистон МАТЁҚУБОВА
Нилуфар
Абдулла ОРИПОВ
Неъмат РАСУЛОВ
Жўрақул ТУРСУНОВ
Ўктамхон ХОЛДОРОВА
(масъул котиб)
Комил ЮСУПОВ
Раҳмон ҚЎЧҚОР
Азамат ҲАЙДАРОВ

Бўлим муҳаррири
Манзура ШАМС

Саҳифалаш ва дизайн
Шаҳло ҲОШИМОВА

Мусаҳҳиҳ
Ёрбек ИСКАНДАР

Рассом
Гулзор СУЛТОНОВА

Навбатчи муҳаррир
Ж.ЙЎЛДОШБЕКОВ

Ушбу сонда:

Олимжон РАҲИМОВ
АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТ ИНТИЗОМИ 4

Саъдулла ҲАЖАНОВ
Шифокорнинг нутқ маданияти 16

ЭПИК ХОТИРА ВА ЭПИК БИЛИМ 18

Козоқбой ЙЎЛДОШЕВ
АНГЛАШНИНГ АЗОБЛИ ЙЎЛИ 22

Тоҳир МАЛИК
Соҳилсиз денгиз 38

Ўктамой
ЯШИЛ ЭДИ ОРЗУЛАРИМ 40

Боқижон РАҲИМЖОНОВ
Агар васият фарз бўлса 45

Guliston
2005/1

Босишга 25.02.2005 да топширилди. Қоғози: 60x84 1/8. Ҳажми: 6 босма табоқ.
Буюртма №17.
Таҳририят манзили: 700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй.
Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 136-68-90
Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент, Ҳадича Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан рўйхатга олинган.

Эл соғлиги — юрт бойлиги

Мустақиллик йилларида Ватанимизда ҳар бир йилни муборак бир ном билан аташ одат тусига кирди. Юртбошимиз Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишланган тантанада 2005 йилни «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилганида муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройи гулдурос қарсаклардан титраб кетди. Чунки бу таклиф халқимизнинг айни кўнглидаги гап эди.

«Янги йилнинг мамлакатимизда «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизнинг тараққиёт йўлида янги поғонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўлади, — деди Президент Ислом Каримов. — Айни пайтда бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, ҳали-бери ечилмаган ўткир муаммо ва нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларни бартараф этиш, бу борада тараққий топган давлатлар даражасига эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Албатта, аҳолимизнинг соғлигини сақлаш ва даволашда давлатимиз олдида турган вазифалар, янги йилга мўлжалланган давлат бюджети ва харажатларини белгилашда етарли даражада маблағ ажратиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш бу соҳага алоҳида эътибор бериш ўз йўли билан ҳал этилади».

Албатта, «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Меҳр ва мурувват йил»ларида ишлаб чиқилган дастурларда ҳам аҳоли саломатлигига катта эътибор берилган эди, лекин 2005 йилнинг «Сиҳат саломатлик йили» деб аталиши нур устига нур бўлди.

Халқимизнинг инсон сиҳат-саломатлигини авайлашга қаратилган, донишмандлик барқ уриб турган мақоллари жуда кўп. «Саломатлик — туман бойлик», «Соғ танда — соғ ақл», «Сиҳат тиласанг — кам е, иззат тиласанг — кам де», «Табиб табиб эмас, дард чеккан табиб» каби мақолларда халқ донишмандлиги ўз ифодасини топган.

Халқимиз кўп асрлар мобайнида дунё шифокорларига асосий қўлланма бўлиб келган «Тиб қонунлари»ни яратган ватандошимиз, бу йил таваллудининг 1025 йиллиги нишонланадиган Абу Али ибн Сино билан ҳақли равишда фахрланади. Бугунги кунда ҳам авлодлар томонидан буюк алломанинг ишлари фидойилик билан давом эттирилаётир. Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг табиблар ҳақидаги қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: «Ҳозиқ табиб (яхши шифокор) Исои Масиҳ кабидир (инсонни тирилтирувчи), ёмон табиб эса жаллоддан баттардир, чунки жаллод айбингни бўйнингга қўйиб жонингни олади, ёмон табиб нотўғри даволаб жонингни олади». Ҳа, донишмандона топиб айтилган гаплар.

Юртимизда мустақиллик йилларида аҳоли саломатлиги йўлида жуда улкан ишлар амалга оширилди, тиббиётимиз энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, жуда кўп замонавий шифохоналар барпо этилди. Айниқса, бу борада давлат маблағларидан ташқари ҳомий ташкилотлар, фидоий ишбилармонлар, айрим хусусий клиникаларнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Албатта, Юртбошимиз ўз нутқида таъкидлагани каби, ҳали бу борада муаммолар, ечимини кутаётган масалалар анчагина. Буларга қишлоқ жойларда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш кабилар киради. Тиббиётни ислоҳ қилишни жадаллаштириш дастурининг тўла-тўкис амалга оширилиши бугунги куннинг энг долзарб масалаларидандир. Беморларнинг ўксик қалбларига малҳам бўлиш, оғирини енгиллаштиш, улар ҳаётининг тўлақонли бўлишига кўмаклашиш нафақат давлат иши, балки ҳар бир виждонли фуқаро, комил инсонлар зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Бемордан ҳол-аҳвол сўраган борган ҳар бир ўзбек касалнинг кўнглини кўтариш, яхши сўзлар айтишга ҳаракат қилади. Шу ўринда яна ҳазрат Навоийнинг ўлмас сатрлари ёдга тушади:

Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Инсон ҳаёти туғилишидан тортиб, умрининг охиригача тиббиёт билан бевосита боғлиқ. Лекин ҳар бир одам тансиҳатлик учун аввало ўз ҳаётини тўғри йўлга солмоғи лозим. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ўстириш, ёшликдан шакллантириш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир инсон шахсий гигиена талабларига, спорт билан шуғулланишдан тортиб, тўғри овқатланиш, ўзига нима ёқади-ю, нима ёқмайди яхши билмоғи керак. Токи, Аллоҳ томонидан берилган умри, ҳаёти мазмунли ўтсин. Барчамизга сиҳат-саломатлик ёр бўлсин!



АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТ ИНТИЗОМИ

Интизом давлат куч-қудратининг кўрсатгичидир. Интизомга таянган ижтимоий тузумгина барқарор тараққий этади. Қудратли давлат ўз ҳудудида тартиб ўрната олиши, халқининг тинчлигини таъминлаши, ижтимоий ҳаётда мунтазам тараққиёт вужудга келтириши, ҳудудий дахлсизликни таъминлаши мумкин.

Мозийда туронзаминда кўплаб қудратли давлатлар бўлганлиги ҳақида тарихимиз гувоҳлик беради. Эрон, Ҳинд, Чин манбаларида, «Авесто» ёдномасида ушбу ҳудудда Турон, «Турушка» (Турк) ва «Сака» каби қудратли давлатлар бўлганлиги ҳақида кўплаб тарихий далиллар юзага чиқмоқдаки, булар миллий давлатчилигимиз нақадар чуқур илдизларга эга эканини кўрсатади.

Юртбошимиз «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаворотдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уриққўйди. Хазинани лашкар ва амирларга талатди, юртда адолатсизлик, бошбошдоқлик авж олди.

Бундан хабар топган Амир Темур 1399 йилнинг кузида Мирношоҳни ҳибс эттирди. Унинг девони ва иш фаолияти тафтиши эса кўплаб камомадлар, суистеъмолликларни очиб берди. Оқибат, Мироншоҳ ҳокимият ва қўшиндан маҳрум этилиб, пойтахт халқи олдида сазойи қилдирилди.

Давлат иши ва қонунлар барча учун баробар бўлганлиги учун ҳам Амир Темур томонидан қуйидаги фармони олий берилган эди: «Амр қилдимки, агар ўғилларимдан қайси бирови салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни уриб-сўкиб, ўлдиришга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин, лекин уни кўз тагида сақласинларки, токи ўз даъвосидан қайтсин ва Тангри таолонинг мулкида фасод чиқмасин, агарда набиралар ёки қавм-қариндошлар душманлик қилишса, уларни (маошларидан маҳрум қилиб) дарвеш ҳолатига солсинлар».

наётган кучлар ҳали бор!» — дея таъкидлаб, ҳам буюк, ҳам қадимий давлатчилигимиз тарихини юзага чиқариш, уни жаҳон тарихида муносиб ўринга қўйишдек долзарб вазифани ўртага қўйдилар.

Давлатчилигимиз тарихидаги шонли саҳифалардан бири сифатида кўзга ташланадиган қадрият Амир Темур ташкил қилган салтанатдир. Бу салтанат, аввало, мустаҳкам интизом билан шонли давлат сифатида тарихда ўз ўрнини қолдирди, буюк давлатлар қаторидан жой олди. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш усули алоҳида таъкидланаётганига сабаб ижтимоий-сиёсий масалалардан тортиб, олий даражадаги тадбирларга қадар барчаси «Тузуклар»га қонун даражасида киритилиб, унга барча баробар итоат қилганлигидир.

Таниқли олим Иброҳим Мўминов ўз асарларида Амир Темурнинг давлат обрўси, шарафи, манфаатини ҳимоялашда ғоят қаттиққўл экани, бу борада ҳеч кимни, ҳатто ўз яқинларини аямаганлиги, давлат ишларда собитлигини таъкидлайди. Унинг давлатида лавозимни суистеъмол қилиш, порахўрлик, ичиш, маиший бузуқлик кечирилмай, қаттиқ жазоланган. Шарафиддин Али Язднинг ёзишича, бундай тартибдан Темур авлодлари ҳам мустасно бўлмаганлар. Чунончи, унинг ўғли Мироншоҳ, невараси Пирмуҳаммад халқ олдида қаттиқ жазога тортилганликлари тўғрисида манбаларда битилган. Давлат ишлари кўп ҳолларда қароргоҳ, чодирларда олиб борилар, элчилар, бошқа меҳмонлар ҳам ўша ерда қабул қилинарди. Чунки давлат маркази Соҳибқирон турган ер ҳисобланар ва давлат аҳамиятига молик барча масалалар айни манзилда ҳал этилар эди.

1383 йили Ҳирот мулки тузилиб, Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳга берилган. Кейинчалик эса унга Ироқ ва Озарбайжон топширилади. Афсуски, Мироншоҳ ҳокимиятни бошқариш ўрнига маишатга ружу

Амир Темур давлати таркибига кирган барча ўлка, мамлакат, вилоятларда дарҳол тартиб ўрнатилар, ноҳақликларга барҳам берилар, бошқарув давлат қонун-қоидалари тизимига ўта бошлар эди. Соҳибқирон «Тузук»ларида «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим. (Ўз эрки билан) менга бўйсунган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳукуматини қайтариб бердим ва уларни инъому эҳсон билан қадрлаб, ўзимга мутеъ қилиб олдим. Бўйсунмаганларини эса қилмишига яраша жазоладим. Одил, оқил ва уддабурон кишиларни уларга ҳоким этиб тайинладим», дея давлатида ўрнатган тартибини баён этади.

Мамлакат маҳаллий бошқарув органлари ҳокимлик асосида тузилган. Жойларда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари тайинланган. Тегишли сиёсий ҳокимиятда калонтар, кадхудо, омил маҳаллий ҳукмдор ҳисобланган. Ушбу тизимда кутвол сингари мансаб ҳам бўлиб, улар мамлакат идора усулининг таркибий қисми ҳисобланган ва тартибни назорат қилган.

Таниқли олим Ҳерман Вамбери ўзининг «Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи» китобида таъкидлашича, «Салтанат маъмурларининг адолатли ҳукм юритишлари, деҳқонларга шафқат билан қараши, савдони ҳимоя қилишлари таъкидланган. Қўшин маъмурларига аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш топширилган».

Соҳибқирон «Тузук»ларида маҳаллий бошқарув тизими батафсил ёритилган: «Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол тайинлансинки, сипоҳу раиятга соқчилик қилсин ва кимнинг бирон нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин. Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинлансинларки, йўлларни қўриқлаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг

нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлсин». Бундан аёнки, жамоат тартибини сақлашга алоҳида эътибор берилган. Амир Темур давлатида нафақат маҳаллий аҳоли, балки савдогарлар, сайёҳлар, мамлакатга турли сабаблар билан келиб-кетувчилар ҳаёти, манфаати қонун йўли билан ҳимояланган.

Амир Темур давлат бошқарувида хабардорлик, барча музофотга тегишли ҳар қандай янгиликдан ўз вақтида воқиф бўлишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Шу мақсадда салтанатга тегишли бўлган хат-хабарларни ўз вақтида жойига етказишни таъминлаш учун ҳар икки туманда бир алоқа бекати ташкил қилинган. Уларда чопарлар учун от, озиқ-овқат, кийим-кечак, ўрин-тўшак доимо бўлиши шарт эди. Шунингдек, атрофдан мамлакатга кириб-чиқувчилар, карвонлар назорат остида бўлган. Ўзга мамлакатлардан келган ҳукмдорлар, подшоҳлар, уламолар, фузалолар ҳақидаги батафсил маълумотлар ҳам Ҳуфия Маҳкамаси одамлари томонидан ҳаққоний ва ростгўйлик билан етказиб турилган.

Немис олими Ф.Шлоссер Соҳибқирон Амир Темурнинг ижобий хислатларини тан олган ҳолда унга нисбатан ўта танқидий муносабатда бўлади: «Саодатли жангчи, дунёнинг фотиҳи, айни вақтда энг узоқ Шарқни ўз қонунига қаратган бу одам Осиёда тактик-стратегик билимлар билан ваҳший тўдаларни ўзига торта олиш маҳоратини бир-бирига уйғунлаштирди. У ўрта аср ёлланма аскарларининг бошлиқларига ўхшаб, князларга ўз хизматини таклиф этар экан, унинг олдида синалган жангчилари билан ҳозир бўларди...

Умрини юришларда ўтказган Темур тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтиб ва ўзининг янги давлатига янги қонунлар тақдим этарди. Бу қонунлар татар галалари томонидан қилинадиган ваҳшийлик, шафқатсизлик ва вайронагарликларга ҳайрон қоларли даражада яқин турарди.

Бизнинг фикримизча, Темурнинг давлатни бошқаришдаги донишмандлигига, унинг ахлоқий ва сиёсий принципларига, шунингдек, уни гений сифатида улуғловчи китобларга, ҳатто, эътибор бермаса ҳам бўлади... Бизга маълумки, Темур ўз тўдаларининг ташналик ва ваҳшийлик ҳиссини кузатади; унинг исковчилари барча мамлакатларда изғиб юрди, у жосусликнинг бутун бир системасини тузиб чиқди ва уни қўллади бу ишда унга ҳар хил дарвешлар, фақирлар, ҳатто христиан монахлари ниҳоятда зўр амалий ёрдам бердилар».

Аввало, уруш ҳамма вақт ва ҳамма жойда қурбонлар ҳамда вайронагарчиликлар келтириши аён ҳақиқатдир. Жаноб Ф.Шлоссернинг фикрларига қараганда, давлат бошқарувидаги олий даражадаги мақом, ақл-заковатга, генийсифат улуғворликка, қимматли манбаларга «ҳатто эътибор бермаса ҳам бўлар» эмиш. Шу боис, ҳақли равишда эътирозли савол туғилади: «Жаҳон халқлари маънавияти, маданияти ва тарихига улкан ҳисса қўшадиган масалага эътиборсиз қараган тарихни етарли асосланган тарих, дейиш мумкинми?» Йўқ, албатта. Масаланинг жаноб Ф.Шлоссерча қўйилиши ўзга халқларнинг ўтмишини, тарихини ўта камситишдир.

Айни дамда Буюк Британия олими Сингдем Балим-Хардингнинг қуйидаги холис фикрини келтириш ўринлидир: «Кўпгина материаллардаги фактлар лоқайдлик билан ёритилган, улар аксарият ҳолда биргина маданият ва даврга мансуб бўлган сохта ғояларни ўзида акс эттирган. Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг ёритилиши ҳам бундан мустасно эмас».

Ўзбекистонда давлатчилик тарихи қадимий ва рангбаранг бой манбаларга эгадир. Давлатчиликни қонунқоидаларсиз, унинг ижросини интизомсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, биргина давлат интизоми масаласида қуйидагиларни ёрқин кўриш мумкин:

биринчидан, интизом бор жойда бирлик, аҳиллик, файз-барака, куч-қудрат бўлиши;

иккинчидан, мустаҳкам интизом билангина ўзаро низоларга чек қўйиб, улкан маъмурий-ҳудудий салтанатни бошқара олиши мумкинлиги;

учинчидан, давлат бошқарувининг барча бўғинларида метин интизом йўлга қўйилса, аҳолининг талаб-истаклари, моддий аҳволи эътибордан четда қолмаслиги;

тўртинчидан, мамлакатда фан, маданият, ободончилик, қурилиш, шаҳарсозлик тараққиётига ҳам интизомсиз эришиб бўлмаслиги;

бешинчидан, барқарор ҳудудий дахлсизлик ҳам, элюртнинг эмин-омонлиги ҳам, давлатларнинг ўзаро муносабатлари ҳам бевосита интизомга боғлиқ эканлигини...

Хуллас, Амир Темур давлат идора усули улкан тарихий тажриба намунасидир. Уни ўрганиш, ўргатиш, дунёга ёйиш эса биз авлодлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Олимжон РАҲИМОВ

Қўшиқ — миллатимиз юзи

Дарахт япроқларининг рақсига ҳеч эътибор берганмисиз? Улар ҳам саболарнинг қўшиғига тебраниб ўйнайди.

Ана шунга ўхшаш қўшиқ билан гўзал бу ҳаёт. Қўшиққа таржимон керак эмас. Уни дунё халқлари эшитиб, мазмунини дилдан тушунишади. Қўшиқ қалбларни бир-бирига боғловчи кўринмас риштага ўхшайди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Баҳор» дастасининг хонандаси Эркин Рўзиматов билан айнан шу сеҳрли ҳодиса ҳақида суҳбатлашдик.

— Эркинжон, ҳақиқий санъатни сохтасидан қандай ажратиш мумкин?

— Компьютерлар, овоз кучайтиргичлар, замонавий техникалар ёрдамида сайқалланиб, ёзиб олинган фонограммалар бир томондан олиб қаралганда, яхшидай туюлади, бироқ иккинчи томондан эса, хонандани ўз овоз имкониятлари устида ишлашда дангаса қилиб қўяди, мусиқий саводи такомилини тўхтатади. Натижада, тўйбоп қўшиқлар бемаза қовуннинг уруғидай кўпаяверади. Халқимизнинг бугунги ҳақли талабларидан бири ҳам дилбар қўшиқлар ижросини эшитишдир. Бунда созлар ҳам жонли чалинади, ўз-ўзидан ёш хонандалар миллий оҳангдаги қўшиқларни ўрганишга мажбур бўладилар.

— Дарвоқе, Сиз яқинда Туркистон саройида икки кун мобайнида берган концертингиз мухлисларингизда қандай таассурот қолдирди?

— Ҳа, халқимиз ҳақиқатан жонли қўшиқларни жуда соғинган экан. Шаҳар ҳокимияти томонидан уюштирилган бу концертда қўшиқ шинавандалари йўқотган нарсаларини топгандай, кўтаринки кайфиятда эдиларки, бундан менинг ҳам руҳим кўтарилиб кетди. Айниқса, улар «Сурмага муҳтож эмас», «Кўзгу уяларми», «Маҳлиқолар», «Дарё тошқин» каби қўшиқларни зўр мамнуният билан қарши олдилар. Агар ўзимга қолса, катта саҳаналарда тез-тез ана шундай жонли концертлар ўтказиб турардим. Бунга репертуарим, мухлисларим ҳам етарли, аммо...

— Эркинжон, бугунги кун қўшиқчилигига муносабатингизни билмоқчи эдик.

— Мен анъанавий ижрочилик йўлида куйлаганим учун шу йўналишда қўшиқ айтаётган санъаткорларга ҳурматим ўзгача. Тенгдошларимдан Маҳмуд Тожибоев, Машраб Эрматов, Гулбаҳор Эркуловалар ижодини қадрлайман. Санъатга тетапоя қилиб келаётган айрим хонандаларга келсак, улар қўшиқчиликни тирикчилик манбаи деб қарамоқдалар. Тўй давраларига мос чет эл мусиқаларини ўзлаштирмоқдалар.

Янги мусиқа яратишга уқувлари етмаяпти ёки эринибми, тайёр оҳангларга ўзбекча сўз қўйиб айтмоқдалар. Гўёки фақат мақом қўшиқларидагина ўзлигимиз бор-у шу қўшиқларгина ўзбекникидай. Ваҳоланки, ўз оҳангимиз, замонавий қўшиқларимизда ҳам ўз созимиз, ўз овозимизга эгамиз. Бугунги бастакорларимиз шундай оммавий қўшиқлар яратишсаки, у миллий чолғулар билан ҳам, замонавий эстрада йўналишида ҳам бирдек айтиладиган бўлса. Японияга борганимизда одамлар гавжум жойларда ошхона, меҳмонхона, сайлгоҳларда ўзларининг мумтоз мусиқалари қўйилар экан. Ҳатто мактабларда ҳам танаффус пайти, дасрдан сўнг ҳам ана шундай мусиқа эшиттирилиб, инсонларда мумтоз япон мусиқасига нисбатан ҳурмат ва кўникма ҳосил қилиб борилар экан.

— Баъзан айрим санъаткорлар ўзларини «кўрсатмоқчи» бўлиб мумтоз қўшиқларни катта-катта давраларда айтишади, сиз бунга қандай қарайсиз?

— Ҳозир кўпчилик ўз ҳолича ижрочи бўлиб кетган. Ҳатто мақомларни ҳам ўзбошимчалик билан қандайдир қўшимча авжлар, ёқимсиз нолалар қўшиб ижро этмоқдалар. Баъзилар овозларини кўрсатиш мақсадида «Қурбон ўлам»га ўхшаган қўшиқларни «мода» қилиб олишган. Бу қўшиқни ҳатто аёл хонандаларимиз ҳам маънисига етиб-етмай ай-



тишлари ачинарлидир. Устозимиз раҳматли Орифхон Хотамов биз шогирдларига доим: — Болаларим, менинг қўшиғимни айтар бўлсаларинг, бузмай айтинглар, мен бу қўшиқларни халққа манзур этгунча не машаққатлар чекканман, — дердилар. Шу йўлда мен ҳам ўз иқтидоримни синаб, Чустийнинг «Ким етди-ю ким етмади», Шокиржон Ҳакимийнинг Амирий ғазалига «Қошингга тегизма қаламни» муҳаммаси, Бобурнинг «Ғунчадек кўнглим менинг» сингари шеърларига куй басталаб, ижро этяпман. Мени яна бир нарса севинтирадики, тўйларда отахон-онахонларимиз хонандадан «Мустаҳзод», «Тановар», «Муножот», «Айрилмасин» сингари мумтоз қўшиқларимизни айтиб беришни сўрашади. Бу нарса ҳам ёшларни ўзи билиб-билмай мумтоз қўшиқларимизни ўрганишга мажбур этади.

— Бугун қўшиқчилигимизга тўлқиндай оқиб кираётган саёз, савиясиз қўшиқларни қандай қилса «тўхтатиш» мумкин, деб ўйлайсиз?

— Бунинг учун аввало, улар тарғиботини сал жиловлаш лозим. Тарғибот макони бу радио-телевидение ҳисобланади. Бу масканларда, айниқса, радиода бадиий кенгашдан ўтган қўшиқлар қўйилади. Лекин айрим хусусий каналларда ҳозирги пайтда шундай «тутуруқсиз» қўшиқлар кўплаб берилиши ҳар қандай хонандани «юлдуз»га айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Қўшиқда миллатимизнинг юзи, овози ва сўзи кўриниб, акс этиб туриши лозим. Шунинг учун ҳам баъзи каналларда берилаётган қўшиқлар ҳам мутахассислар томонидан шеъри, мусиқаси, ижролари тингланиб, сўнгра кенг омма эътиборига ҳавола этилиши зарур, деб ўйлайман.

— Эндигина санъат даргоҳига кириб келаётган ёш хонандаларга тилагингиз?

— Ёш хонандаларимиз ўрганишдан қочишмаса, умрбоқий қўшиқлар яратишда Аллоҳ берган овозларини тарбиялаб, ўтмиш меросимизни чуқурроқ ўрганишса, саҳна маданиятини ўзлаштирса, қўшиқсевар халқимиз қалбидан муносиб жой олишлари муқаррар.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА
суҳбатлашди

Одамнинг энг яқин кишиси онаси бўларкан. Энг кўп соғинадигани ҳам. Онажон, яна сизни ҳу ўша, болалар уйида соғинганимдек қаттиқ соғиндим. Ўшандагидек йўлингизга тикилиб, тўкилиб ўтирибман. Эсимда, муздек панжарани маҳкам ушлаганча унинг орасидан юзимни чиқариб йўлга қарардим. Муштдек юзимга қўшилиб бутун вужудим, кўксимда потирлаб ураётган юрагим ҳам бу ердан тезроқ чиққиси келарди. Йўлдан ўтаётган ҳар бир аёлга термуламан. Улар ичида менга ўхшаши кўринмасди.

Бир куни ҳаммамизнинг севимли Мая опамиз зўр янгилик айтиб қолдилар. Бизни кўргани чиройли, меҳрибон ая келаркан. Кимки ўзини яхши тутса, одобли бола бўлса, аёл ўшани олиб кетаркан. Ўша кеча ухлолмай чиқдим. У аёл менинг онам бўлиб чиқишини жудажуда истардим. Вақтли туриб, ўзимга ҳар кунгидан кўра яхшироқ қарадим. Юз-кўлимни, тишимни тозалаб ювдим. Сочларимни текис тараб, чиройли кўйлагимни кийдим. Ниҳоят, сиз кириб келдингиз. Хоналар ёришиб кетгандек бўлди. Опамизнинг ёнида туриб суҳбатлашаркансиз, биз томонга тез-тез қараб қўярдингиз. Мен эътиборингизни тортиш учун жуда одоб билан ўтирдим. Орадан бир-икки кун ўтиб мендан кичик гуруҳдаги Камол исмли бола кўринмай қолди. Эшитишимча, сиз унинг онаси бўлиб чиқдингиз. Биз томонга қараганда негадир менга қараяпсиз, деб ўйлабман. Янглишган эканман. Ахийри тақдирга тан бердим. Аслидаям биз бу ерда ҳар куни тақдирга тан бериб яшаймиз. Менинг яна кутишдан бошқа иложим қолмади. Шунинг учунми ҳозиргача «кутиш» сўзини эшитсам, юрагим безиллайди.

Онажон, ўзи соғинч деганлари нима? Унинг ҳиди, ранги, шакли бўладими? Унинг ҳидлари сочингизда, ранги юзингизда, шакли юрагингиз шаклида бўлса керак-а? Шундай эмасми? Онажон, яна сизни соғинаяпман. Сизни соғинмай қўйган куним ўлиб қоламан. Тўғри, кийинчиликлар, изтироблар ортда қолди. Бироқ соғинч мени ҳеч қачон тарк этган эмас. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Ниҳоят, бизни Меҳрибонлик уйидаги опаларимиз кўзида ёш билан кузатиб қолишди. Мен, Сарвар, Шоҳида, Гулруҳ, Акбар, Лола технология институтига ҳужжат топширдик. Мен билан болалар уйидаги яна иккита бола ўқишга кирди. Ўқиганда ҳам қойиллатиб, аълога ўқидик. Ҳамма бизни ҳурмат қиларди. Сарвар беш йил ичида мендан узоқлашмади. Қайтага дўстлигимиз мустаҳкамланди. Турмуш қурдик. Ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Аммо сизнинг ўрнингизни ҳеч ким, ҳеч нима босолмади. Ҳозир куёвингиз ишда. Катта бир идорانинг директори. Биз учинчи фарзандимизни кутаяпмиз. Қанийди сиз ёнимизда бўлсангиз. Туғруқхонага тинчгина кетардим. Кўраяпсизми, она фарзандига ҳамма вақт керак бўларкан...

Сиз-чи, сиз қандай яшаётган экансиз? Фарзандингни ўзинг ташлаб кетгансан, деб сизга ҳеч ким таъна қилмаётганмикин? Қаерда, қандай ҳолатда бўлсангиз ҳам мен сизнинг суянчиғингизман, онажон. Хонанда Султонпошша Ўдаевани бир қўшиғи бўларди. Янглишмасам у мана бундай айтилади:

Мен болангман, тилагингман,
Тилагингман, онажон.
Ишон, толсанг қувватингман,
Юрагингман, онажон.
Қайда бўлсанг чақир мени,
Суян менга бегумон.
Мен сенингман, асал-қандинг
Тирагингман, онажон.

Сиз ҳам қаерда бўлсангиз мени чақиринг, она. Ўша лаҳзадаёқ учиб бораман.

Эшигимиз қўнғироғи жиринглаб қолса баъзан, бу сиз, деб ўйлайман. Ахийри, мени излаб топиб келди-я, деб суюнаман. Телефонга чақиришса, ҳозир овозингизни эшитиб қоладигандек юрагим ҳапқиради. Кўраяпсизми, сизни ҳамма вақт кутаман. Сизни ҳамма нарсада кўраман. Болаларим юз-кўзида, қошларида. Сиз шундай чиройлисиз. Исингизни ахтараман. Сўнг англаб етаман. Онанинг ўрни юракда бўларкан.

Сиз менинг тилакларимда, дуоларимда яшайсиз. Инсон токи ҳаёт экан, дуодан тўхтамайди. Онажон, худодан сизни сўрашдан, ҳақингизга дуо қилишдан чарчамайман. Сизни ўйлашнинг ўзи бахт. Мен сизни соғиняпман, онажон! Кўзларим юмилмай бир мартагина дийдорингизни кўришни Яратгандан ўтинаман.

Юракни тишлайди азоблар,
Сўроқлар дилимни қақшатар.
Мен сизни соғиндим, онажон,
Соғинчим ёшлари шашқатор.
Сабримнинг косаси тўлиб, бор
Бардошлар кетдилар тўкилиб.
Соғинчга суяниб қоламан,
Йиглайман соғинчга осилиб...

Маликанинг мактубини оққа кўчирувчи
Дилором ИСМОИЛОВА



МУСИҚА АДАБИЁТИ ВА ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ

Республикамизнинг маданияти, иқтисодиёти каби унинг мусиқий ҳаёти ҳам мунтазам ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Мусиқа санъати тараққийсида мусиқа таълими ва мусиқа адабиётининг аҳамияти беқиёсдир. Мустақиллик йилларида мусиқа санъатига бағишланган кўплаб янги адабиётлар яратилди. Махсус ва умумий мусиқа адабиётини нашр этиш бўйича муайян ишлар қилинди. Бироқ замон талабларига жавоб бера оладиган, юқори бадиий ва тарихий қийматга эга бўлган, замонавий мусиқа санъати ютуқларини умумлаштирувчи ва унинг ривожланишига туртки бўладиган мусиқа адабиётига ҳамон эҳтиёж сезилмоқда.

Сўнгги йилларда яратилган А. Левиевнинг «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик», Р. Юнусовнинг «Ўзбек халқ мусиқа ижоди», О.Матёқубовнинг «Мақомат», Т. Саломонованинг «История музыки народов Средней Азии и Казахстана», Н. Янов-Яновскаянинг «Мутал Бурҳонов», О. Азимованинг «Гармония», К. Азимовнинг «Ўзбекистон бастакорлари», Т. Головянц ҳамда Е. Мейкелларнинг «Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари» сингари кўплаб назарий, тарихий, айниқса, ўқув-услубий рисолалари шу турдаги мусиқа адабиётлари сирасига киради.

Янги, ўзининг мазмун-моҳияти бўйича йирик ишлардан Ўзбекистон давлат консерваторияси Мусиқа педагогикаси кафедрасининг профессори Рауф Қодиров тайёрлаган «Ўзбекистон болалар қўшиқлари антологияси»ни алоҳида таъкидлаш мумкин. Антология кенг қамровли бўлиб, турли ёшдаги гуруҳларга мўлжалланган. У болаларда махсус мусиқа тинглаш, куйлай олиш қобилиятини тарбиялаш, тарих, адабиёт фанларини ўзлаштириш кабилар билан бир қаторда уларнинг умумий маданиятини ривожлантиришга қаратилган. Антологияда ўзбек қўшиқ санъатининг ёрқин намуналари орқали болалар ватанпарварлик, миллий ғурур, она диёрга муҳаббат, унинг тарихи, маданиятига, мустақиллик, уни қадрлаш сингари туйғулар билан тарбияланадики, бу ёшларда энг юксак шахсий-маънавий ва ахлоқий сифатларни шакллантиради. Бола ёшига мунносиб, гўзал мавзулардаги қўшиқларни куйлаганда унда нафис ва олижаноб туйғулар тўлиб-тошади. Шоирона ва мусиқий образларда тарбияланган болалар гўзалликни тушуниб, уни қадрлайдилар, табиатга меҳрлари ортади, дўстлик, меҳнатсеварлик, маънавий ва моддий бойликлар яратиш каби туйғуларга интиладилар.

Антология муаллифи материалларни умумлаштириш, танлаб олиш ва системалаштириш масалаларига масъулият билан ёндашади. Бу билан болалар қўшиқ адабиётини ҳар тарафлама ва тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилади. Антологиядаги қўшиқлар оммалашиб кетганлиги, жамоа бўлиб ижро этилиши ва кўпмарта қайта нашр этилиши тамойиллари асосида муаллиф томонидан зукколик билан танлаб олинган. «Арғимчоқ», «Бахтли авлод», «Бинафшахон, бинафша», «Бойчечак», «Болалар ашуласи», «Болалар қўшиқлари», «Бошланғич мактабда мусиқа», «Ёш авлод», «Ёшлик қўшиғи», «Кичкинтойлар мусиқаси», «Санъат байрами», «Ўзбекистон — ватаним маним», «Қувноқлар қўшиғи», «Қўшиқ бизнинг дўстимиз», «Ғунчалар» ва бошқа кўплаб болаларга аталган ажойиб қўшиқ тўпламлари антология материалини танлаб олиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Антологияни яратишда болалар қўшиқлари соҳасининг таниқли мутахассислари — Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов, композиторлар Надим Норхўжаев, Аваз Мансуров, Фарҳод Алимов, шоирлар Пўлат Мўмин, Нормурод Нарзуллаев ва бошқалар фаол қатнашдилар.

Болалар қўшиқлари ўзбек халқ композиторлик ижодиётида ўзига хос анъаналарга эга. Болалар қўшиғида халқнинг ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган ғамхўрлиги ва нозик ҳис-туйғулари ўз аксини топади. Она алласидан бошлаб, қўшиқ инсоннинг маънавий ва эстетик дунёсини бойитади, унинг бадиий-мусиқий иқтидорини тарбиялайди, ҳаётини соф, гўзал туйғуларга тўлдиради.

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси мусиқа педагогикаси кафедраси 2002 йилдан бошлаб, «Мусиқа таълими» мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилди. Болалар мусиқий тарбияси, болалар мусиқа санъати тарғиботи бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ушбу ихтисосликнинг асосий мақсади этиб белгиланган. Маълумки, мусиқий фаолиятнинг энг демократик, ҳамма учун, айниқса, болаликда тушунарли бўлган тури қўшиқдир. Қўшиқ орқали бола табиий ва самарали тарзда мусиқа санъати, маданиятига ошно бўлади. Айни жиҳатга асосланиб, кафедра профессори Р. Қодиров биз сўз юритаётган «Ўзбекистон болалар қўшиғи антологияси»ни тайёрлади. Унинг фундаменталлиги ва универсаллиги мавжуд болалар қўшиқ адабиётини тўлиқ қамраб олиши, хусусан, материалнинг системалаштирилишида кўринади. Антология катта ҳажмда, тушунарли, оммабоп тарзда баён этилган. Антология, яъни энг яхши асарлар тўплами жанрини сақлаган ҳолда, муаллиф уни болалар қўшиқларининг тўлиқ каталоги, библиографияси ва кўрсаткичи билан таъминлайди. Бу ахборот материали ёрдамида зарур қўшиқ, унинг муаллифи ва нашр этилган адабиёт осонлик билан топилади.

Анатологиядан «Муаллифдан», «Санъат арбоблари болалар қўшиғи ҳақида», «Кириш», «Ўзбекистон композиторлари ижодида болалар қўшиғи» каби боблар ҳам кенг ўрин олган. Барча қўшиқлар икки асосий бўлимда тўпланган: 1) «Ўзбек халқ болалар қўшиқлари»; 2) «Ўзбекистон бастакорларининг болалар учун қўшиқлари».

Анатологиядаги композиторлар ижодий портретлари, ҳаётий ва ижодий йўли, шунингдек, қўшиқ хусусан болаларга аталган қўшиқ ижоди ҳақида маълумотлар берилган. Бутун анталогия алифбо тартибида тузилган ва уч (ўзбек, рус ва инглиз) тилда ёзилганки, бу китобхонлар доирасини кенгайтиради. Шундай қилиб, бу мажмуада мусиқа маданиятининг болалар қўшиқ адабиёти, деб аталмиш яхлит қатламининг тўлиқ қамровини кўрамиз.

Анталогияда халқ ижодиётининг кўп асрлик тажрибаси умумлаштирилган, шунингдек, болалар учун композиторлик, қўшиқ ижодиётининг энг ёрқин ютуқлари алоҳида кўрсатиб ўтилган. Ўзбек халқ болалар қўшиқлари ўтган авлодлар донишмандлиги ва ўзбек

маданиятини ривожлантиришнинг табиий характерини ўзида мужассамлаштиради. «Оқ теракми — кўк терак», «Чорий — чамбар», «Читтигул», «Лайлак келди», «Ёмғир ёғалоқ», «Қуён», «Қалдирғоч», «Олатой», «Қичқир, хўрозим», «Баҳор келди», «Рамазон», «Алла» каби қўшиқ-ўйин, саноқ, алла ва бошқа кўплаб қўшиқлар болаларнинг қувончига сабаб бўлиб келмоқда. Бу қўшиқлар турли воқеалар, табиат, турмуш манзаралари, йил фасллари, жониворлар ёки оддий ўйин ҳолатларига бағишланган. «Алла» қўшиқлари тарихий ва табиий асосга эга бўлиб, онанинг ўз боласига меҳри, унинг келажаги ҳақидаги ўйлари билан уйғунлашган. Ҳаммамиз учун қадрли бўлган «Алла» болани тинчлантириб, унга куч бағишлайди, «Алла» айтаётган она овози эса инсонга бутун умри давомида ҳамроҳлик қилади. Асрлар давомида синовлардан ўтган ушбу халқ фолклори сайқал топиб, фаол тарбия воситаси, бастакорлик ижодиёти учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Замонавий бастакорлар фолклордан оҳанг, мавзу асосларини олиб, ўз асарларида талқин этадилар. Ўтган асрнинг бошларида Ўзбекистонда болалар учун илк қўшиқ тўпламлари чиқади. Ўзбек бастакорларининг кейинги авлоди болалар қўшиғи жанрини янги, янада юқори поғонага кўтардилар. Болалар учун сюиталар, кантаталар, йирик қўшиқ ва қўшиқ-симфоник асарлар пайдо бўлди. Бастакорлик техникаси ривожланди ва такомиллашиб борди. Надим Норхўжаев, Аваз Мансуров, Шермат Ёрматов, Фарҳод Алимов ва бошқа ўзбек бастакорлари болалар қўшиғи жанрини мукаммаллаштиришда давом этмоқдалар. Замонавий гармония, оҳанглар, болалар операси каби йирик шакллар болалар қўшиғи жанрини янада ривожлантирмоқда. Кейинги йилларда болалар қўшиғи жанрида Дилором Омонуллаева фаол меҳнат қилмоқда. У Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин билан ҳамкорликда биринчи синф ўқувчилари учун «Алифбо қўшиқлари» қўлланмасини ёзди. Унда алифбонинг ҳар бир ҳарфига қўшиқ басталанган. Шунингдек, бошқа қўлланмалар, болалар учун қўшиқ тўпламлари, хрестоматиялар, умумтаълим мактаблари учун «Мусиқа» қўлланмалари болаларнинг умумий ва мусиқий ривожланишларига қаратилган ва биз сўз юритаётган мажмуада ўз аксини топган. Антологияда болалар қўшиқлари нашр этилган мавжуд барча адабиёт умумлаштирилган.

Мазкур «Ўзбекистон болалар қўшиғи анталогияси» мисолида биз адабиётнинг тарбияда ва зарурий материални баён этишдаги улкан ва кўп ёқлама имкониятини кўрсатиб беришни истаймиз. Бу каби адабиёт тўплам, хрестоматия, ўқув қўлланмаси, ахборот материали имкониятларига эга бўлган универсал адабиёт бўлиб, ўзида маърифий, таълим-тарбия вазифаларини мужассамлаштиради, шунингдек, болалар билан ишлашда, болалар қўшиқ ижодиётини ривожлантиришда аниқ амалий аҳамиятга эгадир.

Анталогиядаги тушунарли баён ундан болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, лицейлар, коллеж ва олий таълим муассасаларида кенг фойдаланиш имкониятини беради. Ўзбек мусиқа санъатининг ёрқин намуналари ва энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, ўсиб келаётган ёш авлод маънавияти, маданиятини ривожлантиришга қаратилган, юксак умуминсоний қийматга эга бўлган бундай турдаги адабиёт оммавий нашр этилиб, кенг фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Инсон маънавияти ва маданиятини мусиқа воситалари орқали шакллантириш доимо ижобий натижа берган. Мусиқа ўз мазмун-моҳияти, табиати билан инсонни тарбиялайди, уни олижанобликка чорлайди. Айниқса, бу болалик чоғларида муҳим. Ёшларнинг мусиқий тарбияси тўғрисидаги ғамхўрлик келажак авлоднинг баркамол тарбиясига инвестициядир. Бунинг учун зарурий шароитларни яратиш кўпда нашр этилаётган мусиқий адабиётнинг сифатига боғлиқ. Бу йўналишда ижодий ва нашр ишларини самарали ҳал этиш, фикримизча, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Баҳром ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ректори

СОЗЛАР УСТАСИ

Инсонларни гўзаллик оламига етакловчи санъат турларидан энг жозибалиси мусиқа эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Маҳорат билан ижро этилган қўшиқ ёки куй тинглганида, дилдаги ғубор тарқайди, чарчоқ чиқади.

Мусиқа сеҳри ҳақида гап борар экан, ижрочилик маҳорати билан танилган чолғучилар номи ҳурмат билан тилга олинади, бироқ уларнинг танилиши, ўзбек чолғулари довруғини дунёга ёйишга бевоста ҳисса қўшаётган соз усталари доим ҳам эсланавермайди. Соқижон Қодиров бугунги кунда ўзбек созларини мукаммаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган соз усталаридан биридир.

Уста 1931 йил Тошкентда таваллуд топганлар. Оталари Абдуқодир ота машҳур Уста Усмон Зуфаров билан дўст эдилар. Абдуқодир ота ўғиллари Соқижонни Устага шогирдликка топширадилар.

Соқижон ака ёшлигини эслаб, шундай ҳикоя қиладилар: — Мени отам 1948 йилнинг август ойида шогирдликка олиб келдилар. Устахонада биздан кўра ёши анча улуғ усталар ишлар эди. Уста Усмон мени дарров ишга ўтказмадилар. Аввал янги келган шогирдларни оғир ишларда синаб кўриб, бардош берганларинигина олар эканлар. Ёш шогирдлар билан эртадан кечгача дуторга «қовурғача», унинг қопқоғига ўтин арралар эдик. Бир йилча шу йўсинда катта-кичик ишларни бажариб юрдим. Биринчи мустақил ишим дутор ясаш бўлди. Уни қанчайин қойиллатганлигим тўғрисида ҳозир бир нима дейишим қийин, лекин шуниси эсимдаки, дуторнинг бўғзига «тирноқ» олаётганимда чап қўлимни искана кесиб кетди. Шунда Уста қўлимга ишора қилиб: «Соқижон, қон чиқардингиз, бу яхшиликка — сиздан уста чиқади», — деганлари ҳали ҳам ёдимда.

Ўша вақтларда мусиқа санъатини оммавийлаштириш кенг йўлга қўйилган эди. Халқ чолғуларини оркестр ижросига мослаштириш зарур бўлди. Бу юмуш билан Усмон Зуфаров бошлиқ усталар шуғулландилар. Соқижон ака ана шу даврда ўн битта дутор ясаб улгурди.

Кейинроқ Соқижон ака ҳарбий хизматга чақирилди. Йигитлик бурчини бажариб қайтганидан сўнг кечки мактабни битириб, ҳозирги Миллий университетнинг ҳуқуқшунослик факултетига ўқишга киради. Олий ўқув юртини тугаллаб, ҳуқуқ-тартибот органларида 28 йил хизмат қилади. 1981 йили майёр унвони билан нафақага чиқдилар. Шундан ёшликда эгаллаган касбларининг иккинчи, ижодий қисми бошланди.

Соқижон ака созларни оркестрга мослар экан, созандалар билан биргаликда илмий изланишлар олиб борадилар. Бунда чангчи Фазилат Шукурова, оркестр дирижёрлиги кафедраси доценти Файзулла Иброҳимовлар билан ҳамкорлик яхши натижалар берди. Тайёр асбобларни созанда чалиб, ўз фикрини билдиргач, Соқижон ака замон ижрочилик талабларини ҳисобга олган ҳолда унга ўзгартиришлар киритардилар — мусиқа асбоби ижрочини тўла қониқтирмагунча уста ва созанда орасидаги изланишлар давом этарди. Соқижон ака чолғу тўғрисида билдирган фикрга ҳеч қачон бефарқ эмаслар. Ҳар бир истагимизни кейинги ишларида синаб кўрадилар. Шу сабабли Уста ясаган асбобларда доимий сифат ўзгаришлари сезилади, — дейди Фазилат опа.

Устанинг Файзулла Иброҳимов билан ҳамкорликдаги изланишлар ҳам самарали натижалар берди. 1950 йил янги ўлчовлар асосида ғижжак турлари яратилди. Ишлаб чиқариш лабораторияси қошидаги халқ чолғу асбоблари музейини айланар экансиз, Уста яратган курд тамбури, афғон рубоби, чанг, дутор ва ғижжакларнинг бир неча турларига кўзингиз тушади.

Соқижон Қодиров меҳнат фаолиятларига назар ташлар эканмиз, ёғоч танлашда ҳам катта маҳоратга эга эканини англаймиз. Созларни таъмирлашда ҳам Уста ибратли фаолият кўрсатганлар. Чолғуни таъмирлаганда унинг ўзига хос овозини сақлаб қолиш зарур. Уста 80дан ортиқ нозик чолғуларни таъмирлаган бўлса, ҳали ҳеч кимдан норозилик эшитган эмас. Устанинг ишига бўлган талабчанлиги ниҳоятда нозик юмушлар адо этилишига имкон яратади.

Устанинг оиласида мусиқани жон дилдан севишади. Ҳамма йиғилганда Уста қўлларига ўзлари ясаган дуторни оладилар. Соқижон ака эл севган дуторчи, Ўзбекистон халқ артисти Махмуд Юнусовдан сабоқ олиб, дутор чалиш сирларини ўрганганлар.

Соқижон ака Қодиров каби нодир усталарнинг миллий чолғуларимизни такомиллаштириш йўлидаги доимий изланишлари билан биргаликда уларни таъмирлаш устида олиб бораётган юмушлари мақтовга сазовордир. Уста яратган халқ чолғулари қўшни давлатлар билан бир қаторда кўплаб хорижий мамлакатлар, жумладан, Хитой, Исроил, Вьетнам, Афғонистонда ҳам кенг тарқалган.

Юртимиз халқ чолғу усталари яратаётган созлар санъат асарлари даражасига кўтарилмоқда, дейилса, муболаға бўлмайди. Уларнинг ишларидан кўргазмалар ташкил этилса, миллий маданиятимиз тараққиёти, тарғиботига ниҳоятда жиддий таъсир кўрсатар эди. Шунингдек, моҳир ижрочилар иштирокида миллий чолғулар концерт-кўригини ҳам ташкил этиш мумкин. Усталар ишларига бундай муносабат уларнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшади. Бундан эса санъатимиз, маданиятимиз янада равнақ топади, оммавийлашади.

Манзура АКМАЛЖОНОВА

Мавжуда ШАРИПОВА

Мавжуда Шарипова 35 йилдан буён Ҳамза номидаги Республика махсус мусиқа коллежида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Олий тоифали ўқитувчи. Ўтган йиллар мобайнида унинг шогирдлари Республика ва бир қатор халқаро танловлар ғолиби ҳамда совриндори бўлишган. Улар опанинг ишларини муваффақият билан давом эттириб келмоқдалар.

Мавжуда Шарипованинг меҳнатлари, педагогик фаолияти Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан муносиб тақдирланди.

Бокижон РАҲИМЖОНОВ

1945 йилнинг 14 февралида Тошкент шаҳрида туғилган. У Ўзбекистон давлат Консерваториясининг халқ чолғулари кафедрасида ишлайди. Б.Раҳимжонов дуторда академик ижрочилик мактабини яратишда фаол қатнашган мутахассислардан хисобланади. Сўнгги йилларда у амалий созшунослик масалалари билан якиндан шуғулланмоқда.

Мураббийнинг қатор дасрлик, ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилган.

Бокижон Раҳимжонов бу йил 60 ёшни каршиламоқда. Таҳририят заҳматкаш мураббийни муборак ёш билан қутлаб, унга бардавом умр тилайди. Мутахассис журналнинг мазкур сонида «Агар васият фарз бўлса...» (45-бет) номли мақола билан қатнашмоқда.

МУСИҚИЙ ТЕАТР — МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Маълумки, ҳар бир миллат ўзининг шаклланиши, урф-одатлари, қадриятлари, яшаш тарзи, санъати, маданияти ҳамда бир қанча ўзига хос хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туради. Инчунун, ўзбек миллатининг ўзига хосликларидан бири сифатида қўшиқчиликка бўлган мойиллигини эътироф этиш мумкин. Миллатимизнинг бу хусусиятидаги нафис чизгиларга эътибор қаратишимнинг сабаби — камина мусиқали театрда чорак асрдан буён баҳоли қудрат меҳнат қилаётганим бўлса, Лутфихон ая Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Маҳмуджон ака, Ҳамза ака, Эътибор опа ва Фароғат опалар сингари куйлаб, халқ кўнглини топган устозлар «Мусиқали театр бу — ўзбекнинг ҳақиқий театри», деган қаноатларидан илҳомланганимдандир.

Санъат даргоҳига илк қадам босган кезларим бу залворли сўзларни кўпам тушунмасдим. Йиллар ўтибгина устозларим ўгитлари моҳиятига етгандай бўламан.

Дарҳақиқат, миллатимизнинг ўзига хос бу ноёб ҳислатларини ҳозирги қўшиқчилигимизнинг баланд парвозлари, мақомларнинг ўлмас умрлари, Муқимий номидаги мусиқали драма театримизнинг юқори мавқега эга бўлиб келаётганида яққол кўрамиз, англаймиз, иштирокчиси бўламиз... Спектаклни қўшиқ билан ҳамоҳанг ижро этиш — режиссёр, актёр, бутун театр труппаси, жамоасига катта масъулият юклайди.

Санъат институти мусиқали драма бўлимини тугатган ёшлар айнан шу жамоада тажриба орттиришади. Ёшлар деярли ҳар куни овозларини чархлайдилар. Кўп овозли хор асарларида пишгачгина, оммавий саҳналарда иштирок этишади. Режиссёр ва дирижёр уларнинг ҳам драматик, ҳам мусиқий қобилиятини баҳолаб, ролларга тавсия қилишади. Ана шундай синовлардан муваффақиятли ўтган истеъдодларгина оғир тошли роллар ижрочиси бўлади.

Театрда актёрлар жамоасидан ташқари яна бир катта жамоа — дирижёр бошчилигидаги оркестр бор. Мусиқали спектаклларни дирижёр ва созандаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, асарни актёр-хонандалар иши, муаллиф ва бастакор драматургияси, режиссёр фикри, асар ғоясига ҳамоҳанг равишда ижро этиш керак. Созандалар ғоҳида асарга драматик руҳ берса, ғоҳида миллий оҳанглар билан томошабин қалбини ларзага солади.

Театрдаги яна бир жамоа — балетмейстер бошчилигидаги раққосалардир. Улар спектаклнинг пластик ечимига хизмат қилишади. Режиссёр хулосасига кўра бу санъаткорлар гоҳ якка ҳолда, гоҳида кўпчилик бўлиб асарнинг бадиий юксаклигини таъминлайди.

Актёрларнинг саҳнада бемалол, эркин ҳаракатланишлари, куйлаганда ноқулай кўринишда қолиб кетмасликлари, овоз йўналишига қулай саҳна қурилмаларини, албатта, театр рассоми таъминлайди. Саҳнада хор, балет, актёрлар, оркестр, саҳна ортида чолғучилар жойлашишини рассом мудом ҳис қилмоғи, мусиқани яхши тушунмоғи максадга мувофиқ. Рассом, албатта, ўзининг саҳна топилма-декорациясининг мусиқий ечимида тўхтайди. Рассом саҳна ишчилари-ю реквизиторлар билан саҳна кўринишини қуришади. Таъбир жоиз бўлса, театрда хизмат қилаётган ҳар бир ходим мусиқани яхши билиши лозим. Мусиқа, қўшиқ, оҳангни теран англаган ходимларгина томоша залида, мухлислар ёнида бўлади. Гоҳида уларга намойиш қилинаётган спектакл моҳиятини тушунтириб бермоқ ҳам лозим бўлади.

Булардан ташқари тикувчилар, дурадгорлар ва театрга бевосита алоқадор бошқа ходимлар мусиқали театрнинг ўзига хослигини дилдан ҳис қилишлари кўзда тутилади. Масалан, саҳна орасталигини таъминловчи фаррош ўз ишини сидқидилдан бажармаса, чанг ижрочининг овозига, ижросига салбий таъсир этиши мумкин.

Спектакл ишланаётганда концертмейстерлар энг асосий ходимларга айланади. Чунки улар асардаги барча ария, дуэт, трио, квартет ва қўшиқли партияларни мунтазам ўргатиб боришади. Бастакор асарини актёрларга ўргатиб, дирижёрга топширади. Сўнгра актёрлар оркестр билан машқни давом эттиришади. Куннинг биринчи қисмида актёрлар режиссёр столи атрофида ўқиш-ўрганиш жараёнида ишласа, иккинчи ярмида эса концертмейстер, оркестр билан ишни — репитицияни давом эттиришади.

Балет труппаси балетмейстер бошчилигида асарнинг пластик ечимини излаб, ижод жараёнига бевосита аралашадилар. Бастакор билан ижодий мулоқот қилишар экан, режиссёрга ижодий топилдиқларини саҳна ҳаракатлари, рақслар билан топширишади. Демак, мусиқали театр саҳнасида дунёга келадиган мусиқали драмага бир неча ижодий жамоа ўз ҳиссасини қўшади.

Бунинг барчаси мукаммал саҳна асари қўйилажак илк қадамлар, саҳна ҳаётининг қисқагина таҳлилий баёнидир, холос.

Муқимий номидаги мусиқали драма театридан томошабин қадами ҳеч қачон узилган эмас. Шинавандалар ҳамиша театримизга талпиниб, соғиниб ташриф буюришган. Гоҳида тўлиб-тошиб, гоҳида сийракроқ бўлса-да, бу даргоҳ томошабинсиз қолмаган. Чунки театр ўзбек миллатининг ўзидан, ўзлигидан пайдо бўлган...

Театр халқимизга ҳар қандай шароитда энг яқин дўст, меҳрибон устоз, сирдош қалб, дардкаш қадрдон бўлган. Келажакда ҳам шундай бўлиб қолажагига ишонамиз. Зеро, эрта билан боғлиқ режаларимиз талайгина...

Боир ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

ЭПИК ХОТИРА ВА ЭПИК БИЛИМ

Халқ азалдан баҳодирона ўтмишини эпик хотира деб аталмиш ноёб эстетик ҳодиса воситасида сақлаб келади ва авлодлардан авлодларга етказади. Эпик хотираларнинг халқ ижодиётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фолклоршунослиқда талайгина фикр-мулоҳазалар билдирилган. Зеро, халқ бадиий хотираси фолклор асарларининг матнда «қодлаган» ҳолда материаллашган шаклда сақланишини таъминлайди.

Эпик хотира узоқ аждодларимиз ҳаётини, орзу-истакларини, озод ва фаровон турмуш ҳақидаги чексиз хаёлотини ёрқин образлар, хатти-ҳаракатлар шаклида ифода этувчи бадиий тарихдан иборат. Эпик хотира бахшилар ижодида мустақил достонлар сифатида шаклланар экан, халқ турмушида қайта-қайта куйланиб, сайқалланиб келади.

Шуни англаб олиш керакки, эпик хотира реал тарихий воқеалар баёнидан иборат хроника эмас. У эпик онг талаб ва мезонлари асосида шаклланган бадиий воқеалар тизимидир. Халқ идеалини ифода этувчи қаҳрамонлар фаолиятини ёритувчи сюжетлар эпик хотиранинг моҳиятини, ўзагини ташкил этади. Эпик хотира халқ эпоси сюжетлари сифатида шаклланган экан, улар ўзларича муайян бадиий тизимга тушмайди. Эпик хотиранинг муайян сюжет сифатида шаклланиши ижодкор бахшининг меҳнати, дунёқараши ва эстетик принциплари орқали амалга ошади. Бунинг учун эса бахшининг кенг ва чуқур хаёлот олами кучли муболағавий тасвир қударти ва бадиий жиҳатдан асосланган шартлилик яратиш маҳорати талаб этилади. Эпик хотирадаги воқелик ўз-ўзидан сюжетга айлана олмайди. Бунда биринчи галда эпик қаҳрамонлар умумлаштирилади, уларнинг саргузаштлари «тўқилади», эпик макон ва замон чегаралари белгиланади.

Эпик хотира қамрови жиҳатдан ўзбек халқ бахшилари репертуарига назар ташлар эканмиз, уларнинг ҳар бири ўнлаб достонларнинг сюжетини, қаҳрамонларнинг эпик саргузаштларини хотираларида мустаҳкам сақлаганларининг гувоҳи бўламиз. Пўлкан шоир етмишта, Эргаш Жуманбулбул ўғли ўн бешдан ортиқ достонни мукаммал билган. Албатта, бу улкан бахшилар репертуаридаги барча достонлар тўлиқ қоғозга тушурилмаган бўлса ҳам, лекин уларнинг катта қисми ёзиб олиниб, оммавий нашр қилинган.

Ўзбек халқ бахшилари эпик хотирасининг бу даражада кенг миқёсга эришишининг муайян сабаблари бор. Булардан бири эпик хотирани ташкил этувчи эпик воқеалар, қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолиятига бахшиларнинг реал воқеалар, шахслар сифатида муносабатда бўлишлари ҳисобланади. Дарҳақиқат, халқ бахшилари ўзлари ижро этган сюжет воқеаларига асар қаҳрамонлари саргузаштларига соф реал тарихийлик нуқтаи назаридан қараганлар. Шунинг учун улар бир неча ўнлаб достонлар воқеаларини худди ўзлари гувоҳи бўлган шахслардек ёрқин ва жонли тасвирлаганлар. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, эпик хотиранинг мустаҳкамлиги бахшилар ишонч ва эътиқодининг эпик воқеаларга нисбатан бўлган барқарор тарихий муносабатидадир.

Эпик хотиранинг барқарор омилларидан асосийси эпик билим деб аталувчи ғоявий-эстетик ҳодиса бўлиб, мазкур атама эпосшуносликда бир неча маъноda ишлатилади. Биринчи маъноси — халқ достонлари

сюжети таркибидаги воқеалар тизимининг бахши хотирасида мустаҳкам сақланиши. Шу маънода, бахшилар алоҳида достонлар ёки эпик туркумлар таркибидаги мотивлар кетма-кетлигини, персонажларнинг хатти-ҳаракатидаги тартибни изчил сақлаб қоладилар. Иккинчи маънода эса халқ бахшиларининг мустақил ҳар бир сюжет таркибидаги воқеаларнинг муайян тартибда боғланиши ва бу боғланишда анъанавий эпик мантиқ мезонларига амал қилишидан иборат. Демак, сюжет таркибидаги эпик мотивларнинг ўзаро эпик мантиқ талаблари асосида бирикиб, тугал асар воқеаларини ташкил этиши эпик билим асосида амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, эпик билим бахшининг ижодий маҳоратини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Эпик билим атамасининг учинчи маъноси ҳам бор. Бу маъно халқ эпосининг версиялилик ва вариантлилик хусусияти билан алоқадордир. Чунки эпик билим у ёки бу версия ҳамда вариант доирасида шаклланади. Буни «Алпомиш» достонининг қуйидаги беш варианти мисолида кўриш мумкин. Бу вариантларни тўлиқ қиёслаш махсус тадқиқотлар талаб қилади. Шунинг учун ҳам бу ҳолда бешала вариантдаги фақат бир мотивни — Бойбўри ва Бойсари ўртасидаги низонинг келиб чиқиш сабаби, Бойсарининг аразлаб, Кашал юртига кўчиб кетишини эпик билим нормалари асосида қиёслаб кўрайлик.

Маълумки, ўзбек қаҳрамонлик эпосининг асл намунаси бўлмиш «Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош ўғли ва Берди бахши (Бердиёр Пиримқул ўғли) вариантида низо закот билан боғлиқ ҳолда чиқади. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли вариантида эса ака-ука ўртасидаги низо уларнинг шерикчилик қилиб қовун экишлари, Барчиннинг пишмаган қовунларни узишидан келиб чиқади. Бу ҳолга эпик билим ҳамда эпик анъана нуқтаи назаридан қаралса, мазкур вариантда эпик билимнинг суслашганлиги маълум бўлади. Бу ҳақда профессор Б.Саримсоқов қуйидагиларни ёзганда тўла ҳақли эди: «Бойбўри ва Бойсарининг шерикчилик қилиб қовун экишлари ўзини оқлай олмагандек туюлади. Дарҳақиқат, уруғ бекининг ва уруғнинг энг бой кишининг қовун экиши ҳақиқатдан йироқ. Бунинг устига кўчманчи чорвадор кишиларнинг деҳқончилик билан шуғулланишлари ҳам у қадар ёпишмайди...» Бу ўринда олим очиқ айтмаса ҳам, бироқ унинг эпик билим бузилгани ҳақидаги эътирозини сезиб олиш қийин эмас.

Достоннинг Хушбоқ Мардонқул ўғли вариантида эса ака-ука ўртасидаги низо Бойбўрининг хотини Кунтуғмиш ойим чўриларини Бойсарининг қўтонига қий супуриб келишига юбориши, Бойсарининг чўрилари уларни уриб ҳайдашидан бошланади. Кунтуғмиш ойим Бойбўрининг ҳузурига келиб, бўлган воқеадан шикоят қилади, сўнгра укаси Бойсаридан закот олишга эрини ундайди.

Агар диққат қилинса, Хушбоқ Мардонқул ўғли вариантида ака-ука ўртасидаги низо чиқиши мотиви икки жиҳатдан асосланган. Биринчиси — Бойбўрининг қий супуришга борган чўриларини Бойсарининг чўрилари томонидан уриб ҳайдалиши бўлса, иккинчиси анъанавий закот олиш масаласидир. Биринчи сабаб чорвадорлар турмуш тарзи билан мос келса ҳам, бироқ ака-ука ўртасида низо чиқиб, бир-бирларидан айрилиб кетишларига асос бўлолмайди. Шунинг учун бахши эпик билим учун анъанавий мотивни келтиради. Бу мисолдан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар бир бахши анъанавий эпик билимга янги-янги мотивларни қўшиши мумкин. Бу достончилик анъанасига хилоф эмас. Аммо барқарор эпик хотира ва билимга асос бўлувчи анъанавий мотив барибир сюжет йўналишини белгилаб беради.

Достоннинг Саидмурод Паноҳ ўғли ва Фозил шоир вариантида ҳам Бойбўри ва Бойсари ўртасидаги низо, Бойсарининг Кашал мамлакатига кўчиши анъанавий закот олиши билан изоҳланади. «Алпомиш» достонининг Бекмурод Жўрабой ўғли вариантида Бойбўри ва Бойсари ўртасидаги келишмовчилик закот масаласида келиб чиқади. Аммо мазкур вариантда анъанавий эпик билимга хилоф ҳолда Бойбўри ва Бойсари ака-ука сифатида эмас, балки дўст сифатида талқин қилинади. Бу нарса эпик хотира ва эпик билимга тўғри келмайди. Чунки закот учун икки дўстнинг аразлашиб қолиши ака-уканинг аразлашичалик таъсирчан эмас. Бундан ташқари, эпик анъанада мустаҳкам сақланган Алпомишнинг исми Ҳакимбек эмас, Оқмуҳаммад арслон деб бериладики, бу эпик билим нуқтаи-назаридан ўзини оқлай олмайди.

Умуман, ҳар бир достоннинг вариантлараро фарқи, энг аввало, эпик хотира доирасида эпик билимнинг сақланиши ва унинг эпик анъана талабларига жавоб бериши билан белгиланади. Юоридаги мулоҳазалардан маълум бўладики, халқ эпосининг яшовчанлиги, ғоявий-эстетик вазифаларни бажариши эпик хотира ва эпик билимнинг кучи билан белгиланади. Чунки эпик хотира билан билим ўзаро диалектик боғланишда амал қилади. Эпик билим асар таркибий қисмларининг бадиий мантиқ қонуниятлари асосида бирикиб, тугалликка эришишини таъминласа, эпик хотира эпик билимнинг ижодкор эстетик қарашлари асосида сақланиши ҳамда ғоявий-бадиий вазифа адо этишига имкон беради. Эпик билим даражаси эпик хотира кучи билан белгиланса, эпик хотира мустаҳкамлиги эпик билимнинг анъанавийлиги, барқарорлиги билан белгиланади.

Халқ эпосининг ҳозирги ҳолати ҳақида бирор хулосага келиш учун эпик хотира ва эпик билимнинг ҳолатига жиддий эътибор қаратиш лозим. Ҳозир халқ достончилигида аста-секин сўниш жараёни кетар экан, демак анъанавий халқ достониларидаги эпик хотира билан эпик билимнинг эскириб қолиши, бугунги талаб ва эҳтиёжга жавоб бера олмаслиги биринчи галдаги сабаб бўлиши лозимдир. Аммо халқ оғзаки ижодининг бу нодир намуналари бундан буён ҳам кўплаб санъаткорлар томонидан куйланади, сайқал топади ва халқимиз хотирасини бойитади.

Баҳодир РАҲМОНОВ,
Тўйчи ДЎСАНОВ

ШИФОКОР ЛУТФИНИНГ СЕҲРИ

Дунёда энг арзон ва энг қиммат нарса бу лутф.
Шу қадар арзонки — текин.
Шу қадар қимматки — бебаҳо.

Ғайбуллоҳ ас-Салом

Сўз — қурол. Сўз — тиғ. Сўз — малҳам. Сўз кўркимиз, моҳиятимиз, маданиятимиздир...

Сўз қадимдан шифобахш қудратга эга ҳисобланган. У одамзод тийнатининг энг азиз гавҳаридир. Инсон ақлий ва физиологик фаолиятининг меваси нутқ орқали намоён бўлади. Доим ҳам нутқ одобига катта эътибор билан қаралган. Машҳур юнон ҳакими Буқрот «Инсон руҳини даволамай, танга шифо бериб бўлмайди», деб таъкидлаганида айнан Сўзни назарда тутган. Зеро, даволаш дастлаб шифокорнинг лутфи билан бошланади. Бу тиббиёт ходимидан юксак руҳий салоҳиятни, юқори маданиятни, ўта нозик сезгирликни, билимни, матонатни ва ҳатто баъзида актёрлик даражасидаги маҳоратни талаб этади.

Абу Али ибн Синонинг замондоши Абу Бакр Розий «Тиббиёт ҳикматлари» асарида: «Ўзини тиб оламига бағишлаган инсон энг аввало, билимли, камтарин, инсонпарвар, ҳақпарвар, мулоҳазали, фаҳм-фаросатли, исталган масаланинг моҳиятини тушуна оладиган бўлиши лозим», деб ёзган. Бу таърифга лойиқ бўлиш учун тиббиёт ходимидан катта билим талаб этилади. Бунинг учун шифокор фақат тиббий билимларни эгаллабгина қолмай, балки адабиётни, санъатни билиши, нутқ маданиятини эгаллаши лозим. Нутқнинг вазминлиги, ёрқинлиги, гўзаллиги ва пурҳикматлигидан ташқари, нутқдаги услуб, оҳанг, дадиллик, маълум даражадаги тўғри, чиройли талаффуз ҳам муҳимдир. Тиббий ходимнинг нутқи далилланган ва ишонтирувчан, беморни ўзига ром қила оладиган, буюрилган тавсия ва кўрсатмаларига риоя қилишга ундайдиган бўлиши лозим. Шифокорнинг фикри мақсадли, изчил бўлиши, бемор унинг сўзларидаги кучни, ҳамда ўзи ҳақидаги ғамхўрликни англаши керак. Тиббиёт ходимининг бемор билан суҳбати, албатта, ҳаётни севишга ундаши, келажакка ишонч уйғотиши зарур. Бундан ташқари нутқнинг оҳанги, ифодаси, талаффузи равон ва гўзал бўлиши муҳим. Бир сўз билан айтганда, шифокорнинг нутқ маданияти беморлар билан моҳирона ва таъсирли алоқа ўрнатишнинг асосидир.

Шифокорлар, ҳамшираларбутун фаолияти давомида нутқининг аниқлиги, ўткирлиги, гўзаллиги устида ишлаши керак. Шифокорнинг нажот кутаётган, бор умидини шу оқ либос соҳибига тиккан беморга айтадиган сўзлари мўъжизавий қудратга эга десак, муболаға бўлмас. Шифокор, аввало, сўзи билан даволайди, дейдилар. Беморга айтилган ҳар бир ширин сўз уни руҳан парваришлаб, нажот соҳилига йўналтиради, соғайишига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, аъзосида мавжуд бўлган сеҳрли кучларни ишга туширади, жисмига илҳом, ҳаётга бўлган интилишига қувват бўлади.

Кимки бўлса хастадил, бир сўз билан топгай шифо,
Сўзга зиқна юз табибдан яхши бир ширинзабон.
Бир заҳар сўз бирла ғамгин бўлгуси юз бахтиёр,
Бир ширин сўздин даво топгай, ажаб, юз хаста жон.

Ҳа, шифокорнинг ширин сўзи — малҳам. Юзлаб, минглаб ҳаётий мисоллар ушбу мулоҳаза чинлигини тасдиқлайди:

Унутмагил, шифокор, ширин сўзинг даводир,
Чеҳрангдаги табассум, кулган кўзинг даводир,
Хуш бир калом, шаксиз, беморга бахш этар жон,
Хуршид каби мунаввар гулгун юзинг даводир.

Тиббиёт ҳамширасининг иши нафақат жисмоний, балки руҳий зўриқиш билан ҳам боғлиқдир. Бундай ҳолат бемор билан муомала чоғида, уларнинг ўта таъсирчанлиги, касаллик туфайли инжиқ бўлиб қолиши, жиззакилиги натижасида вужудга келади. Руҳий зўриқиш шифокор амалиётига хос салбий ҳолатдир. Зеро, улардан сабр- матонат, ўз ишига фидойиларча ёндашиш талаб қилинади. Айниқса, ҳамширалар орасида кўпроқ бўлади. Шунинг учун ҳаракатлари ва шифокорнинг кўрсатмаларини маҳорат билан бажариши, беморга ҳайрихоҳлик билан самимий муносабатда бўлиши касал руҳиятига ижобий таъсир этади. Ғамхўрлик, диққат-эътибор ҳамшира билан бемор ўртасидаги алоқанинг асоси ҳисобланади. Бунда сўз, нутқ маданияти катта аҳамиятга эга. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Сўздирки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздирки, берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Шифокорнинг муомала санъати унинг сўзга чечанлиги, ўз тилини билиш даражасига қараб эмас, балки нутқнинг таъсирчанлигига, нутқ мазмунига, ишонтира олиш қобилиятига боғлиқдир. Ҳар бир шифокор она тилининг имконият ва бойликларини пухта эгаллаган, нутқ маданияти тамойилларига риоя қилувчи, сўзга чечан бўлиши мумкин. Лекин биз кўзда тутган энг нозик нуқта шифокорнинг бемор билан малакали, ишончли, касб этикетини ўзида сақлаган мулоқоти масаласидир. Бемор ўзини қандай ҳис қилиши унинг руҳий-физиологик ҳолатига ҳам боғлиқдир. Хусусан, инсонга салбий руҳий омил таъсир этганда, албатта, касаллик ривожи тезлашади. Демак, шифокор ва бемор мулоқотининг маълум тиббий-маънавий асослари бўлмоғи даркор. Беморнинг руҳий мададкори — шифокор. У беморнинг зоҳирий-ботиний, ташқи ва ички таъсирлардан сақлашга интилиши яхши натижа беради.

Шундай экан, ҳар бир шифокор беморни алоҳида, бетакрор шахс сифатида қабул қилмоғи ва уни ҳеч бир такрорланмас руҳият намунаси сифатида ўрганмоғи, мулоқот қилмоғи ва ниҳоят, даволаши зарурдир. Шифокор ва бемор мулоқоти муаммоси мана шу босқичда тиббий, маънавий, эстетик, қолаверса, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.

Самад ХЎЖАНОВ,
Тошкент Давлат II Тиббиёт институти Катта ўқитувчиси,
Нодира ДЎСТХЎЖАЕВА,
филология фанлари номзоди

БИР КАЛИМА СЎЗ

Бир ҳаким кўчада кетаётган экан. Қараса, сал олдинда бораётган бир қиз дам-бадам «қон» туфурармиш. Ҳаким унинг кетидан қорама-қора бораверибди. Қиз уйга кириб кетгач, дарвозани тақиллатибди. Бир мўйсафид чиқиб, ҳакимни танибди ва уйга таклиф қилибди. Гап орасида табиб: «Қизингиз бедаво дардга учраганга ўхшайди, олдини олмасангиз, охири вой бўлади», — дебди. Унинг бу сўзларини ҳалиги қиз эшик орқасида эшитиб турган экан. Бирдан юраги дук-дук уриб, қалтираб йиқилибди ва ҳушидан кетибди. Хуллас, шу бир оғиз сўз оқибатида қиз руҳий дардга гирифтор бўлиб, оламдан ўтибди...

Кунлардан бир куни қизнинг отаси ўша ҳакимни учратиб қолибди.

Шунда ота:

— Тақсир, қизим бедаво дардга чалинганини қандай билган эдингиз? — деб сўрабди.

Ҳаким дебди:

— Қизингиз кўчада кела туриб, бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим.

Шунда чол пешонасига шартта урибди, кейин ўзига келгач, дебди:

— Эй, аттанг, қизим ўша куни шотут еб эди. Сиз кўрган туфук шотут ранги-ку!

Шунда табиб чол олдида тиз чўкиб, узр сўраб, дебди:

— Сиз менга ва биздан сўнгги авлодларга унутилмас сабоқ бердингиз. Бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириш ёки бедаво беморни оёққа турғизиб юбориш мумкин экан.

Ўрта асрларнинг машҳур адабиётшуноси Низоми Арузий Самарқандийнинг «Мажмаъан наводир» ёки «Чаҳор мақола» асари Сомонийлар ва Салжуқийлар адабий муҳити ҳақида яхши тасаввур берувчи асардир. Ундан биз Абулқосим Фирдавсий, Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибни Абдуллоҳ Малик Нишопурий сингари буюк шоирлар ҳақида ажойиб-ғаройиб тарихий-адабий маълумотлар ўқиймиз. Ушбу рисоланинг бизни қизиқтираётган бир томони шундаки, муаллиф Рудакий ижодининг бадиий томони — байтларда қўлланилган бадиий санъатлар кўплиги жиҳатидан уни жуда кўкқўз қилади:

«Ажамнинг ширинсухан ва латиф табъларидан бири амир уш-шуаро Муъиззийдир. Унинг шеърлари тароват ва гўзалликда аъло, равшанлик ва ширинликда бебаҳодир...» Шундай улуғ шоирга шоҳ Рудакийнинг «Мулиён наҳрининг ҳиди келадур» қасидасига жавоб айтишни таклиф этганида, Муъиззий бош тортади ва қўявермагач, бир неча байт айтиш билан чекланади. Низомий Арузий Самарқандий Рудакий қасидасининг бир байтида кўплаб бадиий санъатлар қўлланилгани ҳақида ёзади:

«Ҳеч ким қасидадаги каби мадҳни чиройли айта олган эмас.

Офарину мадҳ суд ояд ҳаме,
Гар баганж андар зиён ояд ҳаме.

(Хазинага қачон зиён етишса,
Мақтовлардан фойда шу он келадир).

Бу байт ичида еттита гўзал санъат бор: биринчиси — мутобиқ (қиёсий ўхшашлик), иккинчиси — мутаззод (қаршилантириш), учинчиси — мураддаф (байтда радиф қўллаш), тўртинчиси — баёни мусовот (баёндаги муштараклик), бешинчиси — азубат (лўндалик, қисқалик), олтинчиси — фасоҳат (сўз нафосати), еттинчиси — жазолат (фикрий тугаллик). Шеър илмидан хабари бўлган ҳар бир устод фикр қилса, менинг ҳақ эканимни дарров билади». (Маҳмуд Ҳасаний таржимаси)

БАДИИЯТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Рудакий адабий даҳоси ўз даврида жуда қадрланган ва бу шуҳрат уни ҳали ҳам тарк этмаган. Адабиётшунос Низомий Арузий қайд этган бадиият кўрсаткичлари, дарҳақиқат, ўша байтда бор. Биз бундай байтларга ҳавас қилишимиз, шоир маҳоратини, бадииятини ўрганмоғимиз жоиз.

Шу маънода, ўрта мактабларнинг 8-10-синфларида Алишер Навоий ижодидан ўрганиладиган машҳур «Қаро кўзум...» ғазали матлаъсини бадиий жиҳатдан таҳлил қилиб кўрсак.

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Сир эмаски, 10-синф ўқувчилари учун ёзилган собиқ «Ўзбек адабиёти» дарслигида (муаллифлар: Б.Қосимов, Н.Жумаев) ҳам, амалдагисида ҳам (муаллифлар: Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев, Б.Қосимов) ушбу шеър ҳамда ушбу байтда қўлланилган бадиий тасвир воситалари ҳақида қизиқарли кузатишлар бор. Қолаверса, «Қаро кўзум» ғазалини шарҳлаган кўпчилик олимлар: Нусратулло Жумаев, Нажмиддин Комилов, Алибек Рустамов, Исматулла Абдуллаев ва бошқалар ҳам масаланинг бу томонини аҳамиятсиз қолдирмаганлар. Шунинг учун бизнинг таҳлилимизда айрим санъатлар такрор қайд этилиши, табиий. Фақат шуниси борки, юқоридаги муаллифларимиз бутун ғазал юзасидан фикр юритганлари учун умумий сарҳисобда ушбу байтдаги тўрт бадиий санъатга ўринли ишора қилинган. Биз ушбу байтда келган бадиий санъатларни ҳеч бир зўриқиш, сунъийликсиз кўпайтиришга, яъни Навоийнинг бадиий санъат қўллашдаги мўъжизали қудратига диққатни тортишга уринамиз.

Демак, мақсад иккита: адабиётшунос методистларимизнинг зукколарча хизматларини, аввало қайд этиш, биринчи ниятимиз бўлса, иккинчиси, ўқитувчиларни байтга фикр заррабини орқали қарашга рағбатлантиришдир.

Жумладан, профессор Нусратулло Жумаевнинг «Сатрлар силсиласидаги сеҳр» китобида қайд этиладики: «Бадиий мазмун таъминоти учун қандай поэтик усуллар сафарбар қилинган? 1) «Мардум» ва «мардумлиғ» орасидаги шакл ва маъно муносабатлари асосида сўз ўйини — тажнис яратилган; 2) Мисраларнинг «қаро кўзум» ва «кўзум қаросида» бирикмалари билан бошланишида тарди акс (терс такрор) санъати мавжудки, бу эҳтиросли назмий оҳангни юзага чиқаришда муҳим эстетик хизмат ўтаган; 3) Н.Комилов талқинича, шоир «мардум», «мардумлиғ» орасида сўз ўйини-тажнис ясаш билан кифояланмай, шу маъноларни ифодаловчи ўзбекча «қаро кўзум» ва «кўзум қароси» бирикмаларини келтириб, тўрт томонлама ширу шакар (икки тилли) тажнисни том санъатини ижод этган».

Низоми Арузий Самарқандийнинг юқорида кўрсатган бадиий санъатларига солиштираоқ Навоий байтига зеҳн солайлик:

биринчиси, байтда «қилғил» сўзларининг остма-уст такрори радиф бўлиб, мураддаф санъати бор;

иккинчиси, фикр тугалланганлиги ифодаси — жазолат санъати;

учинчиси, «қаро кўзум» ундалмасида нидо санъати ифодаланган. Чунки шоир бировга хитобли мурожаат қилмоқда;

тўртинчиси, «қаро кўзум» бирикмасида кўз сифати айтилаётгани учун сифатлаш санъати бор;

бешинчиси, «қаро кўзум» бирикмасида қора кўзли кишининг қора кўзигина айтилиб, унинг бутун вужуди назарда тутилган. Бутунни қисм билан ифодалаш санъати синекдо-

хадир;

олтинчиси, «мардум» ва «мардумлиғ» бир ўзакдан ясалган икки сўз ўзакдошлик санъати — иштиқоқ кўрсаткичларидир;

еттинчиси, «мардум киби» бирикмаси мазмунидан ташбиҳ — ўхшатиш санъати яққол кўзга ташланади;

саккизинчиси, байт мазмунида буюриш оҳанги аниқлиги амр санъатидан дарак бермоқда;

тўққизинчиси, «кўзум қаросида» бирикмаси ўзининг биринчи тушунарли маъносидан ташқари «тириклигимда» деган маънони ифодалагани учун киноя санъати қўлланилган;

ўнинчиси, «мардум киби» бирикмасидаги «мардум» икки маънони ифодалайди: «одамлар» ва «кўз қорачиғи». Байтдаги бирор сўз икки маънони ифодаласа-ю, мисра мазмуни ҳар икки маънога мос келса, ийҳом санъати бўлади;

ўн биринчиси, «қаро кўзум» ва «кўзум қораси» бирикмаларида икки сўз ўрни ўзгариб такрорлангани учун тарди акс санъати бўлади;

ўн иккинчиси, «мардум» сўзининг икки такрори маъносига кўра ҳар хил, шаклдош бўлгани тажнис санъати намунасидир.

Ушбу қисқа таҳлилдан муддаомиз шуки, Алишер Навоий шеъриятда мумбашарий ғоялар тараннуми, юксак ахлоқий-таълимий фикрлар, мумтоз адабиётга хос таъсирчанлик билангина эмас, бадиий-тасвирий ифодалилик воситаларини қўллашда ҳам мислсиз имкониятларини намойиш эта олган санъаткорлигини яна бир бор намойиш этиш.

Биргина байтда ўндан ортиқ бадиий санъатларни қўллай олиш ижодкор мўжизакорлигининг ҳақиқий тантанасидирки, бу каби байтларга даҳо шоиримиз ижоди ғоят бойдир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Фурқат МУСУРМОНҚУЛОВ

УЙҚУ — ТАНГА ҚУВВАТ

Яхши дам олган одамгина тетик ва бардам кўринади. Мунтазам бир хил иш билан шуғулланиш кучли чарчоққа — организм фаолиятининг бузилишига ва руҳий толиқишга олиб келади.

Чарчаган одамнинг мускулларида оғриқ, ҳолсизланиш, ишга ҳафсаласизлик, ноҳуш кайфият, ланжлик, тушкунлик, лоқайдлик, шунингдек, тез-тез хўрсиниш, чарчоқ қиёфа, уйқусизлик ва шунга ўхшаш ҳолатлар намоён бўлади. Буларнинг бари фаолликни сусайтиради ва ҳаёт тизимини издан чиқаради. Бу ҳолатдан қутулишнинг бирдан-бир йўли кун бўйи қилинадиган ишларни олдиндан режалаштиришдир. Бундан ташқари, ишлаш учун қулай кийим кийиш, вақтивақти билан организмга дам бериш зарур.

Ҳордиқ чиқаришнинг энг яхши усуллари — бирор спорт тури билан шуғулланиш, тоза ҳавода, истироҳат боғларида сайр қилиш, серҳаракатлик, тез-тез тоғ ёки табиат қучоғида дам олишдан иборат. Жуда толиқиб қолмаслик учун иш жараёнида қисқа танаффус қилиб олиш айниқса муҳим. Руҳий қувват ақлни чархлайди. Шундай экан, оғир жисмоний меҳнатдан сўнг хаёлни жамлаб китоб ўқиш, қўлда бирор нима тўқиш, шахмат-шашка ўйнаш, ёки шунга ўхшаш ақл машқлари билан шуғулланишни одат қилмоқ керак. Ёки аксинча, руҳий толиқишдан стол тенниси, бадминтон сингари енгил ўйинлар ёрдамида фориғ бўлиш мумкин. Ҳорғинликдан қутулишнинг оддий усули бир неча бор чуқур-чуқур, кўкракни тўлдириб нафас олишдир.

Энг самарали дам олиш тўла жисмоний ва руҳий тиниқишдир. Кўнгилдагидек дам олиш керакли қувватни ҳам руҳиятга, ҳам жисмга бир пайтда етказиб бера олади. Хотиржам, мускулларни бўшаштирган ҳолда қулочни кенг ёзиб, осмонга қараб, атрофга аҳамият бермай, енгил мизғиб олган одамнинг руҳияти тетиклашади. Зеро, одамга гўзал кўриниш берадиган яна бир манба уйқудир. Лекин ухлаш жараёни ҳар кимда ҳар хил кечади. Қуйидагилар эса мириқиб ухлашга ёрдам беради:

Ухлашдан олдин ҳаяжонга солувчи хаёллардан, баъзи суҳбатлар тафсилотидан воз кечиш керак. Бунга ҳамиша ҳам эришиб бўлмайди, аммо одатланиш мумкин.

Уйқу олдидан жисмоний ва ақлий фаолиятни енгиллаштириш лозим.

Ҳар доим бир хил вақтда ухлашга ҳаракат қилмоқ лозим.

Кечқурун осойишта, хотиржам пиёда сайр қилиш фойдали.

Албатта, ухлайдиган хонани шамоллатиш керак, чунки тоза ҳавода ухлаш энг яхши ҳордиқдир.

Кечки овқат ҳазми енгил (сутли, сабзавотли) таомлардан иборат бўлса янада яхши. Енгил таом асаб тизимини тинчлантиради.

Илиқ сувда 10 дақиқа давомида ванна қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Ухлаш олдидан 1 стакан иссиқ сутга 1 қошиқ асал солиб ёки шифобахш дамламалардан ичиб олинса, яхши бўлади.

Шундай экан, мириқиб ҳордиқ чиқаринг, тиниқиб ухланг, руҳий қувватингизни ошириб, саломатлигингизни қўлдан берманг. Зеро, яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейдилар.

Манзура **тайёрлади**

АГАР ВАСИЯТ ФАРЗ БЎЛСА...

Халқимизнинг «Ота бўлмагунча, отанг қадрига етмайсан» деган сўзи нақадар пурҳикмат эканлигини ёшинг улғая борган сари, фарзандларинг ўсиб, ўзлари фарзандли, яъни ота бўлганларидан сўнг янада чуқурроқ ҳис этаркансан киши.

Гарчанд, отам тўғридан-тўғри «васият қиламан», деб бирор гап айтмаган бўлса-да, у кишининг панд-насиҳатлари, ўгитлари орасида васиятга хос маъно борлигини сезаман, албатта. Отам бир ҳикояни тез-тез такрорлар эди:

Бир кун икки киши кўчада кетаётган экан, қаршисидан бўйи пакана, букри одам ўтиб қолибди. Шунда бу кишилардан бири букрига қараб истеҳзоли кулиб қўйибди. Буни сезган иккинчиси ундан: «Сиз нақшга кулдингизми, ёки нақкош устидан?» — деб сўрабди...

Мана шунинг ўзиёқ отам қайси тоифа инсон эканлигини кўрсата олади. Бу гапларни менга айтиш билан у ўз зурриёти хулқ-атворини келажакда қандай кўриш истагида эканлигини баён этмоқда. Мен узоқ йиллардан буён сез илми билан шуғулланиб келаман. Шу давргача нимага эришган бўлсам, устозларим туфайли эришдим.

Халқимизда «Устоз отангдек улуғ» деб ҳам юритилади. Демак, инсон ҳаётида қадри, улуғлиги жиҳатидан отаси билан тенглашадиган сиймолар ҳам бўлишидан огоҳ этилади. Мана шу ибора устозларга бўлган муносабатни шакллантиради, устозларнинг ҳаётимиздаги ўрни, салмоғини белгилайди. Устозлардан ҳаётимизда чуқур из қолдирган, касб-коримиз йўналишини аниқлашга ўзларининг беназир ҳиссаларини қўшган заҳматкашлари хизматини тан олиш зарур. Уларнинг ўгити, васиятлари шогирдлар учун доим йўлчи юлдуздир.

Бу борада гапирганда, ўтган асрда яшаган мусиқа асбоблари устаси Усто Хирож билан бўлган мулоқотлар эсга тушади. Улардан ўрганган билим ва кўникмалар ҳаётимда катта аҳамият касб этган. Мен Усто Хирождан созгарлик санъатига оид қимматли кўникмаларни ўргандим. Уста ҳар доим: «Инсон танлаган касбининг чуқур билимдони, ҳақиқий фидоийси бўлиши керак», — дер эди. Хўш, бу сўзларнинг васиятдан кам жойи борми?

Ўтган асрнинг 70-йилларида мен Ўзбекистон халқ артисти, созанда Ориф Қосимов билан танишиб, у кишидан дутор куйларини ёзиб олиш ҳамда нотага туширишга муваффақ бўлдим. Ориф Қосимов ўз суҳбатида доим «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл», — деб такрорлар эди. Бу сўзларнинг маъносини энди чақсам, фақат миллат дарди билангина эмас, балки инсоният дарди билан яшаш, деган маъно чиқади.

Устозларим қаторида таниқли созшунос профессор А.П.Петросянцнинг (1910-1978) ўрни алоҳида, албатта. Устоз ҳаётининг сўнгги йилларида тўғридан-тўғри бир неча васиятлар қилгани эсимда. У киши шогирдларига тинмай қайнаб турувчи булоқдек бир неча касб-кор йўналишларини қолдирган. Бу меросни ўн йиллар давомида ижодий ўзлаштириш, қайта-қайта таҳлил қилиш, бугунги кун талаблари ва имкониятларига мослаб фойдаланиш муҳимдир.

Бадиий тарбия соҳасида чолғулардан фойдаланиш масаласи дунёнинг бир қанча мамлакатларида турли даражада ҳал қилинган. Хусусан, пуфлаб чалинадиган чолғулар орасида блокфлейтанинг пайдо бўлиши, зарбли чолғулар ансамбли ва симфоннинг яратилиши ва улардан кенг фойдаланиш бадиий тарбияга халқаро миқёсда анчагина таъсир этди.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон мусиқа санъатида оммавий шуғулланишга мўлжалланган турли соз яратилмаган. Мана шу кемтикликни бизнинг диёримизда амалий созшунослик ва созгарлик санъати борасида эришилган ютуқлар асосида тўлдириш мумкин. Иккинчи томондан, Ўзбекистонда халқ чолғулари бўйича педагог кадрлар тайёрлаш кенг йўлга қўйилган. Чолғулар ва улардан бадиий тарбия соҳасида фойдаланиш бўйича янги-янги ютуқлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, Тошкентда 1994 йилдан бошлаб дўмбирасимон чолғуларнинг янги авлодини яратиш борасидаги изланишлар натижасида диахорд (юнонча ди — икки, хорд — тор) деб номланган чолғу пайдо бўлди. Бу соз 10 йил давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти халқ таълими муассасаларида синовдан ўтди, мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Галдаги вазифалар Тошкентнинг бир неча умумтаълим мактабларида диахорд чалувчилар ансамбллари тузиш, «Дутор-диахорд дастури» билан тажриба-тарғибот ишларини олиб боришдан иборатдир.

Мусиқада жаҳон стандартларига тенглашиш чолғуларни мукаммаллаштиришни талаб этади. Бу борада устозларимиз қатор зарур ишларни амалга оширганлар. Бизнинг интилишларимиз эса устозлар ишининг давомидир. Зеро, шогирд учун устознинг хайрли ўгитларини бажариш ҳам фарз, ҳам қарздир. Ҳоли-ҳаётимизда бу ишларни кўнгилдагидек бажара олмасак, уларни адо этишни вафодор шогирдларга васият қилиш фарз бўлиб қолади, албатта.

Боқижон РАҲИМЖОНОВ



Ҳайдар ТЎРАЕВ

БИР ЧИРОҚ ЁНАДИ УЙИМДА...

Бир чироқ ёнади уйимда,
Ёшликдан нурларин аямай.
Бир чироқ ёнади уйимда,
У менинг қалбимдир, болакай.

Бир чироқ ёнади уйимда,
Тугамас пилигу мойлари.
Бир чироқ ёнади уйимда,
У менинг қалбимнинг ойлари.

Бир чироқ ёнади уйимда,
Қишда ҳам баҳордай унаман.
Бир чироқ ёнади уйимда,
Соғинчлар ўтида ёнаман.

Бир чироқ ёнади уйимда,
У ашъор, муҳаббат, саботдир.
Бир чироқ ёнади уйимда,
У менга айланган ҳаётдир.

МУҲАББАТ

Мансаб ўтди, амалим ўтди,
Шўхликларим, ҳамалим ўтди,
Олқишларга қамалим ўтди,
Қалбим аро сен қолдинг фақат,
Ўтиб кетма, сен ҳам муҳаббат.

Майли, тунлар бедор ўтайин,
Бир умрга бемор ўтайин,
Йўлларингдан такрор ўтайин,
Не бўлса ҳам розиман, фақат
Мени ташлаб кетма, муҳаббат.

Дунё шундай ҳайронлари бор,
Давру даврон сайронлари бор,
Битиб-битмас армонлари бор,
Эзгу йўлда борлиғим, фақат
Ўзинг бўлиб қолгин муҳаббат.

ҚАНДАЙ ЯХШИ

Қандай яхши кутиб яшасанг,
Орзуга юз тутиб яшасанг.
Ошиб-тошиб ётса ишларинг,
Тугамаса бор-келишларинг.
Душманларинг кўп бўлса, лекин
Лол қолдирсанг уларнинг барин.

Қандай яхши кутиб яшасанг,
Кўнгил сирин битиб яшасанг.
Айтолмайин ошиқлигингни,
Тилинг билан қўшиб дилингни
Кўзларингда ифода этсанг,
Ўзлигингда ифода этсанг.

Қандай яхши кутиб яшасанг,
Муродингга етиб яшасанг.
Меҳнат қилиб эрта-кеч толсанг,
Вақт ўтишин билолмай қолсанг.
Керак бўлсанг кўпларга жуда
Асл ҳаёт мазмуни шу-да.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Саодатли истиқлолинг қутлуғ бўлсин,
Келажаги буюк давлат — Ўзбекистон.
Шарофатли истиқболинг қутлуғ бўлсин,
Келажаги буюк давлат — Ўзбекистон.

Ҳар лаҳзаси халқ дардига кор ватансан,
Азал-абад мол-дунёси бор ватансан,
Яхшига кенг, ёмонларга тор ватансан,
Келажаги буюк давлат — Ўзбекистон.

Меҳригиё садоқатли дўстдан айтсам,
Оқу қора ҳам баланду пастдан айтсам,
Бору йўғим чин юракдан — ростдан айтсам,
Келажаги буюк давлат — Ўзбекистон.

Катта-кичик ҳар юмушда барори бор,
Меҳр-оқибат, аҳду паймон қарори бор,
Кўпни кўрган зукко дониш сардори бор,
Келажаги буюк давлат — Ўзбекистон.

Адолатда, маърифатда, бирликда куч,
Ҳалол меҳнат билан ёнсанг эртаю-кеч,
Душманларинг ўз-ўзидан бўлолмас ҳеч,
Келажаги буюк давлат — Ўзбекистон.

АНГЛАШНИНГ

АЗОБЛИ ЙЎЛИ

ЯНГИРИШ ИСТАГИ

Англаш қобилияти одамни оламнинг сарвари даражасига юксалтиради. Олам ҳодисаларини, ўз фикру сезимларини, ўзгаларнинг ўй-хаёлларини англаш кишини Яратганни англаш сари етаклайди. «Англаш»нинг замирида билишдан ташқари туйиш ҳолати ҳам мавжуд. Шунинг учун инсон ҳиссий-интеллектуал фаолиятининг олий кўриниши бўлмиш санъат ҳодисаларига татбиқан ҳам англаш сўзи ишлатилади. Миллатнинг ҳаёт кечириш, фикрлаш ва сезимлар тарзида рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар руҳига мослашиш учун киши ўзини бир қадар зўриқтириши лозим бўлади. Англаш ҳеч қачон енгил кечмаган. Ўзлик сари элтувчи ягона бу йўл доим ҳам азоб билан босиб ўтилган. Фикр ва руҳнинг янгиланиши эстетик қарашларнинг ҳам тозаришига олиб келади. Инсониятнинг завқи ўзгариши билан азалдан ўзигагина хос бўлишга интилиб келган ижодкорлар бадиий тасвир йўсинини ҳам янгилашга тутинадилар. Чинакам бадиий асар доимо ундан олдин яратилганига ўхшамасликка интилиш натижаси ўлароқ пайдо бўлади. Фикр, завқ ва диднинг янгиланиши бадиий ифода тизимини ҳам тўла ўзгартиришни тақозо этади. Адабиётда ўзгаришларнинг доимийлигидан бошқа ўзгармас нарса йўқдир. Модерн адабиёт инсон диди ва қарашларидаги ўзгаришлар ифодаси ўлароқ юзага келди. Олдинлари муваффақиятли ҳисобланган адабий шакл ёхуд услуб ўзлаштириб олиниб, унинг янги имкониятлари изланар эди. Модернизмда эса олдин орттирилган тажрибаларни такрорламаслик асосий талабга айланди.

Миллий тафаккуримизга жаҳоний ижтимоий-эстетик қарашлар анча кучли таъсир кўрсата бошлаган XX аср бошларида ўзбек адабиётида уч берган модернистик изланишларни Чўлпон, Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, У. Носир ижодида кўриш мумкин эди. Аммо бадиий ижод мафкурага тўлиқ бўйсундирилган, ижод эркинлиги бўғилган шароитда асосий хусусияти ҳар қандай қолипни инкор этишдан иборат бўлган модерн адабиётнинг эмин-эркин ривожланиши имконсиз эди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, ижодий эркинликка бир қадар йўл берилгач, бу йўналишдаги изланишлар қайта юз кўрсатди ва ўзбек адабиёти тараққиётининг кейинги даври тўлиғича модернистик тажрибалар билан ёнма-ён кечяпти. Рауф Парфи, Омон Муҳтор, Т. Пўлатов, Шавкат Раҳмон, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Дўстмуҳаммад, Турсун Али, Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, Баҳром Рўзимуҳаммад, Фахриёр, Назар Эшонқул, Саломат Вафо, Зебо Мирзо, Улуғбек Ҳамдам, Абдуқаюм Йўлдошев, Луқмон Бўри сингари адибларнинг эстетик қиммати юқори асарлари бунга мисолдир.

Ўзбек адабиёти мафкурадан холи бўлиб, ижод эркинлиги юзага келгач, адабиётда шаклий-мундарижавий экспериментлар кўлами кенгайди. Бу ҳол бадиий ижодда инжаликнинг ошиб, бир хилликнинг камайишига олиб келди. Эндиликда ўқиб идрок этиш осон бўлмаган роман, қисса, ҳикоя, достон ва шеърлар адабиёт қиёфасини белгиламоқда. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётида модерн йўсиндаги бадиий тажрибаларнинг умуминсоний ва миллий илдизларини, намоён бўлиш йўлларини, тараққиёт тамойилларини, ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқ этиш ўта долзарбдир. Мазкур муаммо дунё фалсафаси ва адабиётшунослигида XX аср бошларидан буён А. Бретон, Р. Барт, Ж. Сартр, А. Камю, Ф. Маринетти, У. Эко, Х. Ортега-и-Гассет, Р. Уэллек, О. Уоррен, К. Эдшмид, Ф. Дюрремант, Г. Гессе, А. Дёблинг, П. Рикёр, Х. Мартинсон, Б. Паулсен, Э. Ховардсхолм, Д. Сулстад, Т. Элиот, Э. Фромм, М. Фриш, К. Макси сингари ёзувчи ва адабиётшунослар томонидан тадқиқ этилган.

ШАХСНИ АНГЛАШ ЭҲТИЁЖИ

Жамият аъзоларининг ички олами чуқурлашгани, кишиларнинг интеллектуал-руҳий савиялари кўтарилгани сари уларда индивидуал жиҳатлар яққолроқ намоён бўлаверади. Теран ўйлайдиган шахс танҳоликка интилади. Чунки унинг ўзи ва кўнгли билан қиладиган иши бор. Ўйсиз индивид учун эса, ёлғизликдан катта фожиа йўқ. Замондошимиз бўлган одам теранлашиб, ўзига кўпроқ эътибор қаратаётир. Шу боис бугунги адабиётдан оммавийлик кутиш ўринсиз. Ҳозирги адабиёт индивидуал адабиёт бўлишга маҳкум.

Чунки бугунги одамнинг ўзи — алоҳида шахс. Кечагина у бирор ижтимоий табақанинг вакили саналарди. Бугун у — ўз шахсиятининг элчиси, ўз «мен»ининг вакили холос. Шахслиги теранлашмаган кишилардан иборат миллат аҳлининг қизиқишлари бир хил ёхуд бир-бирига яқин бўлади. Шахсияти чуқурлашган миллатнинг ҳар бир аъзоси ўз олами билан яшайди. Энди у тўдалаша олмайди, оломон бўлолмайди. Бу ҳолат одам учун, эҳтимол, саодат, балки фожиадир. Лекин шундай жараён кузатилаётир. Бугунги адабиётнинг тасвир қамрови, таъсир кўлами ҳақида фикр юритганда шу жиҳатга эътибор бериш зарур. Норвег олими Э. Ховардсхолмнинг: «Санъатнинг оғирлик маркази ташқаридан ичкарига кўчди. Энди санъаткорнинг вазифаси объектив борлиқни акс эттириш эмас, балки борлиқ билан ўз бадиий олами қонунларидан келиб чиққан ҳолда муносабатга киришиб, соф субъектив санъат яратишдан иборатдир »,— деган фикрида рўй бераётган янгича фалсафий-эстетик жараёнга хос жиҳатлар кўзда тутилган. Бир замонлар бадиий асарларда кўтарилган долзарб муаммолар, ташқи эффектлар, қизиқарли сюжет кўпчилик одамларни ром этарди. Бугун ҳаммани бирдай қизиқтирадиган ҳаётий муаммо ҳам, барчага бир хилда ёқадиган бадиий асар ҳам, ҳаммани ром этган ифода усули ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки жамият аъзоларида шахслашиш кучайди. Шахснинг эса, унинг шахслигини таъмин этадиган ўзига хос алоҳида диди, қизиқишлари, ҳиссиёт тизими бўлади. Алоҳида шахслар томонидан, алоҳида шахсларга мўлжаллаб, алоҳида йўсинда битилган асарларнинг оммада бирдай қизиқиш уйғотиши мумкин эмас.

Адабиётнинг оммавийликдан тобора йироқлашиб боришига асосий сабаблардан бири унинг тўлиғича кўнгил ишига айланиб бораётганидир. Адабиёт асли яралишдан кўнгил рози эди. Нисбатан яқин даврлардан эътиборан, у ижтимоий турмуш муаммоларига аралашадиган бўлди. Бадиий адабиёт вақтида ўз зиммасига жамиятни ўзгартиришдай оғир юмушни ҳам олди. Чунки инсоният тараққиётининг у босқичларида коллектив руҳият, коллектив дид, коллектив қарашлар ҳукмрон эди. Аммо энди ижодкор ҳадеб атрофга аланглайверишдан, ўзгаларни текширишдан тийилиб, ўзига, ўз ички оламига назар ташлаб, ўз руҳиятини тафтиш қила бошлади. Қизиқки, айнан ўзининг ички оламида ўзгаларга дахлдор бир дунё жиҳатлар борлигини кўрди. Бу ҳолни ҳисобга олмай, унинг сабабини ўрганмай туриб, бугунги адабиёт тўғрисида тўғри фикр юритиш мумкин эмас.

КЎНГИЛГА ЗИЙНАТ, РУҲҒА ЖИЛО

Инсоният бадиий тафаккури тараққиётининг ҳозирги босқичида соф санъат тамойили ҳеч кимга ғалати кўринмаслиги керак. Чунки ақли расо ҳеч бир инсон мамлакат аҳолисини кўпайтириш ёки унинг иқтисодини ривожлантиришга яроқли ишчи кучи етказиб бериш учун фарзанд кўрмайди. Эркагу аёлнинг бировга алоқасиз интим муносабати болани дунёга келтиради. Дунёга келган тирик бола энди, табиий равишда, фақат ота-онаники эмас, балки жамиятники ҳамдир. Эркагу аёл уни яратган бўлсалар ҳам, уни инкор этолмайдилар, йўқ қила билмайдилар. Чунки у – тирик жон, уни яшириб бўлмайди, кўрмаслик ва кўрсатмасликнинг имкони йўқ. Бола овқатланиши, ўқиши, ишлаши, хуллас, яшаши керак. Бугун пайдо бўлаётган бадиий асарларни шу болага менгзаш мумкин. Яъни у, аввало, муаллифнинг ўзигагина тегишли фикру туйғулар, кўнгил майллари натижаси ўлароқ туғилади. Туғилгач эса, у ўз умрига эга бўлади. Худди туғилган чақалоқ сингари у баъзан яшаб қолади, шуҳратларга кўмилади. Баъзан қуёш кўрмай нобуд бўлиши ҳам мумкин.

Бадиий асар фақат «улуғ» ижтимоий мақсадлар йўлидагина яратилади, деган қараш бир ёқламадир. Чунки адабий асарни ижтимоий қатлам ёки гуруҳ эмас, балки истеъдодли одам яратади. Ўша истеъдодли шахснинг кўнглидан ўтмаган ижтимоий муаммо қанчалик долзарб бўлмасин, ўз ҳолича бадиий сўзга эврилмайди. Негаки, истеъдодли кишида ижодий кайфият, илҳом ижтимоий муаммо туфайли эмас, кўнгил тебранишлари, руҳий мувозанатни бузадиган ҳиссий туртки сабабли пайдо бўлади. Турткининг қаердан ва қачон берилиши эса Яратгандан ўзга ҳеч кимга маълум эмас. Чунки кўнгилнинг нимадан тебранишини, истеъдодли шахснинг руҳий мувозанати нима сабабли, қачон бузилиши ва қандай натижа беришини олдиндан билиб бўлмайди. Бадиий адабиёт кўнгил иши бўлгани учун ҳам унда улуғ ва муқаддас туйғулар билан бир қаторда, тубан ҳиссиётлар, нозик инжиқликлар, кутилмаган тўлғамлар бўлиши мумкинлиги табиийдир.

Адабиётга залворли ижтимоий юк ортиш истаги ҳамма жойда, ҳар доим ҳам бўлган, аммо бу ҳол Ботишда маърифатчилар, Русда В. Белинский ва Н. Чернишевский сингари революцион-демократлар даврида қатъий тус олди. Шўролар даврига келиб эса, бадиий адабиёт тўлиғича сиёсий доктринага, ҳукмрон мафкурага бир бўлагига айлантирилди. Шу тариқа, адабиёт инсон ҳаётини ҳукмрон мафкурага кўзда тутилганидек ташкил этишга чақирувчи восита бўлиб қолди. Аслида эса, чинакам бадиий асар маиший турмушни яхшилаш йўлларини кўрсатиш учун эмас, балки кишини унинг муаммоларидан чалғитиш, овутиш учун яратилади. Айни вақтда, ижтимоий турмуш муаммоларига бевосита аралашиш натижасида ҳам бадиий асарлар пайдо бўлиши мумкинлигини қайд этиш керак. Яна бир жиҳати шуки, адабиёт, объектив равишда, одам ҳаётини енгиллатишга эмас, балки мураккаблаштиришга, қийинлаштиришга хизмат қилади. Усиз ҳам турмуш ташвишларига кўмилиб ётган одам адабий асарлардаги ўзига дахли йўқ кишилар тақдири билан танишади ва уларни деб изтироб чекади.

Инсон тирикчилиги учун бевосита керак бўлмайдиган нарсаларга интилган вақтдан эътиборан чинакам одамга айланади. Яшаш учун бевосита керак бўладиган нарсалар ҳар қандай тирик мавжудотга ҳам зарур. Озиқланиш, ҳимояланиш, кўпайиш каби эҳтиёжларни қондиришга ҳар қандай жонивор интилади ва буни кўлидан келганича уддалайди. Тириклик учун бевосита керак бўлмаса-да, кўнгилга таъсир ўтказадиган маънавий-руҳоний қадриятларга эса, фақат одамгина эҳтиёж сезади. Шундай одамгина тан исканжасидан бир қадар озод бўлади, вужуд эҳтиёжидан юксалиб, руҳга боғлиқ истакларни туяди. Миллат, ватан, юрт сингари улуғ, миқёсли тушунчалар ҳам ижтимоий мақсадларнинг эмас, муҳаббат, эзгулик деб аталмиш юракка доир нозик туйғуларнинг тадрижий давомидир. Инсон туйғуларига кўчмаган қадрият қуруқ ҳавойи гап, холос. Ҳиссиётга эврилган тушунчаларгина ишлай бошлайди.

Бадиий адабиётга фақат инсониятни саодатга элтиши лозим бўлган ҳодиса, деб қараш бир ёқлама ва одамни камситадиган ёндашувдир. Гўё қандайдир ижодкор одамларга тўғри йўл қаерда эканлигини кўрсатади, уни саодатга элтади. Ҳолбуки, дунёдаги чинакам истеъдод эгаларининг бирортаси ҳам тўғри йўл қаёқда эканлигини ўзгаларга кўрсатиш у ёқда турсин, ўзлари учун ҳам топа олмасликларини айтиб келишади. Кейин, ижодкорнинг одамлар мен кўрсатган йўлдан юришлари керак, дея ўйлашининг ўзи камида нокамтарликдир. Ҳар бир истеъдод эгасининг бутун ижодий умри, жуда бўлмаса, ўз йўлини излаб топишга сарфланишига қарамай, у деярли ҳеч қачон топилмайди.

Давоми 32-бетда

Bolalar sportini ummumxalq harakatiga aylantirylik!

УСТОЗЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси «Мусиқа шарқшунослик» кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди Сойибжон Бегматов билан «Анъанавий ижрочилик» кафедраси доценти Салоҳиддин Азизбоевларнинг суҳбати

С.А. — Наманган азалдан улкан санъат дарғаларини етиштирган маскан. Айнан Сизнинг санъатга кириб келишингиз хусусида гапирсангиз.

С. Б. — Бизнинг ёшлигимиз 60-йилларга тўғри келган. Ўша даврда мактабдан чиққандан кейин ҳам бўш вақтимиз бўлмасди. Дала ишларидан ортмасдик. Онам бирортамизнинг санъаткор бўлишимизни жуда орзу қилардилар. Акам пахта териб, йиққан пулларига рубоб сотиб олиб, маҳалламиздаги мусиқа мактабига борсалар, ёшларини катта, деб қабул қилишмайди. Кейин онам мени олиб бордилар ва мен ўқий бошладим. Рубоб синфида Абдуллажон Ҳамидов деган домламиз дарс берардилар. Баъзан болаларча ўйинқароқлигимиз тутиб, футболга кетиб қолардик. Баъзан сабоқларнинг оғирлигидан дарсга кирмасдик. Абдуллажон ака бирда ширинсуханлик билан, бирда қаттиққўллик билан, умуман, бор маҳоратларини ишга солиб, билим юрти даражасида рубобни ўргатдилар. 1972 йилда Наманган Давлат мусиқа билим юртига ҳам Абдуллажон ака ўзлари бошлаб келдилар. Ўша йили билим юрти директори Толмас Бобоев тажриба тариқасида Ўзбек мусиқашунослик курсини ташкил қилдилар ва етти нафар талабани саралаб олдилар. Ўша талабалар орасида мен ҳам бор эдим. Бу курс кўпчиликка аввалига ғалати туюлган, директорнинг устидан кулганлар ҳам бўлган. Хуллас, билим юрти тарихида фақат биз ўзбек мусиқашунослиги курсини тамомладик. Бизга жуда моҳир мусиқашунослар дарс беришган. Ўша даврда дарсликлар рус тилида бўлганлиги сабабли дарслар ҳам рус тилида ўтилар эди. Битиришимизга профессор Аҳмад Жабборов борганлар. У киши биринчи мусиқашунослик курси билан танишиб, ниҳоятда хурсанд бўлиб, Консерваторияга ҳам ўзлари йўлланма берганлар. Консерваторияда Халқ чолғулари бўлимида ўқидик. Миллий чолғуларимиз — дутор, ғижжак, чанг, рубоб билан бирга доирани яхши ўзлаштиргандик.

— Шу ўринда таъкидламоқчиманки, сизнинг дарсликларингиз, қўлланмаларингизни ўрганиб, эътибор қилдимки, сиз доира усулини, ритмикасини яхши билганингиз, бошқа мусиқашунослардан фарқингизни кўрсатиб туради...

— Мусиқашунос, умуман, чолғучилар мусиқанинг ич-ичидан хабардор бўлишлари керак. Чолғуни чала олиш бошқа, моҳиятан тушуниб, идрок қила олиш бошқа. Арасту, Ал Фаробий, Ҳусайний, Абдураҳмон Жомий, Ҳазрат Навоий... Улар ўз даврининг даҳолари бўлиш билан бирга, моҳир мусиқашунослар ҳам бўлишган. Менинг шахсан ўзимга келсак, мусиқа мактабида мусиқашунос синфида ўқиганим, ҳар бир чолғунинг моҳиятига етишга интилганим бўлса керак.

Мусиқанинг икки қаноти бўлади. Ибн Сино ўз даврида усулларни тарғиб қилиб, «Илми иқо» деган асар ёзган. Бу асар аруз ҳақида бўлсада, мусиқани «иқо»сиз тасаввур қилиш қийин...

— Суҳбатимиз мавзуси ўз-ўзидан арузга етиб келди. Шеъриятда турли вазнлар мавжуд. Мусиқанинг вазни ритмика (усул) бўладиган бўлса, шеърий ва мусиқий вазнлар муштараклиги ҳақида тўхталсангиз.

— Салоҳиддин, саволингизга жавобни узоқдан бошласам. Маълумки, инсон дунёга келганида кўзига ҳамма нарса шакл бўлиб кўринади. Ҳар бир буюмнинг шакл-шамойили бор. Мусиқанинг шамойили оҳанг ва мазмун, драматик жон бағишловчи усулдир...

— Шундан келиб чиқиб...

— Кечирасиз, фикримни охирига етказиб олай. Аруз араб тилида яратилган шакллар ҳисобланади. Мавжуд аруз шаклларидан бор-йўғи 30 таси ишлатилади. Шундан ўнга яқини бизнинг мумтоз шеъриятда кенг тарқалган. Булар — қолип, яъни такрорланувчи ҳижо. Мусиқий ҳижо эса, усулдир, такрорланувчи оҳанг урғудир. Мусиқа ва шеъриятдаги мутаносиблик мана шунда. Буни тушуниш учун ҳар бир мусиқачи мусиқани ва мумтоз шеъриятни тафаккур билан англай олмоғи, чуқур ўрганмоғи шарт. Санъаткорнинг моҳирлиги ёки ҳаваскорлиги мумтоз қадриятларимизни нечоғли англашида намоён бўлади.

Талабаларга сабоқ беришда ҳам улардан аруз вазнини, умуман вазнни пухта ўрганиш талаб этилади. Чунки, мақом сўз ва мусиқа муштараклигида юзага чиқади.

— Сиз бевосита рубобдан мусиқашуносликка ўтгансиз. Бунинг машаққати бўлганми? Умуман, мусиқашунослар учун бирор чолғуни ижро эта олиш шартми ёки мусиқий билим етарлими?

— Юқорида забардаст алломаларни санаб ўтдим. Уларнинг ҳар бири (ўз соҳаларидан ташқари) бирор чолғуни чала билган ҳамда мусиқага оид қимматли рисолалар ёзишган. Талабаларимиз фортепианони кўпроқ ўрганишади. Лекин ўзбек мусиқачиси дуторни билиши шарт, деб ҳисоблайман.

Менинг ўзимга келсак, чолғучиликдан мусиқашуносликка ўтишим жуда қийин кечган. Шу жараёнда шуни англадимки, инсон ўрганишдан чекинмаслиги керак экан. Консерваторияга киришда ҳам дастлаб тайёрлов курсида ўқиб, кейин талабаликка қабул қилинганман. Яна шуни таъкидлашим керакки, мен мусиқашунос бўлсам ҳам, созандаликни ташлаб кетмаганман. Курсдошларим Абдуҳошим Исмоилов, Абдураҳмон Холтожиев, Абдулаҳад Абдурашидов, Абдували Абдурашидовлар ҳам чолғучилик билан мусиқашуносликда баббаравар фаолият кўрсатишади.

— Сизлар ўқиган даврда мусиқашуносликда қайси йўналиш таҳлилига эътибор кучли бўларди.

— Шарқ доимо фалсафа, тафаккур, илм жиҳатидан бутун дунёнинг диққат марказида бўлган. Шарқ деярли ҳар бир фаннинг ўзаги. Илгари, биз ўқиган даврда мусиқа ғарбдан келиб чиққан, деган фикр ҳукмронлик қиларди. Ўқиш Европанинг буюк композиторларини ўрганишдан бошланарди. Дастлаб, ғарб классикаси, ғарб романтизми, экспрессионизм, ундан сўнг совет даври мусиқасини ўрганардик. Ўзбек мусиқасига, мақомларга эътибор иккинчи даражали эди. Муайян бир домлалар миллий мусиқадан дарс ўтишарди холос. Ўша олимлар илмий иш жараёнида бебаҳо рисолалар ёзиб қолдирганлар.

— Сизнингча, ҳофизлик нима?

— 1987 йилдан косерваторияда иш бошлаган бўлсам, «Анъанавий ижрочилик» кафедрасида жуда кўп устоз санъаткорлар билан дўстлашдим. Халқ ҳофизи Маъруфхўжа Баҳодиров билан ёш мақом ижрочилари танловида танишдим. Беш йил у киши билан водий қишлоқларида кезиб, Фарғона водийси ҳофизлик анъана-

лари мавзусида номзодлик ишим учун материал тўпладим. Диссертация Садирхон ҳофиз, Жўрахон ҳофиз, Расул қори Мамадалиевнинг ижро услубларига бағишланди. Иш жараёни менга қийинчилик туғдирмади. Чунки водий ҳофизлари билан жуда кўп мулоқотда бўлганман. Демоқчиманки, ҳофизлик нима, деган саволга жавобни илмий иш жараёнида изладим. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватнома» асарини ўқиб, бу саволга жавоб топгандек бўлдим.

— Инсон, қайси соҳада ишламасин, комилликка интилади. Сизнинг шу даражага етишингизда муҳитнинг таъсири қандай бўлган?

— Биз Аллоҳ назари тушган заминда яшаймиз. Ҳар бир воҳада табаррук қадамжолар бор. Улуғлар етишиб чиққан жойлар булар. Бу баландпарвоз гап эмас. Чустда Ҳазрати Мавлоно деган улуғ киши ўтганлар. У киши ерости сувларини жуда яхши аниқлай олган. Мақбараларида ҳозиргача булоқлар бор. «Бу ерга келган одамнинг дарди мен билан қолади», деганлар у киши. Мен ўша жойнинг фарзандиман. Ўша булоқлардан сув ичиб катта бўлганман. Муҳит ҳақида гапирдингиз, ҳар қандай инсоннинг шаклланишида муҳитнинг ўрни Аллоҳ берган истеъдод билан баббаравардир.

— Кўпчилик ёш санъаткорлар ижод учун ҳаётда кўп нарсадан воз кечишимга тўғри келган, дейишади. Сиз санъат учун нимадандир воз кечганмисиз?

— Ижод машаққатли йўл. Мукаммал ижод қийинчиликсиз бўлмайди. Бунга фақат сабр керак. Ижоднинг машаққатига чидамаганлар нимадандир воз кечиб, бирор нимага эришгандек бўлишар, лекин бу чинакам санъатга интилиш эмас. Бундай ҳол кўпроқ шон-шуҳрат кетидан қувадиган, экранда бир-икки кўриниб қўйиш учун ижод қиладиганларда учрайди. Шон-шуҳрат неъмат эмас, Аллоҳ берган истеъдод — неъмат.

— Саволнинг давоми сифатида ҳозирги ижрочиликдаги ўзгаришларга нима дейсиз?

— Илгаридан хос деган ибора бўлган. Асл мусиқани ясама мусиқадан ажрата билиш керак. «Чўли ироқ», «Баёт»дан баҳра ололмайдиганлар мусиқани англолмайдилар. Агар бизда тарғибот яхши бўлса, ёшларни асл қадриятларимизга ўргата оламиз. Радиоларда мумтоз мусиқаларимиз неча марта қўйилади-ю, чет мусиқалар билан омухта куйлар неча марта қўйилади...

— Сиз ҳозирги ўқув жараёнига нималарни тарғиб қилиш керак деб ҳисоблайсиз?

— Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида президентимиз айтгандиларки, «Бизни мутахассисларни баҳолайдиган мутахассислар керак», деб. Бу жуда катта гап. Ижрони баҳолайдиган мутахассисларни топа олишимиз, қадрига етишимиз керак. Ҳозирги ўқув жараёнимизда учта мезон йўқ. Аруз таълимотини ўқув режасига киритиш керак. Таълим жараёнида амалиётга талабанинг ўз йўналишидан келиб чиқиб, жалб қилиш керак. Аксарият талабаларда «Мен чалишни ўргандим, энди маэстроман», деган тушунча шаклланиб қолади. Уларни мактабларга, мусиқа билим юртларига амалиёт ўташ учун йўллаб, шогирд тайёрлашни ўргатиш керак. Мусиқачи нафақат мусиқа илмини, балки, дунёвий билимлардан фалсафа, тарих, тил, ҳуқуқ ва истаса, диний билимларни ҳам билиши лозим.

Энг муҳими, истеъдодларни англай билиш керак. Битта бўлсаям қобилиятли инсонни топиб, камолотга етказа билиш керак. Мен бу йўлга умримни сарфлашга розиман. Сизга ва бошқа шогирдларимга ҳам бу йўлда омадлар тилайман.

— Раҳмат, устоз!

Ҳар тўғрида

Энг энли... хат

Туркия Миллий музейида пергаментга ёзилган хат бор. Уни XVI асрда Эрон шоҳи турк Султонига ёзган экан. Хат битилган пергамент қоғознинг эни 7, узунлиги 10 метр.

Худди тош асридагидек

Ҳинд олимлари Керала штатининг жанубидаги бориш қийин бўлган тоғ районларидан бирида турмуш тарзи тош асридагидек бўлган қабила борлигини аниқладилар. Йил бўйи ям-яшил бўлган қуюқ ўрмонда яшовчи бу қабила овқат учун ҳамма вақт турли мевалар, ёввойи ариларнинг асалини топиш имконига эга. Тоғ ғорлари эса улар учун турар жой ҳисобланади. Кундузлари қабила аъзолари ғордан ташқарида «тирикчилик» билан банд бўладилар. Кечалари эса ғорнинг кириши йиртқичлардан муҳофаза мақсадида йўғон шохлар билан беркитилади.

«Мусиқасевар» сувсарлар

Бристол шаҳридаги бутхоналардан бирида сақланаётган орган қадимийлиги билан инглиз аҳолисининг фахри ҳисобланади. Кўпинча унинг сержило оҳангини эшитиш учун узоқ-яқиндан мусиқасеварлар келиб туришади. Бироқ сўнги вақтларда мазкур орган яхши чалинмай қолди — жарангдорлиги бузилди. Уни тузатиш учун уста чақирдилар. Уста нуқсонни билолмай анча овора бўлди. Ниҳоят, у орган остига кириб, «бузилиш» сабабини аниқлади. Маълум бўлишича, «шинаванда» сувсарлар оиласи унинг остига уя қуриб олган экан.

Тош билан қуролланиб

Африкадаги айрим қузғунлар туяқуш тухуми билан аниқланади. Лекин бу тухумни чақиш осон эмас. Қузғун эса айни мақсадда иш қуроли сифатида тошдан фойдаланар экан.

Иш қуроли ишлатадиган парранда ва ҳайвонлар кам эмас. Маймунларнинг баъзи турлари асал олиб ейиш учун ари уясига таёқ тиқади, кокос ёнғоғини қоқиш учун илмоқли таёқ қўллашади. Қизилиштон дарахт пўстлоғи остидаги қуртларни ейди, чуқуррокдагиларни тумшуғи етмаса, узун чўп билан ковлаб чиқаради.

Илонлар билан бирга

Жанубий Ҳиндистоннинг Керала штатида истиқомат қилувчи 32 ёшли олим Т.Велаюдхан бўш вақтларини батамом заҳарли илонлар хатти-ҳаракатларини ўрганишга бағишлаган. Заҳарли илонлар билан мулоқот ўта хавфли, деган ақидаларни у рад этади: кўзойнакли ва қора илонлар билан бирга ухлайди, бирга овқатланади.

— Улар билан мулоқотда, — дейди Велаюхан, — сабр-тоқат, совуққонлик ҳамда... уларга нисбатан меҳрибонлик керак.

Олим илонлар билан «жўрачилиги»ни ўн тўрт ёшлигидаёқ бошлаган эди. Бу борада у ўзига хос рекорд ҳам ўрнатган — умумий ҳисобда 579 соат вақтини заҳарли илонлар «давра»сида ўтказган.

Шоир

Ҳикоя

У пайтда университетни битирганимга эндигина икки йил бўлганди. Зах ва тор ижара уйда, тунлар босинқираб, кундузлари мукка тушиб, ҳеч ким тушунмас савдойи шеърлар алангасида яшардим. Нашрга берсам, чоп этишмас, ижарачи кампир ачиганидан бир бурда нон ва яна у-бу егулик ташлаб кетарди. Талабалик даври — ўқишни битиргач, адабий жамоа тахтига ўтирамиз деган иддаомиз пуч ва ҳардамхаёл орзуларга айланаётгани сира тинчлик бермасди. Попугим пасайиб қолган кунларнинг бирида «Жўжанинг иқболи бўлса, товуқнинг эмчаги бўларди» деган нақлни такрорлаганча «Адабиёт» газетасига иш излаб бордим.

— Бизга шоир эмас, газетага қиз-зиқ мақола ёзадиганлар керак! — деди Бош муҳаррир. «Нўноқ мерган оқсоқ қуён излар» — дедим ичимда шоирларни камситганидан ёзғириб. Лекин тақдирга тан бериш керак эди.

Ўша пайтда ғаройиб қобилиятли ёш шоир ҳақидаги миш-мишлар қулоғимга чалинганди. «Адабиёт» газетаси бўлганлиги, қолаверса, шоирлар ҳамқавм ҳисобланган боис, зўр мақола ёзаман дедим-да, сўнгги чақаларимни йиғиб, ўша боланинг олис қишлоғига йўл олдим.

Унинг бўйи узун, қўллари ингичка ва оппоқ юзидан таъбн ниҳоятда нозиклиги кўриниб турарди.

— Ўғлимни етти ёшигача, елкамдан туширмаганман, — деди отаси. — Ҳозир ҳам деярли ҳеч ким билан ўйнамайди.

— Ўқишларинг яхшими? — дедим, кўришганимиздан бери жим турган болага — Аъло баҳоларга ўқисанг керак?

— Ҳа, ҳаммаси беш. Сира тўрт олмаган —, деди отаси.

— Ҳамма фанданми? — деб сўрадим яна.

— Дарсликларни бошдан охир ёд билади —, деди яна отаси — Ундан ташқари тўртта тилда бемалол гаплашади.

— Зеҳнинг ўткир экан — , дедим болага қараб. — Яна нималарни ёдлагансан?

— Навоий, Яссавий, Сўфи Оллоёрнинг мингдан ортиқ ғазалини ёд билади. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан сўраганингизни айтиб беради — , деди отаси.

— Ўзинг ҳам ёзасанми? — дедим, отасига сиз жим туринг ишорасини қилиб.

— Ҳа. Мингга яқин шеър, қасида, достонларим бор — , деди бола мулойим ва ҳокисорона.

— Қани, ўқигин-чи —, дедим бир сандиқ тилла топиб олган фақирдай.

У кўзларини бир нуқтага тикиб, қироат билан ўқий бошлади. Унинг шеъри жуда узун, гоҳ XV аср назмига ўхшаб кетар, гоҳ афсонавий, гоҳ қуйма, гоҳ тушунарли, гоҳ англаб бўлмас. Лекин бир нарса аён эди-ки, шунчаки оддий, таҳрир қилиб «оёғини осмон»дан қилиб ташлаш мумкин бўлмаган сатрлар эди-ки, илоҳий илҳом билан ёзилганлигига шубҳам қолмаган, шеъриятимизнинг янги султони туғилганига гувоҳ бўлиб тургандим. Илло, унинг исми Ғанишер эди. Ўзим у-бу нарсаларни қоралаб юрганим туфайли, шеърнинг қуюлиб келишига ишонар, бундай воқеа, ҳаётимда бор йўғи бир мартагина бўлган: ўн тўрт ёшимда тунда шеър ёзиб ўтириб, ёпирилиб келаётган туйғулар, сўзлар, фикрлар алангасида қора терга тушиб, қўрқувдан қалт-қалт титраганча, ҳовлига югуриб чиққанман. Кейин онам уйғониб қолиб, бошимдан совуқ сув қуйган. Бу ҳолат бошқа ҳеч қачон такрорланмаган. Ва «шоирлигим ўша куни тарк этди ва қайтиб келмаяпти» — деган хулоса мени доимо қийнарди. Ғанишернинг шеърлари, ўшандай илоҳий илҳом хуруж қилганда, шеърий оқимни бошқара олган ва юраги «минг тонна юк»ни кўтароладиган шоир дунёга келганидан шаҳодат берарди.

— Шеърни қандай ёзасан? — дедим ҳайратланиб.

— Шеър ёзишдан олдин ярим соат ухлайман. Кейин ўзи қуюлиб келаверади. Гоҳида тўхтамай ёзганимдан бармоқларим оғрийди. Ўлгурсам бўлди.

— Устозинг борми?

— Ҳа, отам Устозим. Отам — адабиёт ўқитувчиси. Китобларимни у киши танлаб ёдлатганлар. Хат-саводим уч-тўрт ёшимда чиққан. Етти ёшимда «Хамса»ни ёд билардим.

— Ҳозир иккита шеър бераман. Қанча вақтдан сўнг ёд айтиб берасан.

— Бир марта ўқиб, ўн беш дақиқа мизғишим керак. Уйғонганимда ёдлаган бўламан.

Мен унга ҳеч жойда босилмаган икита шеър тутқаздим. Ғанишер уларни икки бора ўқиб чиқди-да, бир зум кўзларини юмди. Гапга яна отаси аралашди:

— Ўғлим билан фахрланаман. Бутун районимизда, вилоятда обрўйи баланд. Жуда кўп тўйларга, йиғинларга таклиф қилинади. Район газеталарида шеърлари қайта-қайта босилиб чиққан.

— Энди, марказий газеталарда ҳам босишади —, дедим ишонч билан.

Орадан ўн беш дақиқа ўтиб, Ғанишер шеърларни қайтиб берди ва ҳар иккисини ҳам ёд айтди. Мен қойил қолганимни билдириб, жилмайдим. Хайрлашув олдидан бирга чой ичдик. Отаси мендан кўра Ғанишерга кўпроқ меҳрибонлик қилди. Гўёки, у — меҳмон. Ҳатто нонларнинг юмшоғини олиб, оғзига тутиб турар, косадаги шўрвани ҳам пуфлаб ичарди.

Газета Ғанишер ҳақидаги мақоламни босиб чиқарди-ю, лекин мени барибир ишга олмади.

Орадан ўн йиллар ўтиб, йўлим тушганда, Ғанишерларникига бирров кирдим.

Аҳвол мутлақо ўзгарган эди. Ғанишернинг отаси кўрпа-тўшак қилиб ётиб олган, онаси молхонада тимирскланиб юрар, ҳовлида бошқа ҳеч ким кўринмас — ёлғиз фарзанд чет элга ўқишга кетганди. Беморнинг оғриқларга чорасиз чидаб ётганидан яқин орада дориармон сотиб олмаганлиги, аҳвол

ниҳоятда танглиги кўриниб турарди.

— Аҳволингиздан Ғанишернинг хабари борми? — дедим худди унинг ярасига тегиб кетадигандай чўчинқираб.

— Ҳа, телефон қилувдим. Бир келиб кет десам, вақтим йўқ —, деди.

— Пул сўрамадингизми?

— Пули йўқ экан. Ўлимим яқин, ўзингни бир кўрай, десам унамади.

— Нима дейди?

— Ўлим — Оллоҳнинг иродаси. Ҳаммамиз ҳам ўламиз. Қиёматда юз кўришгунча мендан рози бўлинг —, дейди.

— Телефон рақами борми?

— Бор. Ана токчада.

Ўшанда телефон рақамларини ёзиб олганди-му, лекин Мисрга бормаганимда Ғанишер билан кўришиш хаёлимга келмасди. Менда унга нисбатан нафрат туйғуси шу қадар кучли эди-ки, у тийиқсиз жирканишга айланганди. Эшитишимча, мактабни битиргач, уни Қоҳирадаги «Ал-Азҳар» университетига олиб кетишган, икки йил ўқибоқ университетдан ҳайдалган. Сўнг Андижонга қайтиб, бунда бир муддат туриб Дубайга кетган — юқори маошга ўша ерлик бир бойвучча аёлнинг уйига хизматкор бўлиб ишга ёлланиб, «нишқий муносабатларда шахсий гумашта»га айланган.

Миср сафари ҳар қанча ранг-баранг бўлмасин, бир ҳафтада ниҳоятда зерикдим. Шунча арабнинг ичида битта ўзбек чиқармикин, деб кўнглим илҳақ бўлди. Бекорчиликдан Ғанишерга телефон қила бошладим. Ниҳоят, икки кунлик оворагарчиликдан сўнг телефоннинг нариги томонидан унинг овози кела бошлади:

— Ҳа, биламан, эслайман.

— Қандайсиз, соғлигингиз яхшими?

— Яхши.

— Кўришмаймизми, мен Қоҳирадаги «Шератон» меҳмонхонасидаман.

— Узоғ-у! Дубай анча олисда.

— Отангни кўрувдим. Салом айтиб юборди. Андижонга қайтмайсанми?

— Билмадим. Ҳозирча режада йўқ.

— Шеър ёзаяпсанми?

— Йўқ. У ишларни ташлаб юборганман. Сиз келинг, бир маншат қиламиз.

— Қанақа маншат?

— Сиз унақасини кўрмагансиз!

— Отанг ўлим тўшагида ётганидан хабаринг борми?

— Ҳаммамиз ҳам ўламиз... Яхшиси сиз келинг, ҳақиқий ҳаёт нималигини кўрсатай. Шоҳона айт-ишрат, кайф-сафо, бахту саодат нималигини кўрсатай. Аҳмоқона ҳаётда сизга нима бор. Эрта-кеч эшакдай ишлайсиз. Севги ҳақида шеърлар ёзасиз. Ҳаммаси қуруқ гап — бир тийин. Бу ерда мен кўрган ҳаёт олдида бари — бир чақа... Энди... отам ўлса, мен ҳам қўшилиб ўлайми?

— Бўлмаса, отангни олиб кел. Даволат. Яхши яшашни ўргат.

— Отам бу ҳаётга ҳеч қачон кўникмайди. Бу ерда яшолмайди. Бу ерда бари бошқача.

— Нима ҳам дердим. Хўп, майли хайр. Сендаги иқтидорнинг сўнганидан афсусдаман. Сендан Катта кашфиётлар кутгандим, оламшумул шоир бўлишингни истагандим.

— Шеърият — бир пуллик нарса. Уйдирма, ёлғон ва сароб хаёлотдан иборат алаҳсираш. Қизларнинг орқасидан шеър ёзиб, югуриб юриш шармандаликка олиб келмайдими? Сўнг, мана шу беҳаё сафсатани ҳаммага тарғиб қилиш қайси виждонга тўғри келади?

— Сен шеъриятни тубан қарич билан ўлчама. Бу ерда қирққа кирган бойвучча хотинга пойи-патак бўлиб яшаш — мана бу иснод.

— Бу менинг ҳаётим. Ичимда нима борлигини бир Худо билади, бир мен. Сиз ҳукм чиқарманг.

Унинг сўнгги сўзи менга қаттиқ таъсир қилди. Узр сўраганча гўшакни қўйдим. Унга озор бердиммикан, дея кўнглимни ғашлик чулғади.

Қоҳира — Нил даёрси бўйида жойлашган, беш минг ёшли қадимий шаҳар. Ҳавоси иссиқ ва қуруқ. Чанг-тўзон ва кўчаларга итқитилган чиқиндиларнинг ҳиди димоғни ёради. Кун бўйи шаҳар айландим. Бу ерда ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати Нажиб Маҳфуз яшайди. Айтишларича, оламшумул шуҳратга эга ушбу қария гарчанд китобларида дунёнинг барча мамлакатларида чоп этилган бўлса-да, ҳатто уруш йиллари ҳам шу шаҳарда яшаб келган — умрида



бирон марта ҳатто сафарга ҳам чиқмаган экан. Мен у зотни зиёрат қилишга жуда кўп уруниб кўрдим. Ҳатто бу иш билан вазир ҳам шуғулланди, лекин бирор натижа чиқмади. Негадир, Ғанишер мана шу ерда икки йил ўқиган бўлса, шоир сифатида Нажиб Маҳфуз билан учрашишга қизиқдимикан, деган савол мени ўйлантира бошлади. Балки ўшанда унда Ватан ҳақида ўйлаб кўришга имкон туғиларди. Умуман, Ватан ҳақида ўйлаш учун Нажиб Маҳфуз билан учрашиш шартми?..

Бу ерда ҳар бир араб ўз ватани ҳақида мағрур гапиради. Улар мени гоҳ Пирамида, гоҳ Сфинксни кўришга, гоҳ Ўрта ер денгизида чўмилишга таклиф этишарди.

Қоҳирадан чиққан заҳотингиз бийдай чўл бошланади — онда-сонда учраб турадиган хурмоларни айтмаганда, бир гиёҳ топиш амримаҳол. Чунки бу ерда бирор кўчатнинг олиб кетиши учун уч йил тинимсиз сув қуймоқ керак бўлади. Йўлларда ҳар қадамда постлар ўрнатилган, ҳужжатларни текширишар, ярим соатлаб ушлаб туришарди. Мисрда доим уруш таҳликаси ҳукмрон. Балки шунинг учундир, одамларда ўз Ватанларига муҳаббат туйғуси жуда кучли.

Мен эса жуда зерикдим. Уйга қайтиб, биринчи бўлиб «дом»нимиз тагидаги узоқ йиллардан буён қаровсиз ётган бир парча ерга кўчат ўтказаман, дея ният қилдим. Ахир, мен уларнинг тагига уч йил сув қуйиб турмайман-ку! Бу йил баҳорда суқиб қўйсам, янаги йил

кузда ҳосилга киради.

Қолаверса, ким билан бўлса ҳам, ўзбек тилида тўйиб-тўйиб гаплашаман, деган соғинч юрагимни қамраб олганди.

Ўзбекча оҳанг, ўзбекча шева, талаффуз, қочиримлар касбим сўз бўлгани туфайлими, мени жуда-жуда соғинтирганди. Ўн беш кун қирғоқда қолган балиқдай тамоман ҳолсизлангандим. Сўнгра ҳамма-ҳаммаси шу қадар жонга тегди-ки, бир соат ичида чипталарни алмаштириб, ҳай-ҳайлашларига қарамай, ортга қайтдим. Хайр, Сфинкс, хайр, Нефертити, хайр, Клеопатра, хайр, Луксор, хайр, Қизил денгиз, хайр, Қоҳира!

Орадан анча кунлар ўтди. Ғанишер ҳақида ҳеч кимга гапирмадим. Фақат, шоир ва ёзувчилардан унинг отасига қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида фикр сўрадим. Ёзувчилардан бири, бир ўрам пул тутди. Бу ҳимматга яна бир-икки шоир қўшилди.

Яна Андижонга қараб йўл олдим. Довонга эндигина қор тушганди. Ҳаво совуқ, тоза, тоғлар худди расмлардагидай гўзал ва ўта муҳташам эди. Киши қараб тўймасди. Баҳри-дилим очилиб кетарди.

Яна ўша — қачонлардир ғуж-ғуж одамлардан ёрилиб кетай деган, энди ҳувиллаб, мункиллаб қолган, супурилмай хазон босиб ётган уйга кириб келдим.

Каравотда соқоллари ўсган, силласи қуриб, ҳолсизланган, қимирламай ётаверганидан ранги униқиб кетган афтода бемор ётарди. Мен у одамга Ғанишер ҳақида, Мисрга ҳақида ҳеч нарса демадим.

Фақат, гап орасида унинг ўзи сўз очди:

— Туш кўрибман. Тушимда одамлар Ғанишерга қараб сажда қилишаётган эмиш. Мабодо, вақти келиб, Ғанишер билан учрашиб қолсангиз, албатта, этагини ўпинг, тавоф қилинг, таъзимда бўлинг ва меннинг ҳам унга сажда қилишимни айтинг.

— Алҳазар, алҳазар! — дедим ўрнимдан сапчиб турар эканман. — Жинни бўлиб қолдингизми?..

У секингина кўзини юмди. Бироз орқага тисарилганимни сезиб, яна очди — Агар шундай қилмас экансиз, кетинг бу ердан...

— Зинҳор ундай қилмайман —, дедим ғазаб билан ва хайр-хўшни насия қилиб ташқарига отилдим.

Олиб борган пулларни эса кўча-кўйдаги тиланчиларга телбаларча улашар эканман, тажанглигимдан ҳеч нарсани англамас, лўлибаччаларнинг бахтнёр юзларигина кўз олдимдан ўтиб турарди.

Муҳаммад ИСМОИЛ

Марказий Осиё лўлиларининг фолбинлиги фанда деярли ўрганилмаган. Ваҳоланки, уларнинг яшаш тарзи, фаолияти ҳақида кўплаб олимлар (Энгельгардт, Иноғомова, Валдикин, Назаров, Троицкая ва бошқалар) ўз асарларида фикр билдиришган. Бироқ лўлиларнинг фолбинлиги тадқиқот доирасига тортилмаган. Айни дамда Европа, жумладан, Россия лўли (циган)лари фолбинлиги бўйича аллақачон махсус тадқиқотлар олиб борилиб, аксарияти нашр этилган.

Марказий Осиё лўлиларининг фолбинлиги тадқиқи бўйича вужудга келган бўшлиқни имкон даражасида тўлдиришни мақсад этган ҳолда Ўш шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи атрофида фолбинлик билан шуғулланаётган лўли аёллар тадқиқот объекти сифатида белгиланди.

Бу ердаги фолбинларнинг устози

«Бахтингдан

65 ёшли Парихон Мамадалиеванинг таъкидлашича, «мазкур касбга қизларни ёшлигидан ўргатишади». Бунинг учун, аввало, гўдак қизга илоннинг ёғини ялатиш лозим. Бу ҳолат ҳийлакор, қув одамни «Илоннинг ёғини ялаган» ибораси билан аташга асос бўлганлиги ҳақидаги фаразни далиллайди (муаллиф изоҳи). Қиз бола балоғатга етгач, ўзига хос расм-русумлардан иборат «чилла» сақлаб, устозлардан дуо олгандан кейингина мустақил равишда фолбинлик билан шуғулланади. Уларнинг иш қуроллари тасбеҳ, турфа ранг иплар, майда тошлар, қарта ва ҳоказолардан иборатдир.

Фолбинлар асосан шаҳарнинг гавжум жойларида фаолият кўрсатишади. Улар ёшликдан мижозни аниқлаш, илинтириш ҳамда ўзига ром этиш бўйича тажриба орттирадилар.

Лўли аёлларнинг фол очиш жараёнини бевосита кузатишлар натижасида мазкур жараён бир неча босқичдан иборатлиги маълум бўлди:

биринчи босқич: бўлғуси мижозни аниқлаш. Бунда кишининг қадам ташлаши, юз ифодаси, тащқи кўриниши эътиборга олинади;

иккинчи босқич: бўлғуси мижозни фол очишга кўндириш. Бу босқичда бўлғуси мижозга эркалатиш маъносидаги «жон» қўшичасини қўшиб («Акажон, (укажон, опажон, тоғажон) келинг, бир фолингизни кўриб қўяй») мурожа-

ат қилинади. Ўткинчининг юзида мойиллик аломатини пайқагани ҳамоноқ фолбин уни янада чиройли сўзлар билан аврай бошлайди. Ушбу ҳаракатлар таъсирида мижозга айланган ўткинчи фол очиш учун четга тортилади;

учинчи босқич: фол очиш. Юзини қиблага қилиб ўтқазилган мижоздан дастлаб исми билиб олинади. Шундан сўнг фолни бошлаш учун иримига бир оз пул бериш сўралади. Мижоз бор пулини чиқариб, фолбинга озроғини ажратиб бергандан сўнг, фол очиш жараёни бошланади. Фол очиш жараёнида фолбин қўлидаги тасбеҳни бир-бир ўтказиб, мижозни ҳалол, яхши ва тўғрисўз одамлиги, шунинг учун унга душманлик қилувчилар борлиги туфайли иши юришмаётганлигини қайта-қайта такрорлайди. Фолбин мижознинг муаммосини сўраб билгач, яқинлари ёки қўшнилари (муаммо оилавий бўлса), ҳамкасбларидан (муаммо ишга оид бўлса) фалон кўриниш (сочи, юзи, ранги, қўл-оёғи ва ҳоказо тана аъзоларидаги ўзгачаликлар)га эга бўлган эркак (ёки аёл) «қора ният» билан бирон-бир нарса воситасида (игна, турли рангдаги тупроқ, иплар тугуни ва ҳоказолар билан) «амал» қилаётганини айтади. Мижозни ҳақиқатан ҳам ана шу кўринишга эга танишини хаёлан қидиришга мажбур этади. «Қидириш» таърифланган кўринишга яқин ёки айнан ўхшаш (дўст, ҳамкасб, таниш, қўшни, қариндош, рақиб)лар мижоз

очайми, тахтингдан очайми?!»

ёхуд лўлилар фолбинлиги

томонидан топилиб, тасдиқ жавоби олинмагунча давом этади. Фол очиш жараёнида фолбин пайғамбарлардан, Оппоқхўжа ҳамда пир-устозларидан (агар ҳақиқатда бор бўлса) ёрдам сўраб, илтижо қилади;

тўртинчи босқич: фолга мижозни ишонтириш. Мазкур жараёнда фолбин ўзининг сеҳр-жоду соҳиби эканлигига мижозни амалда ишонтиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун бир қанча усуллари мавжуд. Масалан, мижознинг кўрсаткич бармоғига ип тугун-тугун қилиб боғланади. Боғланган ип мижозга санатилади. Сўнг ипечилади. Ушбу жараёнда ҳам фолбин мижознинг яхши, сахий одамлиги, душманлари-ю уларнинг «амаллари» ҳамда мазкур амаллардан ҳалос қила олиши ҳақида такрор-такрор таъкидлаб туради. Бу каби қайта-қайта таъкидлашлар ипни иккинчи маротаба мижознинг кўрсаткич бармоғига тугун-тугун қилиб боғлашда ҳам давом этади. Ип иккинчи маротаба тугилгач, мижозга санатилади. Шундан сўнг ипни бармоқдан тугун ҳолида чиқариб олгач, фолбин аёл кафтига беркитиб олади. Мижозни чалғитиш учун ўзи, яъни фолбиннинг кўзига қарашни буюради. Мижоз фолбиннинг кўзига тикилган вақтда иллюзионистлар каби ғижимлаганда ечиладиган қилиб тугилган ипни қўлида аста ишқалаб ечади. Сўнгра фолбин аллақачон ечилган ипни мижоз кафтига ўтказади. Ипундан мижоз кафтига катта тезликда ўтказилиб бериладики, аксарият ҳолларда мижоз ипнинг ҳолатини илғамайди. Фолбин мижоз ип тутган қўлини очиб юбормас учун устидан маҳкам ушлайди ҳамда «Тугилган (ечилиб улгурилган) ипларни ечиб юбора олсам, очган фолимга ишонасизми ва кейин мени рози қиласизми?» — деб сўрайди. Тасдиқ жавобини олгач, мижознинг ип беркитилган қўлига «куф-куф»лайди ва қўлни очишга рухсат беради. Қўлини очган мижоз тугунларнинг ечилганини кўради.

«Амал»и муваффақиятли ўтган фолбин мижоздан «рози қилишни» талаб қилади. Мижознинг қанча пули борлигини фол очиш жараёнининг бошида «ирими»га берилган пайтдаёқ тахминан билиб олган фолбин шундан кейин ҳам уни қўйиб юбормайди;

бешинчи босқич: фол натижасида «маълум бўлган» ёмонликлардан халос этиш. Бунда фолбин ердан иккита майда тош олиб, уларга «фалончини инсу жинслар, ёмон кўзлар, турли амаллардан сақлагин» тарзида дуо ўқийди. Ўша тошлар ва қўлидаги тасбеҳни мижозга беради. Сўнг, фолбин мижознинг мазкур қўлини ушлаб, икки елкаси, боши, оёқ-қўлига «уриб» чиқади. Уриш давомида фолбин мижозни ўзи билан бирга «мендан фалокат йўқолгин, ёмон кўзлардан асрагин, йўлларимни очгин» каби сўзларни такрорлатади. Кейин мижозга қўлидаги тошларни орақага қарамай, елкасидан ошириб отишни буюради. Бунинг маъноси «барча ёмонликлар отилган тошлар билан орқада қолсин» демакдир. Мижозни турли «амаллардан» халос қилгандан сўнг, фолбин ундан хизмат ҳақи сўрайди. Мўлжалдаги пул олингач ҳам мижоз қўйиб юборилмайди;

олтинчи босқич: мижозни келажакдаги «ёмон кўз», «ёмон амаллар»дан сақлаш, унинг бой-бадавлат ҳамда бахтли ҳаёт кечириши учун дуо қилиш. Мазкур босқичнинг сўнгида ҳам фолбин ушбу қилган дуолари учун хизмат ҳақи беришни сўрайди. Шундай қилиб, тахминан 15 — 30 дақиқа давом этган фол очиш жараёни ниҳоясига етади. Бундай амалиёт охирига келиб, мижоз бор-буди (пул, қимматбаҳо тақинчоқлар)дан ажралиб қолиши мумкин.

Марказий Осиё, хусусан, Фарғона водийсида лўлилар фолбинлик билан азалдан шуғулланиб келганлар. Кўриб ўтганимиз салбий кўринишларга қарамай, лўлилар фолбинлигининг ижобий томонлари ҳам бор. Зеро, баъзида руҳий тушкунлик ҳолатидаги мижоз қалбида лўли фолбин келажакка ва ҳаётнинг яхши томонга ўзгаришига ишонч уйғота олади. Айни сабабларга кўра, лўли фолбинлигини психологлар хизмати билан қиёслаш мумкин.

Шавкат ОТАХОНОВ,
Андижон Давлат Университети тадқиқотчиси

Давоми. Боши 22-23-бетларда

Инсон рецепт билан яшай олмайди. Тарихда вариантлар такрори юз бермайди. Ахир, Толстойдай одам умрининг энг сўнгги кунига қадар ўзига йўл изламадими? У бирон марта инсониятни халос этишни, унга тўғри йўл кўрсатишни даъво қилдими? Бизнингча, чин бадиий асар ҳамиша ижодкорнинг ўзи учун излаган маънавий йўлнинг эстетик контурларидир. Бизнингча, ҳазрати Навоийнинг «Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт» мисраси билан бошланадиган таржиъбанди умри йўл излаб ўтган соликнинг андуҳлари ифодасидир:

Жеҳдк май била бўлмасун улфатим,
Ки жон қасди айлар чанд меҳнатим.
Жазар айла бу корғоҳ вазъига ,
Ки ортар тамошосида ҳайратим.
Ҳузўр йўқки, бир зарра моҳиятин
Топа олмади ғаъй ила фикратим.
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим .
Не каби улум этти ҳал мушкулим,
Не тутти илик тақвию тоатим.
Топай деб хабар ушбу мақсуддин,
Тутгашти баес қалб ила суҳбатим.
Менинг бошима бас қотиқ тушди иш,
Ну тоқ бўлди бу дард ила тоқатим.
Харобот аро кирдим ошуфта ҳол
Май истарга илгимда синган сафол.

Бадиий адабиёт инсон руҳини уйғотиб, уни зулму зўравонликка кўникишдан, жўнликдан, жаҳолатдан, бефаҳмликдан, бетаъсирликдан халос этиши мумкиндир. Лекин шунга таяниб, яратилган ҳар бир асарга «миллат дарди», «Ватан манфаати», «эзгулик учун кураш» сингари муқаддас талабларни қўллайвериш ўринли кўринмайди. Асар ёзаётган одам ўз дарди, кўнгил истакларини бошқаларни такрорламаган ва ўзгаларга таъсир этадиган тарзда ифода қилишининг ўзи ижод эканлигини тан олиш зарур. Нобел мукофотини олаётганда сўзлаган нутқида А. Камюнинг санъат халққа ҳам, хосга ҳам эмас, қаршисида ҳамма тенг бўлган ҳақиқат ва эркагина хизмат қилиши керак, деган фикрни қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас.

Модерн асарлар кўнгил зийнатлари ва руҳнинг мураккаб жилолари ифодаси бўлароқ пайдо бўлгани учун ҳам биз одатланиб қолган «улуғ мақсад», «юксак қадрият»ларга хизмат қилмайдиганга ўхшаб кўринади. Чунки бундай асарлар чиндан ҳам ижтимоий-сиёсий чақириқлар эмас, балки самимий дил изҳори эканлиги билан қадрлидир. Унинг ижтимоий қиммати ҳам, эҳтимол, ижтимоийлик даъвоси йўқлигидадир. Чунки айни шу хусусияти унга бадиий адабиётлик мақомини беради. Акс ҳолда, асар бадиий бўлмай, публицистика ёки сиёсий рисолага айланиб кетиши мумкин эди.

Кейинги вақтда айрим адабиётшунос ва ёзувчилар муштарийларни модерннинг аҳамиятини пасайтириш, бундай асарларнинг миллий маънавий қадриятларга дахли камлигини асослаш мақсадида Ж. Жойс, Ф. Кафка, А. Камю сингари ижодкорларнинг «ғалати» шахсияти, одамни, одамиятни ёмон кўриши, бу ҳол уларнинг машҳур асарларида қандай намоён бўлганлигини кўрсатишга зўр беришмоқда. Бундай кишиларга модернчи адибларнинг одамга хос иллатларни бўрттириб кўрсатишлари ёқмайди. Уларга бу ҳол «инсонпарварликдан юз ўгириш»га ўхшаб туюлади. Ҳолбуки, улуғ модернчи адиблар ҳам худди сўфийлар сингари инсониятни нуқсонсиз кўрмоқни исташади. Шу боис иллатли табиат эгаларини аёвсиз танқид қилишади. Ҳазрат Навоийнинг «Нокасу ножинс авлодин киши бўлсин дебон Чекма меҳнат яхши бўлмас ҳеч касофат олами» ёки «Бу эл эрур барча ёмондин ёмон, Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон», «Одам авлодида камдур одамийлиқ шеваси» сатрларини, Турдининг: «Мусулмон билма асло ҳеч мазҳаб қавлида ўзбак» ёки «Атолур ҳожи кофир Маккa бориб, ҳаж қилиб келса, Ки ҳаргиз ўзга бўлмас, ҳақ йўли юрган билан эшак» сингари мисраларини ҳам инсонни ҳақоратлаш, миллатга менсимай қараш намунаси дейишга тўғри келади. Гап шундаки, айрим кишилар онгида шўроча «аньанавий» қараш: кўпчилик ҳамиша ҳақ, омма адашмайди, унинг истаги доим тўғри, унга қарши бориш шаккоқликдир, деган қараш қотиб қолган. Ҳаёт ҳамиша кўрсатиб келмоқдаки, аксар ҳолларда кўпчилик эмас, айнан алоҳида етук шахслар Ҳақ ва ҳақиқатга яқин бўлишади. Исломдай ҳақ дин жорий этилаётганда ҳам расулуллоҳ ёлғиз бўлганлар ва кўпчилик у кишига қарши эди. Шунинг учун ҳам халқни танқид қилиш модернчи ижодкорларнинг ғайриинсонийлигидан эмас, айнан одамларни комил, бутун кўриш истагидан эканини тушуниш лозим. Акс ҳолда, Озарбайжон адиби Муҳаммад Ҳодийнинг: «Муҳаббатлар муваққатдир, адоватлар ҳақиқатдир, Адолат қайда, лекин зулму ваҳшатлар ҳақиқатдир», — деб ёзғирганини, ўзга бир озарбайжон шоири Самад Вурғуннинг:

Фалакдан интиқом истар, жўшиб руҳимда бўронлар,
Ва инсофни, на виждонни билар, ё, раб, бу инсонлар.
Ёз, эй Вурғун, яна жўшқин бугун оламда тўфонлар,
Инқилоб меҳвари олам, у тубдан тор-мор қилсун, —

дея тортган қонли оҳларини ҳам инсонга душманлик тарзида изоҳлаш лозим бўлади. Ваҳоланки, бу иддаолар айнан инсонга бўлган буюк муҳаббат самараси ўлароқ туғилган.

Айрим зиёлиларимизни Абдували Қутбиддиннинг «Изоҳсиз луғат» достонида миллат аҳлининг кескин танқид қилиниши қониқтирмайди. Шоир достонда жонкуяр ва ҳақгўй бир ўғил сифатида миллатнинг ҳашаротлар каби майдалашувидан ўртанишларини ифодалайди. Замонавий ўзбек достончилигида айни шу «Изоҳсиз луғат» асаридан эътиборан одам руҳиятини янгича йўсинда акс эттириш босқичига ўтилиб, одам воқеалар фонида эмас, балки воқеалар одам руҳияти фонида бериладиган бўлди. «Изоҳсиз луғат» ўзбек достончилигида одамни оқибат эмас, балки сабаб сифатида тасвирлашни бошлаб берди. Шоир мустамлакачи шўро замонидаги забун одамни тасвирлайди, аммо бутун миллатни кўзда тутади. Чунки забун ва ўзини қул қилишларига кўниккан миллат алоҳида одамлардан иборатдир. Одам тушган ҳолати учун ҳамиша ўзи сабабчидир. Миллат ҳақида ҳам, ҳеч шубҳасиз, шу гапни айтиш мумкин. Озодлик, эрк ва саодат ҳеч қачон ҳеч кимга биров томонидан берилмайди. Уни ҳар бир одам ва ҳар бир халқ ўзи учун ўзи қўлга киритиши керак. Ўз эркинлигини таъминлай олмаган кимсалардан иборат халқ танқид ва ёзғиришга лойиқдир. Унинг миқдори неча миллион эканлиги муҳим эмас. Шоир достонда сиёсий ёки ҳуқуқий озодликни эмас, руҳ ҳурлигини кўзда тутади. Руҳи кишанланган одам озодлик салтанатида ҳам қуллигича қолаверади.

Гуманизмни тўғри тушуниш ҳам модерн адабиётдаги танқидий йўналишни англаб етиш имконини беради. Тўғри, гуманизм инсонпарварликдир, лекин бунда бир ёқламаликдан сақланиш зарур. Гуманистлар дуч келган қиёфасиз одам эмас, балки юксак ахлоқий фазилатларга интилган, руҳини юксалтиришга уринган комил инсон севишга лойиқ эканини айтганлар. Улар Аллоҳнинг иродасига қарши бориб, эзгуликка тўғаноқ бўлган ёвуз одамлардан қутулишга чақирганлар. Гуманизм — учраган одамга кўр-кўрона муҳаб-

бат изҳор қилиш эмас. Чунки айнан инсонпарварлик сабаб Хисрав, Шеруя, Сурхайил, Кўкалдош, Ҳомид, Содиқ сингари бадиий персонажлар кишининг нафратига нишон қилиб тасвирланади. Чунки гуманистик ёндашув инсонга муносабатнинг ахлоқий асоси вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг юксалишини истаб, унинг маънавиятидаги нуқсонларга муросасиз бўлган модернизмни антигуманизмда айблаш тўғри эмас. Модернизмда фақат нигилизмни, антигуманизмни кўриш ҳақиқатдан кўз юмишдир.

АБСУРДДА МАЪНО БОРМИ?

Бизда айрим тадқиқотчилар, баъзи адиблар модернизмнинг моҳиятига жиддийроқ қарамаганликлари сабаб уни гоҳ постмодернизмга, гоҳ абсурдга, гоҳ символизмга қарши қўйишга уринишади. Ҳолбуки, юқорида саналган оқимларнинг бари адабиётдаги модернистик йўналишнинг тармоқларидир. Бинобарин, уларни бир-бирига қарши қўйиш сабабни оқибатга қарши қўйишга ўхшаш самарасиз юмушдир. Баъзан матбуотда абсурд адабиёт намояндаси А.Камю модернчи Ж.Жойсга, «постмодернчи» Х.Дўстмуҳаммад модернчи Т. Рустамовга қарши қўйилгани кўзга ташланади. Ҳолбуки, «постмодернизм» номининг ўзиёқ унинг модернизмдан кейин, ундан келиб чиққанини кўрсатиб турибди. Ширин мевасини еган одам оғочини кесиб ташламайди. Агар Жойс, Кафка, Пруст, Камю сингари адиблар ва уларнинг дунё эстетик тафаккурини янги йўлга бурибюборган асарлари модернизм йўналишида битилганидан кўз юмилмас экан, унинг истиқболсиз ва миллий нигилизмдан иборатлиги ҳақида ҳам эҳтиётроқ бўлиб гапириш, уларни бир-бирига қарши қўйиб, унинг оловига исинишга уринмаслик керак.

Шуни таъкидлаб айтиш лозимки, абсурдни модернизмга қарши қўйиб бўлмайди. Модернизм оғоч бўлса, абсурд — унинг меваси. Мевани дарахтга қарши қўйиш ақлдан эмас. Одам ва қисмат, шахс ва тақдирбитик ўртасидаги муносабат тадқиқи, хоҳ фалсафада бўлсин, хоҳ адабиётда, ўз-ўзидан абсурдга олиб келади. Негаки, одам ақли етган ҳодисани изоҳлай билади, мантиқий ниҳоясини кўриши мумкин бўлган ҳолатларда башорат қила олади. Аммо у ҳеч қачон ўз тақдирни била олмайди. Киши ҳаёти исталган бир сонияда мутлақо кутилмаган ва башарий мантиққа мувофиқ бўлмаган ўзанга тушиб кетиши мумкин. Абсурд айни шу ердан, яъни инсон ожизлиги яққол кўриниб турган ўриндан бошланади. Гап жамият тартибларида, сиёсий тузумларда эмас. Айримлар абсурдлик илдизини нобоп ижтимоий тузумдан қидирмоқчи бўлишади. Аслида, ҳамма гап ақлига, ғайратига ортиқча ишониб, тиним билмай, зўриқиб, ўзигаўзи қисмат тайин этмоқчи бўлган одамнинг ўзида. Одам қаноатга келса, ўз қисматини ўзи тайин этолмаслигини, чиранишлари беҳуда, яъни абсурд эканлигини тан олса, абсурд туғайди. Чиндан-да, абсурд маънисизлик, лекин тузумнинг, ҳаётий тартибларнинг маънисизлиги эмас, балки одам умри, қисмати, пешонаси, уринишларининг мутлақ тақдир олдидаги маънисизлигидир. Абсурд адабиёт адабиётнинг маънисизлиги эмас, балки маънисизликнинг адабиётидир.

Одам — яралишидан тақдирга асир, банди. Шунинг учун у банда деб аталади. Маълумки, «банда» - банди, қул демакдир. Одамнинг ўз қисматини тайин этишдаги иштироки даражаси унинг умри маънисизлигини – абсурдлигини юзага келтириб чиқараверади. Адабиёт чуқурлашаверган сайин унда абсурд тасвири теранлашаверади. Бу — қонуният. Моддий тўкислик, сиёсий озодлик, ҳуқуқий эркинлик, ижтимоий тартибларнинг ақлга мувофиқлиги одамзотни абсурддан халос этолмайди. Абсурдни англаш, уни фожиа тарзида қабул қилиш кишининг, миллатнинг фалсафий қарашлари тизимига боғлиқ. Ҳамиша ўзига ишонган, ўз тақдиримни ўзим яратаман, деб ўйлайдиган Ботиш ақли билан бошданоқ қисматни тан оладиган, тақдирда белгиланганидан ташқарига чиқолмаслигини теран англайдиган мўмин дунё тартиботини тамомила бошқача англайди. Ана шу англамлардаги ўзига хослик ва бу ўзига хосликнинг оригинал бадиий тажассуми тадқиқ этилиши керак.

Қаноатсиз одамга тириклиги ҳамма замонларда ҳам маънисиз туюлган. Чунки одам ўз ҳаётини ўзи бошламагани сингари, уни хоҳлаган йўналишга буриб юбориш, истаганда тугаллаш ҳам унинг ихтиёрида эмас. Қисматни ўзгартириш йўлидаги уринишлар перипетияни, яъни тескари натижани келтириб чиқаради. Шоҳ Эдипни эслайлик: у тақдирга чап бераман деб, тадбиркорлик қилгани сайин фожиаси чуқурлашаверади. Тақдир ишига аралашмоқ, уни ўзгартирмоқ одамнинг қўлидан келмайди. Барча мутасаввуф адиблар шундай бўлишини яхши билишган ва тақдирга тадбир кўрадиган эмас, балки унга пешвоз чиқадиган қаҳрамонларни тасвирлашга эътибор қаратишган. Шунинг учун ҳам Фарҳод ўлимдан қўрқмайди ҳам, қочмайди ҳам, балки унга интилади. Чунки у қисматининг Хусрав эмас, қудратли ЗОТ томонидан тайин этилишини билади.

Айримлар умидбахш гуманизмнинг намунаси сифатида тушунган А. Камю ижоди айни шу жиҳатдан бизнинг маънавиятимизга зиддир. У инсон ҳаёти ўз ихтиёрида бўлмаганлиги учун бошидан охирига қадар маънисиз деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у ўз-ўзини ўлдириш ҳуқуқини инсоннинг қисмат олдидаги улуғ имкониятларидан, исёнларидан бири сифатида деб билади. Ва одамга шундай ҳуқуқ берилиши учун курашади. Камю ўз ҳаётининг мазмунини: «Менинг исёним, менинг озодлигим ва менинг эҳтиросларим», — дея белгилайди. А. Камюнинг «Бегона» романи ва «Вабо» асарида одамларнинг уринишлари, интилишлари бирор самара бермаганлиги сабаби ҳам шунда.

Абсурд умид тамомила узилган жойда пайдо бўлади. Мўмин эса, асло умидсиз бўлмайди. Ҳар бир мўмин «ноумид – шайтон» эканлигини яхши билади. Яъни кўнглида Аллоҳга эътиқоди собит бўлган, ўзининг яратганга, қул мақомида эканлигини англаган одам абсурд фалсафасини қабул этолмайди. Негаки, исломий қараш кишига Яратган иродаси туфайли энг оғир вазиятдан ҳам халос топиш мумкинлигига ишонч туйғусини беради. Бу дунёда саодатга етмаса, нариги — чин дунёда етишига умид уйғотади. Мўминни ҳамма нарса тарк этиши мумкин, лекин умид ҳеч қачон тарк этмайди. Умид ипининг буткул узилмоғи, мўминлик риштасининг ҳам кесилмоғидир. Бизда аҳволи оғир касал ҳам ҳолим ёмонлашди, демаслиги шундан. Мўъжизага умид қилмайдиган, ўз ҳаётининг ҳар бир бурилиш нуқтасини инсоний ақл ёрдамида англаб етишига, унга таъсир кўрсата олишига ишонган одам ўзининг рационал имкониятлари тугагандан сўнг нима қилишини билмай қолади. Ўз тафаккури кучига ортиқча баҳо берган Ботиш кишисигина абсурд йўлига киради. Абсурд — боши берк кўчага кириб қолган одамнинг қарашлари. Абсурд адабиёт — ана шундай киши ҳақида ёзилган битик. Демак, ўзбек адабиётида абсурднинг кўринишлари ҳақида гапириш аслида йўқ ва бўлиши ҳам гумон нарса ҳақида фикрлашдир. Модернизмнинг ўзбекона кўриниши бўлиши мумкин ва бор. Лекин абсурднинг ўзбекчаси бўлмайди. Чунки ўзбек Яратганга таваккал қилади, унинг чексиз қудратига ишонади, унинг имдоди ҳам, жазоси ҳеч ким кутмаган йўсинда бўлишини билади.

Баъзи кишилар А. Камюнинг «Вабо» романидаги каламушларнинг вабо тарқатиши тасвирини абсурд ифодаси, деб тушунади. Ҳолбуки, асарда вабога қарши курашиш, уни бартараф этишга уринишнинг абсурд экани ифодаланган.

Одамлар қанчалик тадбир кўрмасинлар, ҳаракат қилмасинлар на вабонинг олдини олиш, на унинг ёйилишини тўхтатиш мумкин бўлади. Вабо одамларнинг тадбирлари туфайли эмас, балки қандай бошланган бўлса, шундай мутлақо номаълум ва тушунарсиз йўсинда тугайди. Камюни қийнаган нарса ҳам айнан сабабни тушунишнинг мумкин эмаслигидан иборат эди. А. Камюнинг қарашлари исломий асосларга таянган баъзи ўзбеклар учун оламдаги барча фалсафий-эстетик қарашлардан кўра бегонароқдир. Негаки, абсурд — исёнга асосланади. Унинг назарида, инсоннинг мутлақ озодлигига зид келадиган ахлоқ ҳам, ижтимоий тартиботлар ҳам, дин ҳам зулмдир. Тақдир, қисмат-ку, энг катта золимликдир. Чунки у инсонга озод бўлиш имконини бермайди. Шунинг учун ўзбек модерн ёзувчиларини баҳолашда Камюни ибрат қилиб бўлмайди.

Абсурд – адабий йўналиш ҳам, бадиий услуб ҳам эмас. У ёзувчи дунёқараши ва эътиқодининг бадиий тазоҳиридир. Шунинг учун ҳам имонга эга ўзбек адибларининг битикларидан абсурдни қидириш зўракиликдир. Ўзбек адиблари абсурд унсурларидан тақдирнинг кучи ва Яратганнинг қудратини кўрсатиш мақсадида фойдаланишган бўлишлари мумкин. Яъни Ботиш адабиёти абсурдни дунё тартиботининг маъносизлигидан, исломий қарашларга таянган адабиёт эса, одамдаги ортиқча чиранишларининг маънисизлигидан қидиради. Шуни айтиш керакки, абсурд ёки унинг унсурлари бўлиши бадиий асарнинг етуклигини англатмаганидек, ночорлигини ҳам кўрсатмайди.

Абсурд — кечаги кундан кўнгли қолган, бугундан юз ўгирган, эртадан умид қилмайдиган Ботиш одамининг кўнгил ҳолати. Бу одам — борликни (борлиқни эмас) сабаб-оқибат муносабатлари фонида кўришга, олам ва одамда юз бераётган ҳар қандай ҳолату ҳодисани изоҳлашга, ҳар бир ўзгариш сабабини кўриш ва тушунтиришга даъво қиладиган, тақдирида рўй берган кутилмаган ҳолатни шахсига қилинган тазйиқ сифатида қабул этадиган, мутлақ эркинликни талаб қиладиган ношукурроқ кимса. Исломга инонган бандада бундай даъво бўлмайди. У ўз имкониятини билади, Яратгандан норози бўлишдан, унга исён қилишдан қўрқади. Мўмин киши ўзини оламнинг маркази санамайди. Ботиш кишиси эса, ўзини дунёнинг ўқи деб қарайди. Бу ҳол кишилар руҳиятига, одат ва қарашларига сингган. Ҳатто, грамматика ва саноқ йўсинида ҳам акс этади. Чунончи, инглиз тилида «мен» маъносини ифодалайдиган «I» сўзи, биргина товушдан иборатлигидан ташқари, гапнинг қаерида келишидан қатъи назар бош ҳарф билан ёзилади. Шунингдек, қунботишдагилар машина ёки телефон номерларини бизга ўхшаб жуфтлаб ёхуд гуруҳлаб эмас, балки битта-битта рақамлар сифатида эслаб қолишади.

Абсурд адабиётнинг моҳиятини англамаганлиги учун ҳам таниқли бир ёзувчи: «Афсуски, Камюнинг абсурдга оид фикрларини нотўғри талқин этувчилар бор. Улар ҳаётда абсурд бўлгани каби, адабиётда ҳам абсурд асар, абсурд ижод бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, Камю ҳаётдаги абсурднинг ғайриинсоний моҳиятини доим ёдда тутишга ундайди. У абсурд оқимга тушиб нишабга қараб оқишни эмас, балки абсурд оқимига қарши сузиш зарурлигини таъкидлайди», — дейди. Муҳтарам ёзувчимизнинг гапига қараганда, абсурд адабиётнинг асосчиси Камюнинг ўзи тузук экан-у, у асос солган абсурд адабиёт «ғайриинсоний» моҳиятга эга экан. Агар А. Камю абсурдга қарши сузишни маъқул кўрса, абсурд йўсинда фикрлаб, шу тарзда ижод қилишида қандай маъно қолади? Ўзини билган ҳар бир одамга маълумки, абсурд ижод, абсурд асар бўлмайди. Чунки яхшими-ёмонми ҳар қандай асарнинг яратилишида маъни бор. Абсурд дунёқарашнинг натижасида юзага келган адабиёт ҳақида гапириш мумкин, лекин муайян бир асарни абсурд деб бўлмас. Негаки, ҳаёт маънисиз, деб қаровчи эътиқоднинг самараси ўлароқ юзага келган битикни беъмани дейиш ўринсиз.

Абсурдни маънавиятга эмас, балки имонга қарши қўйиш мантиққа мувофиқ бўларди. Чунки абсурд адабиётнинг намуналарида айнан маънавият масаласи, инсоннинг руҳоний қирралари акс эттирилади. Лекин маънавият муаммолари имонга зид келадиган, Яратганга исённи ифодалайдиган тарзда тасвирланади. Абсурд йўналишдаги файласуф ва адиблар инсоннинг ўз ҳаётига ўзи хўжайин бўлолмаслигидан ёзғиришади. Улар одам истаган вақтда ўла олиш даражасигача эркинликка эга бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Шунинг учун ҳам А. Камю назарида: «ўз-ўзини ўлдириш дунёдаги биргина жиддий фалсафий масала»дир.

Абсурд – маънисизлик, абсурд адабиёт – маънисиз адабиёт, дейишнинг ўзи бемаъниликдир. Абсурд атамасини араб сўзи билан таржима қилиб бўлмайди. Бу сўзни соф ўзбекча қилиб англамсизлик, абсурд адабиётни эса англамсизлик адабиёти тарзида аташ тўғрироқ бўлади. Чунки шунда илоҳий ақл асосида яратилган ва бошқарилаётган дунёни башарий ақл билан тўла англаб етиш мумкин эмаслиги кўзда тутилади. Дунё моҳиятини тўлиқ англаб олиб, шунга мувофиқ яшамоқни даъво қиладиган кибрли банда охир-оқибат англамсизликка боради. Яъни у олам тартиботини англай олмаслиги орқали ўзининг нақадар ожиз яратиқ эканлигини билади. Ўз ҳаддини биладиган собир ва шокир шахс ҳеч қачон оламни англамсиз ҳисобламайди. Чунки у чексиз Ирода борлигини, бутун олам ана шу Ирода томонидан англанган ва белгиланган тартибда мавжуд эканлигини, ўзининг ҳам ундан ташқарида бўлолмаслигини билади.

Абсурдни одамнинг ҳаётидан эмас, унинг фикрлаш йўсинидан қидириш лозим. Чунки ҳаёт қандайлигидан қатъи назар ҳеч қачон абсурд бўлмайди. Тўғри, у кимларгадир маънисиз туюлиши мумкин. Масалан, инсон ақли билан руҳни англаш ва изоҳлаш мумкин эмаслиги Қуръони Каримда айтилган. Лекин одамзод айнан шуни билгиси, тагига етгиси келади. Етолмагач: «Англолмаслик буюрилган экан», — демай, руҳ деганларида маъни йўқ экан, деб даъво қилиши мумкин. Бас, ўз истакларида чегара билмайдиган кимсаларнинг инжиқлиги деб одамзод ҳаётини абсурд ҳисоблаш маъқул эмас.

Ўзбек модернчиларининг айримларни норози қилган: **«Менга дўст керакмас душмандан бошқа, муҳаббат керакмас нафратдан бўлак»** сатрларининг абсурдга мутлақо алоқаси йўқдир. Улар — иложсизлик ва нафратнинг эмас, балки талабчан қалбдаги улкан муҳаббатнинг мевалари. Шу боис бу сатрларни англашга уриниш, тасаввурни бир оз зўриқтириш керак. Парадокс йўсинидаги бу фикрларни ушлаб олиб: «Наҳотки ўз суйган аёли билан нафрат асосида турмуш кечирса?!» — дея аюҳаннос солиш адабий жўнликдир. Бундан ташқари, кимдир душмандан бошқа дўст истамаётган экан, қўйиб бериш керак. Ўзи бир кун душман излашдан зерикиб, дўст ҳам қидириб қолар. Ахир одамзод дунёда охирги кун яшаётгани йўқ-ку? Бобур Мирзонинг машҳур: **«Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнглимдан ўзга махрами асрор топмадим»** мисраларида ҳам муҳаббатга элтувчи нафрат акс этган. Шоҳ шоир сатрларида инсонни комил, маънан юксалган ҳолда кўриш истаги ётибди. Назар Эшонқулнинг бир муносабат билан айтган: **«Фожиа руҳни янгилайди, қарашларни ўзгартиради, янги воқеликни яратади, эскисини инкор этади»**, — сингари қаноатида ҳам ҳеч қандай маънавий бузилиш йўқ. Гап бу ўринда жисм ҳалокати, ўлим ҳақида эмас, руҳиятдаги кучли тўлғоқлар натижасида юракда эзгулик олови ёниб, киши ичидаги ёмонликнинг синиши, одам ўзи-

да янгиланишга ярайдиган куч топишга уриниши, ана шундай қудратли ва покловчи истироблар туфайли юзага келадиган тозариш — «катарсис» ҳолати ҳақида кетмоқда. Театрдаги фожиа ҳам шунчаки томоша қилганда ҳузур бериши билан эмас, балки айнан улкан руҳий истироблар орқали қалбини тозалаши билан аҳамиятлидир.

МОДЕРН ЙЎНАЛИШ БЕЛГИЛАРИ

Ҳозирги ёзувчилар мутафаккирлик, жамиятга тўғри йўл кўрсатиш, миллатга бошловчилик қилиш даъвосидан жуда йироқдирлар. Чунки одамларнинг бировлар етовида юрадиган даври ўтиб кетди. Энди ҳар одам «ўз қалбига ўзидир хоқон». Олдинлари кўпчиликнинг борадиган манзили бир эди. Чунки қизиқишлар ҳозиргидай хилма-хил эмасди. Энди ҳар бир одам — алоҳида бир дунё. Эҳтимол, бутун дунёга қараганда биргина одам мураккаброқдир. Одамнинг мартабаси ўзгарди. У тарихнинг ижодкорига айланди ва ўз ички оламига кўпроқ назар ташлашга ўрганди. Ҳозирги одамлар ҳамма билан бир жойга боришни, бир қўналғада қолишни истамайди. Энди одамзодни бошқариш, ақл ўргатиш эмас, балки тушуниш ва англаш керак бўлади. Шунинг учун бугунги кунда адабиётнинг ижтимоий функциясига ортиқча баҳо бериш ҳам, бадиий асардан фақат социал мазмун кутиш ҳам ўринли бўлмайди.

Адабиётга қай йўл билан ривожланиш зарурлигини, адибга қандай ёзиш кераклигини ўргатишдай ярамас одатнинг яшовчанлиги, бу ҳолнинг адабиётшунослар ҳамда ижодкорлар орасига ҳам ёйилганлиги ачинарлидир. Бу ҳол ҳалигача сиёсий ёрлиқлар ёпиштириш, мафкуравий тамғалар босишнинг давом этишига олиб келмоқда. Айримларнинг модернизмни маънавиятга қарши қўйиши, бу йўналишда битилган асарларни ғояси ёт дея шовқин кўтариши шундан далолатдир. Ҳолбуки, ҳозир ижодкор ўз кўнглидан бошқа ҳеч ким олдида масъул эмас. Ёзувчига қандай ёзиш, қандай ёзмаслик кераклиги тўғрисида кўрсатма бериш, бадиий ижод моҳиятига ҳам, ҳуқуқий жамият тартиботига ҳам зиддир. Қандай ёзишини ижодкорнинг ўзига қўйиб бериш керак. Санъаткорнинг ижод эркинлигига дахл этиш ва унга йўл кўрсатишдан тийилингандагина адабиёт чинакамига эркин бўлади.

Фалсафий қарашлар тизимида собитликнинг йўқлиги, эътиқоднинг қатъий эмаслиги кишини ғоят чигал ҳолатга солиб қўяди. Фалсафий қараши қатъий бўлмаган одам марксизмни тинимсиз сўка туриб ҳам марксистлигича қолавериши мумкин. Адабиётчилар орасида Марксни инкор этадиган марксчиларнинг улкан лашкари мавжуд. Улар ўзларини шундай деб ҳисоблашмайди, албатта. Лекин моҳият аслича қолаверади. Шунинг учун ҳам айримлар ўзларини одамларга таъсирланиш, фикрлаш, ижод қилиш йўлларини ўргатишга ваколатли деб билишади. Ўзлари тушунмаган ёки кўнгилларига ўтиришмаган ҳар қандай ҳодиса, тушунча, қарашни ёт ва ёв санаб, уларни Ватан, миллат, маънавият номидан қатағон қилишга тутинишади.

Жаҳон адабиёти ва санъатига минглаб сара асарлар берган модерн йўналишни ўзбек маънавиятига зид деб қараш эстетик зўравонликдир. Энди одам ва унинг қизиқишлари турфалашди. Атрофни ўрганишдан ўзини текширишга ўтган одам томонидан шундай кишилар ҳақида яратилган бадиий асарлар ўзига хос ва қолипга тушмайдиган қиёфа касб этаверади. Хосе Ортега-и-Гассет «Санъатнинг ноинсонийлашуви» асарида: «**Янги санъат — бу асл бадиий санъатдир**», — дейди. Асл бадиийлик ҳеч қачон оммавий бўлмаган. Бундай санъат ҳаммага тушунарли ҳам, ҳаммага маъқул ҳам бўлолмайди. Шўровий мафкура таъсирида санъатга санъат деб эмас, балки ҳаётнинг давоми, унинг қисми деб қарашга одатланилган. Энди ҳаётга ўхшамайдиган, уни акс эттирмайдиган, балки ўз ҳолича янги эстетик ҳаёт саналадиган чинакам санъат асарлари яратила бошланди. Бунинг учун ижодкорларда экспериментлар қилиш, синовлар ўтказиш, изланиш, хатолар қилиш ва уларни тўғрилаш имкони бўлиши керак. Биз атай «бериш керак» демай, «бўлиши керак» бирикмасини қўлладик. Зеро, кимнингдир томонидан берилган нарса, вақти келса, олиб ҳам қўйилиши мумкин-да!

Эътибор қилган кишига бугунги ўзбек модерн адабиётининг 1) санъатнинг ижтимоий хизматкорликдан узоқлашаётганлиги; 2) муайян қолипларга тушмасликка интилаётгани; 3) бадиий яратиқларнинг фақат санъат асаригина экани; 4) санъатга ўйин деб қараш майли кучайганлиги; 5) киноядаги мойиллик ортганлиги; 6) сохта кўтаринкилик ва сунъий чақириқлардан қочилаётгани; 7) ифоданинг мукаммаллигига интилиш ортгани; 8) санъатнинг мафкурадан йироқ бўлишига уриниш кучайганлиги каби тамойиллари борлиги яққол сезилади. Шу хил тамойиллар бутунжаҳон адабий жараёнига ҳам тегишли эканини Ортега-и-Гассет алоҳида таъкидлайди. Бинобарин, кимга қандай хизмат қилиш кераклиги масаласини ижодкорнинг ўзи ҳал этади. Тўғри, пайдо бўлган ҳар қандай йўналишдаги санъат асарининг бадиий жиҳатдан кучли ёки кучсиз томонлари ҳақида атрофлича баҳслашиш, фикр айтиш мумкин ва керак. Лекин бу фикр, асло, ўзига ёқмаган асарни зарарли ва миллат манфаатига зид деган қарашга асосланмаслиги зарур. Шу ўринда, модерн ва анъанавий йўналишдаги асарларни бир-бирига қарши қўйиш ақлдан эмаслигини, миллий дид юксалгани сари у хилма-хиллашиб боражагини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ижтимоий онгнинг ўсиши, бадиий истеъмолчиларнинг савияси юксалиши туфайли эндиликда инсон ҳаётида қачондир бўлиб ўтган воқеаларни қайта ҳикоя қилиб беришнинг бадиий асар сифатида тақдим этилиши кўпчиликни қониқтирмай қўйди. Олдинлари шу хилдаги битиклар бадиий адабиёт намунаси сифатида қабул қилиниб, ўқилар эди. Эндиликда ҳаёт воқеаларини бўлганидай баён этиш бадиий адабиётнинг эмас, балки тарихнинг иши эканлиги кўпчилик томонидан англаб етилди. Тўғри, ҳозирги кунда ҳам тарихий воқеалар баёнини бадиий асар, деб даъво қиладиган ёзувчилар бўлганидек, уларни ўқийдиган ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Аммо тарихга ҳам, адабиётга ҳам, умуман, ҳаётга ҳам рухсат этилганидай қарамайдиган, шу хилда қарашни истамайдиган муайян миқдордаги кишилар ҳам бордирки, уларнинг ўзларига яраша бадиий диди билан ҳисоблашиш лозимдир. Афсуски, рухсат этилганидек фикрлашга ўрганганлар улардай фикрлашни истамайдиган кишиларни тушунмайгина қолмай, уларни жамиятга камида моҳолиф, бўлмаса, душман деб билишади.

Коммунистик мафкура, марксистик қараш шахснинг мавқеини камайтириб, индивидуал қиёфага эга бўлмаган оммани рутбасини баландлатишдан манфаатдор эди. Чунки омма деб аталмиш қиёфасиз оломонни бошқариш осонроқ бўлиб, кўпгина ғайриинсоний қилмишлар унинг номи билан асосланар эди. Чин адабиёт эса, ҳамиша алоҳида одам, унинг туйғулари, орзу-ўйлари билан шуғулланишга уринади. Ҳаётни боридай ёки кўпчилик томонидан қабул қилинганидай эмас, балки ижодкорга кўринганидай тасвирлаш ойини қийинчилик билан бўлса-да, қарор топиб бормоқда. Бу ҳол модерн адабиётни юзага келтирди. Ўз истеъмолчиси – реципиентига эга ҳар қандай бадиий товар яшашга ҳақлидир. Ва ҳеч ким бирор кишини истеъмолчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳақли эмас. Дидга ўтказилган зуғум эркка ўтказилган зуғумдан ҳам азоблироқдир. Мана шу ҳақиқатни тан олиш яратилаётган ўзига хос бадиий асарларни англашнинг азобли йўлини бир қадар қисқартиради.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ

Корпоратив менежментни шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари

Ривожланган мамлакатлар корпоратив менежмент йўналишлари ўзаро фарқланади. Шунинг учун соҳага оид илмий қарашлар ҳам турли-тумандир.

Масалан, Буюк Британия ва АҚШда оддий корпорациянинг мулкдорлари кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири унчалик катта бўлмаган корпоратив капитал улушга эга. Шунга кўра корпорациянинг бирорта ҳам акциядори ёки акциядорлар гуруҳи ҳеч қайси масалада алоҳида ҳуқуқ ҳамда устун мавқега эга эмас.

Германия, Франция, Италия, Япония, Корея, Швеция, Швейцария ва бошқа мамлакатлар эса акциядорлик мулки юқори даражада жамланганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун, булардаги корпоратив бошқарувнинг роли, акциядорлик капитали тарқоқ мамлакатлардагидан фарқланади. Корпорация акцияларининг 25, 50 ва ундан кўп фоизи бир мулкдорга тегишли бўлган ҳолларда акциядорларнинг компания бошқарувида иштироки билан боғлиқ муаммо келиб чиқмайди. Йирик акциядорларда корпорация фаолияти билан бевосита шуғулланиш, зарурат туғилганда, бошқарувни эгаллаш учун етарли асослар мавжуд. Бундан ташқари, мулк юқори даражада жамланган шароитда бир компания акцияларининг кўпгина қисми бошқа компанияга тегишли бўлиши билан боғлиқ масала ҳам юзага келади. Натижада, биргаликда «қарама-қарши» эгалик қилиш принципига бўйсунадиган интеркорпоратив холдинг тузилмалар пайдо бўлади. Бундай тузилмалар Германияда кенг тарқалган.

Одатда, интеркорпоратив тузилмалар соф молиявий манфаатлар доирасидан чиқиб кетадиган ўзаро амалий муносабатларни тақозо этади. Бунда назоратнинг максимал ҳажми «ички» (инглизча «inside») эгалик қилувчилар қўлида қолади. Шунинг учун бу каби тизимлар кўпинча «инсайдерлар тизими » дейилади.

Корпоратив бошқарув тизимлари молиявий ташкилотларнинг корпорация фаолиятига таъсири билан ҳам фарқланади. Буюк Британия ва АҚШда акциядорлик капиталига институционал эгалик функцияси одатда пенсия ва ўзаро ёрдам фондлари каби молиявий тузилмаларига бириктирилади. Германияда эса корпорациялар фаолияти назоратида банклар алоҳида ўрин тутади. Бунинг икки сабаби бор: биринчидан, банклар корпорация мулкининг эгалари бўладилар; иккинчидан, улар акциядор мулкини сақловчи ва корпорация фаолиятида унинг ишончли вакили бўладилар.

Британиялик инвесторлар банкларнинг корпорация фаолиятидаги иштироки Германиядаги даражада бўлишига тарафдордирлар. Германия инвесторлари эса банклар назорати тобора кучайиб бораётганлигидан ташвишланиб, Буюк Британия ва АҚШнинг бирмунча эркин назорат тизимини ўрганмоқдалар.

Европа ва АҚШ корпорациялари ўртасидаги айнан мана шу фарқлар яқинда Европа компанияларида бўлиб ўтган «Акциядорлар исёни»ни изоҳлайди. Ўз ҳуқуқларини талаб этган акциядорлар томонидан қўйилган асосий айблар махсус шарҳда қуйидагича гуруҳлаштирилди:

— Корпоратив «инцест» — бир-бирларининг акцияларига эгалик қилиш, банк ва саноат капиталининг қўшиб юборилиши, банк вакилларининг компания бошқарувига киритилиши, акциядорлар манфаатлари билан ҳисоблашилмайди;

— Озчиликнинг ҳуқуқларини камситиш — компаниялар қўшилганда майда акциядорлар акциялари назорат пакетини сақловчиларникига нисбатан паст нархларда сотиб олинади;

— Ўзбошимчалик — компаниялар раҳбарлари ворисларни ўз оила аъзолари орасидан тайинлайдилар, фирмани ўз фамилиялари билан номлайдилар ва кўпинча ўз дўстларининг манфаатларини кўзлаб иш тутадилар;

— Ошкораликнинг йўқлиги сабабли корпоратив ҳисоботлар реал ҳолатни акс эттирмайди;

— Ҳуқуқий тенгликнинг йўқлиги — институционал инвесторлар якка акциядорлардан кўпроқ ҳуқуқларга эга — «битта акция — битта овоз» қоидаси амал қилмайди.

Корпоратив бошқарувдаги фарқлар, одатда, инсайдер ва аутсайдерларга қаратилган тизимли тушунчалар ёрдамида умумлаштирилади. Биринчи ҳолатда компания акциялари оз сонли мулкдорларда тўпланганлиги сабабли компания назорати инсайдерларда бўлади. Бундай бошқарув компанияни янада кенгайтириш истиқболига эга. Капитали тарқоқ компаниялар аутсайдерлар тизими доирасида назорат билвосита, яъни капитал бозори, мустақил директорлар, қўшилиб кетиш, банкротлик ва ишонч учун кураш доирасида амалга оширилади. Бундай тизимда ҳатто акциядор бўлмаганлар ҳам иштирок этадилар.

Мавжуд фарқларга қарамай, ҳар иккала тизим ҳам ўзининг яшовчанлигини кўрсатди ва ривожланиш истиқболига эга. Бироқ бу борада мутахассислар орасида бир мунча бошқачароқ фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, Гарвардда дунёдаги 49 мамлакатнинг ҳуқуқий тизимлари самарадорлигини таққослаш натижаларига кўра қуйидаги хулосага келинди: Корпоратив бошқарувнинг миллий модели доирасида инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги мулкни тақсимлаш тизимини шакллантирувчи асосий омил ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқий тизими ривожланган энг бой мамлакатларнинг йирик фирмалари, айниқса, АҚШда кенг миқёсда тақсимланади. Бошқа мамлакатларда эса ҳатто энг йирик фирмалар ҳам назорат қилувчи акциядорларга эга бўлиб, улар орасида кўпчинча давлат ҳам иштирок этади.

Бошқа ҳолларда корпоратив менежментнинг учта — америка, германия ва япон моделлари ажратилиб, уларни бошқариш хусусияти асосан банк тизими билан боғлаб тушунтирилмоқда.

Банк тизимининг америкача модели тижорат ва инвестиция — банк фаолиятини бир-биридан ажратишга асосланади. Бундай ажратишнинг зарурлиги, аҳоли томонидан қўйилган омонатларга нисбатан, қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш орқали фавқулотда таваккалчилик қилиш мумкин эмаслиги билан

изоҳланади. Бундай ажратиш натижасида америкача моделнинг ўзига хос жиҳати бўлган алоҳида ташкилий бирлик — инвестиция банки вужудга келди. Агар аввалларитошкилий бирликлар фаолиятини баҳолаш молиявий фаолият натижаларини яхшилашга, яъни соф фойдани кўпайтиришга йўналтирилган бўлса, ҳозирда «иқтисодий бойликни ўстириш» концепцияси тобора кенг тарқалмоқда. Компаниянинг фаолияти, демак компенсациялаш тизими ҳам, айнан шу кўрсаткичга боғлиқ қилиб қўйилган.

Германия эса банк тизими универсал фаолият кўрсатувчи кредит муассасаларининг устунлиги билан ажралиб туради. Улар учта асосий гуруҳдан иборат:

1) Хусусий банклар;

2) Кооператив кредит муассасалари;

3) Ижтимоий-ҳуқуқий омонат кассалари.

Кредит муассасаларининг юқорида айтиб ўтилган турлари бошқа-бошқа тижорат-сиёсий мақсадларни кўзлашига қарамасдан, қатъий ихтисослашиш мавжуд эмас. Ҳамма кредит муассасалари ўз фаолиятларини корхоналар барқарор фойда олишини таъминлаш мақсадида амалга оширади. Ишончлилик, фойдалилик ва ликвидлик банк сиёсатининг «жозибадор учбурчаги»ни ташкил этади.

Универсал банк тизими тарафдорлари унинг америкача тизимга нисбатан афзаллиги диверсификация эффектига асосланган анча юқори даражадаги барқарорлиги, қўйилмаларнинг юқори даражада ишончлилигидан иборат, деб ҳисоблайдилар. Банклар ичида фаолият турлари ажратилмаслиги, айниқса, майда ва ўрта мижозлар билан анча фойдали ҳамкорлик имкониятини беради.

Япон модели «бош банк тизими»га асосланган бўлиб, банкларнинг бошқа компаниялар билан ўта мураккаб шаклдаги алоқаларидан иборатдир. Ушбу тизим Бош банк томонидан бошқарилади. У бошқа компаниялар акцияларининг муайян улушига эгалик қилувчи (бу улуш банк устав фондининг 5 фоизидан ошмайди) ўзига хос холдинг компания бўлади. Бу тизим аъзолар ўртасида узоқ муддатли муносабатлар ўрнатилишига асосланади. Бунинг энг асосий фазилати шуки, банклар бўлажак қарз олувчилар тўғрисида батафсил маълумот олишлари шарт бўлмайди. Бундай маълумот Бош банкда бўлади, қолган банклар эса унга қараб иш юритади.

Ҳозирги вақтда ривожланиб бораётган яна бир йўналиш корпоратив менежментни такомиллаштириш юзасидан халқаро кўламда мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўришдан иборатдир. Аввалambor, ушбу иш Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилотига (ИҲТТ) аъзо мамлакатларда олиб борилмоқда.

ИҲТТнинг корпоратив бошқариш принциплари Кенгашнинг 1999 йил май ойидаги мажлисида тасдиқланган. Ушбу принциплар асосан акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, корпоратив бошқарувда манфаатдор шахсларнинг ролига, корпоратив бошқарув объекти фаолиятининг ошкоралигига ва раҳбарият мажбуриятларига, шу жумладан, компания эгалари билан олий менежмент муносабатларини ташкил этишга тааллуқлидир. ИҲТТнинг корпоратив бошқарув принциплари қуйидагиларни қамраб олган:

1. Акциядорларнинг ҳуқуқлари.

2. Акциядорларга тенг муносабатда бўлиш.

3. Корпорацияни бошқаришда манфаатдорларнинг роли.

4. Ахборотни очиш ва унинг ошкоралиги.

5. Бошқарув мажбуриятлари.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат органлари ва амалиётчи ишбилармонлар ИҲТТ принципларидан яхши фойдаланган ҳолда «корпоратив бошқарувнинг тегишли режими» унсурларини ишлаб чиқиш ва корпоратив бошқарувнинг иккита асосий моделини бир-бирига яқинлаштириш мақсадида куч-ғайратларини ривожлантира бошладилар. Кўрилган чоратадбирлар натижасида корпоратив бошқарувни ташкил этишга турлича ёндошув тарафдорлари ўртасида корпоратив бошқарувнинг қандай моделидан фойдаланилаётганлигидан қатъи назар, унда қуйидаги унсурлар мавжуд бўлиши кераклиги тўғрисида келишиб олинди:

— компания мулкининг структураси ва компанияни ташкил этишнинг очиқлиги;

— акциядорларнинг компанияни бошқаришда иштирок этишини йўлга қўйиш;

— акциялар назорат пакетига эга бўлмаган акциядорларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш;

— компания фаолияти тўғрисида юқори сифатли ахборот билан таъминлаш.

ИҲТТ ҳаракатларининг натижалари халқаро кўламда кенг қўллаб-қувватланди ва кўпчилик мамлакатлар томонидан миллий корпоратив бошқарув моделларини ишлаб чиқиш учун асос қилиб олинди.

Бугунги кунда корпоратив бошқарувнинг аутсайдерлик модели устунлик қилаётган мамлакатларда (аввало АҚШ ва Буюк Британияда) мулкнинг парчаланиши билан боғлиқ муаммони акциядорларнинг бошқарувдаги иштирокини кенгайтириш йўли билан бартараф этишга интилишни кузатиш мумкин.

Инсайдерлик модели амал қиладиган мамлакатларда эса анъанавий бошқарув амалиётини ривожланган фонд бозорларига кириш билан боғлиқ тан олинган муҳим иқтисодий йўналишларни жорий қилиш йўли билан такомиллаштириш тадбирлари тўлқини кузатилмоқда.

Равшанки, юқорида қайд этилган тамойиллар қобилиятли, бошқарув органлари ва тартибга солувчи меъёрларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ташкилотлар тўғри тузилган корпоратив бошқарув тизимининг шакилланишига ёрдам берадиган қонунчилик ва меъёрий базани яратиш учун маъсулиятнинг асосий қисмини ўз зиммаларига олган тақдирдагина самарали ва яшовчан бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги тамойиллар мажбурий хусусиятга эга эмас ва миллий қонунчиликка батафсил тавсиялар беришни кўзламайди. Уларнинг вазифаси — мўлжал бўла оладиган бошланғич нуқтани кўрсатиб беришдан иборат. Улар сиёсий раҳбарлар томонидан корпоратив бошқарувнинг ўз мамлакатларидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий шарт-шароитларни акс эттирувчи бошқарув структурани баҳолаш ва ишлаб чиқишда, шунингдек, бозор иштирокчилари томонидан ўзларининг корпоратив бошқарув амалиётини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Хуллас, индустриал ривожланган мамлакатларнинг бошқарув тажрибасини яқиндан ўрганиш, корпоратив менежментнинг турли моделларидаги афзалликларни миллий иқтисодиётга жорий этиш акциядорлик компаниялари фаолияти самарасини янада ошириш имкониятларини бериши мумкин, деб ўйлаймиз.

С.АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДЖҚА қошидаги Олий бизнес мактаби тадқиқотчиси

Ўктамой

“Яшил эди орзуларим...”

Қувалик шоир Шокиржон Ҳакимийнинг ёркин хотирасига бағишлайман.

(муаллиф)

Ҳаким бахши айни навқирон ёшида оёқ-қўли ишламай, ётиб қолди. Бормаган табиби, қилмаган дори-дармони қолмади. У ёшлигидан табобатга қизиқиб, ҳамқишлоқларини қўлидан келганича даволар эди. Ўзига келганда эса, тақдирга тан беришдан бошқа чораси қолмади. Узоқ-яқиндан уни сўраб келганларга қараб, «Ҳар иш бўлса, худодан» деб турди:

Мен қайгуни суймагандим,
Қайгу мени суйди-я.
Яшил эди умидларим,
Тақдир нуқта қўйди-я.
Дардим мени бедаводир
Кўнгил зардобга тўлди.
Келиб туринг ёронларим
Умрим ганимат бўлди.
Шоҳимардон тоғларидан
Сувлар оқар жилдираб.
Ғарибу нотавондирман,
Орзуларим ҳилвирар.
Қалб ларзага тушмасинму
Армон деган нидодан.
Эгам ўзи дард берибди
Ҳар иш бўлса, худодан.
Мен дунёга тўймагандим
Дунё мендан тўйдиму?
Бировларнинг қўлларига
Термултириб қўйдиму?

Баҳор айёми эди. Шоҳимардонда катта сайл бўларкан, деган хушхабар тарқалди.

Бир куни бахши хомуш ўтирган эди, дўстлари бирин-кетин кириб келишди. Саломлашгач:

«Сизсиз бизга сайл татирмиди», деб кўнглини кўтаришди, сўнг катта бир тахта устига кўрпача солиб, бахшини ўтқазиб, сайллаб кетишди. Кўрганлар ҳайрон бўлиб, «Бу киши ким?», «Бу инсон қандай табаррук зотдирки, Сизлар уни елкангизда кўтариб юрибсизлар», дейишарди. Унга жавобан дўстлари ҳазиллашиб:

«Бу киши яхши инсон, яхши инсонни яхши дўстлари бошимизга қўйиб юрибмиз», дейишарди.

Дарвоқе, Ҳаким ака иштирок этган гап-гаштак, йиғинлар жуда файзли ўтарди. У киши бахши эмасми, дўстларининг туриш турмушига, гап-сўзларига қараб, ҳар кимнинг ўзига хос шеър тўқиб ташларди. Бир гапириб, ўн қулдириб, ҳамманинг кўнглига йўл топарди. У асли Лайлакуя деган қишлоқда туғилган бўлиб, дўстлари ҳазиллашиб:

— Лайлакуядан булбул чиқди, — дейишарди.

Ҳаким бахшининг шундай хислати бор эдики, зиёратидан фарзанд кўрмаганлар фарзанд, баъзилар давлат, ҳаста-беморлар эса шифо истаб келишарди. Худонинг қудрати билан у дуо этгач, ҳеч қанча ўтмай, ниятлари ижобат бўлгуси эди.

Бахши бир куни ўғлини олдига чақириб: «Кўчада бир киши қора қўчқор етаклаб келаяпти. Уни ҳаргиз уйга киритманглар, чунки бу туҳфа нопок йўл билан топилган», — деб туриб олди:

Ёмонларга эланиб,
Ер бўлманглар болам-ов.
Нокасу нодонларга
Эл бўлманглар болам-ов.
Нопокдан ҳазар қилинг,
Уйга ҳаром кирмасин.
Ўртаб сўнгги пушаймон,
Багрингизни тилмасин.
Ғанимларга қўл бериб,
Ботманг гуноҳ азимга.
Гар яхшилар учраса,
Чорланг ошга, базмга.
Келаётир қўй етаклаб
Юзи қора ҳийлагар.
Дўстларин сотган, кимдир
Шу туҳфа-ла сийлаган.
Назрини олманг, болам
Ўз бошин ўзи есин.
Оч қолиб ўлмасдурмиз
Ризқимиз худо берсин.

Алқисса, ўғиллари, инилари бахшининг гапига бир ишониб, бир ишонмай кўчага чиқиб, не кўз билан кўрсинларки, бир шопмўйлов, зар чопон кийган кимса қора қўчқор етаклаб келаётир. Уни алдаб-сулдаб орқасига қайтариб

юбормоқчи бўлдилар, лекин у ҳадеганда кўнавермагач, аччиқ ҳақиқатни айтишдан бошқа иложлари қолмади. Ҳалиги «мурид»нинг ранги бир оқариб, бир қорайиб, ҳолсизланиб ўлтириб қолди ва «астағфируллоҳ» деб юборди.

* * *

Ҳакимбахши узоқ вақт онасини кўрмай соғиниб, дуоларини бир олай деб эди. Бахшининг онаси ҳам шол бўлиб, оёқ-қўли ишламас экан. Онаси бошқа хонада, бахши бошқа хонада ёнма-ён яшашар, ораларида биргина девор бор эди, холос. Бироқ чорасизлик қурсин, ҳафталаб, ойлаб бир-бирларини кўришмас эди. Ўғил ётиб қолгач, асли соғлом онаизор: «Паҳлавондай ўғлим тўшакка михланиб ётади-ю, кўзини куйдириб, гурсиллатиб мен ер босиб юраманми?» — деб ётиб олди. Шу-шу соғ оёқлар шишиб, умуман ишламай қолади. Сўраганларга шундай дерди:

Юрагимга ин қурди алам,
Фавворалар кўзларда жолам,
Кун кўрмаса ер босиб болам,
Ул босмаган ерни босмайман.
Ёстигим тиғ бўлиб ботодур,
Қучоғимда армон ётодур,
Тириклигим энди хатодур,
Ўғлим босмас ерни босмайман.
Алпомиш сумбатим девдим,
Туя мудрар — келбатим девдим,
Суянганим — давлатим девдим,
Болам босмас ерни босмайман.
Юпатмагил беқарор шамол,
Энди келар орзу ҳам малол,
Ўғлим мунгли кўзида бир ҳол,
Ул босмаган ерни босмайман.
Нола қилгум шомдан тонггача,
Шаъмим ўчар бўлса бир кеча,
Боролмаса қабристонгача,
Болам босмас ерни босмайман.
Қандай чидаб турибсан дунё,
Ёмонларни суюбсан дунё,
Суйгандан дард бердингми худо,
Ўғлим босмас ерни босмайман.

Ўғли дардида куя-куя, онаизор тез орада оламдан ўтди.

Жанозага бутун қишлоқ кўчиб келди. Барча эркаклар тобут кўтариб қабристон томон йўл олдилар. Биргина эркак — Қодир бахшигина уйда қолиб, зор-зор йиғлади.

Тирик бўла туриб, онасини сўнгги йўлга кузата олмагани учун ўзини сира-сира кечира олмас эди. Хотин-халажларга қараб кўзини ёшлаб, кўнглини ғашлаб фарёд солаверди.

«Сиз билан шоҳонаман,
Бошимда тождорим онам».
Бутун эди бағрим сен билан
Дилкаш йўғу борим онам.
Не азобда боқдинг мени
Бардошларинг гуллади.
Бир кунингга ярамаган
Болагинанг шулмиди.
Ўғил бўлиб нима қилдим?
Ўлтирибман мўлтираб.
Юрагимда тошар армон
Кетар энди ўлтириб.
Аччиқ-аччиқ бўзлайдурман
Мадорим йўқ жавдираб.
Бемаврид бу ўлимлардан
Жон-жаҳоним қовжирар.
Мен талтайиб ўтирибман
Бегоналар тобуткаш.
Бу исноддан ўлсам эди
Дунё бунча бағринг тош.
Ўғил бўлиб нима қилдим?
Ит боқсанг бўлмасмиди?
Чопиб борса қабринггача?
Тузингни оқлармиди?
Армонинг қолмасмиди?
Чорасизман, қақшайдурман
Танамда жон қолмади,
Сўнгги йўлга кузатишга
Тирик туриб бормадим.

Шу воқеа бахши юрагида улкан армон бўлиб қолди.

Йилларни қувалаб йиллар кетди. Чорасиз дард жондан ўтди. Бахши ўлимига мингдан-минг рози бўлиб, яратгандан қазосини ёлбориб сўради.

Тез кунда бахши тилаги ижобат бўлди.



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Алҳамдуллилаҳ, вассалот вассалом ала росулиллаҳ. Амма баъд: Яратган Тангрининг марҳамати ва инояти ила улуғ мужтаҳид, беназир аллома ҳаётидан мухтасар ҳикоя айтмоққа жазм этмоқдамиз. Оллоҳ адаштирмасин. Ушбу турли китоблардан ўқиб билганларимиз ва муҳтарам уламоларимиздан эшитганларимиз асосидадур. Аслини билгувчи эса ёлғиз Оллоҳдир.

Ислом дини Туронзаминга мелоднинг 650, ҳижрийнинг ўттизинчи рода таваллуд топганлари хусусида олимлар иттифоқ қилмишлар.

Ривоят қилурларки, Муҳаммад ал-Бухорий гўдаклик чоғлари кўзлари кўрмай қолур. Шунда оналари тушларида Иброҳим Ҳалиуллоҳ алайҳисалломни кўрибдиларким, у зот: «Эй аёл! Кўпдуо туфайли Оллоҳ ўғлингнинг кўзларини қайтариб берди», демишлар. Гўдак уйқудан уйғонгач, Тангрининг қудрати ила кўра бошлайди. Ислом илми равнақи учун сарф этилмоғи мақсадида бу

ларини баён қилиб дерларки, Бухорий дарс тинглашда тенгдошларидан ажралиб турар эканлар. Муаллимнинг дарсларини бир неча кунлаб ёзмас эканлар. Шунда сабоқдошлари: «Бу нима қилганинг, нега ёзмайсан?» — деб танбеҳ берибдилар. Бухорий жаноблари эса кулимсираган ҳолларида «Қани, ёзганларингни кўрсатингларчи», — дебдилар-да, дарсда эшитганларини ёддан ўқий бошлабдилар. Шу аснода ўн беш мингдан кўпроқ ҳадис

Тоҳир МАЛИК

Оғзингиз денгиз

йилларида ҳалифа Усмон ибн Аффон даврларида етиб келгани тариҳдан маълумдир. Кейинроқ, яъни ҳижрий биринчи асрнинг ўрталарида саркарда Саид ибн Усмон Жайҳундан ўтиб, Бухоро, Самарқанд, Насаф, Тирмизни фатх этмишдир. Сўнгроқ Уммавийлар ҳалифаси Абдумалик ибн Марвон саркарда Қутайба ибн Муслим бош лашкарни юборди. Қутайба ҳарб ишларини ниҳоясига етказгач, бу заминда лашкар қаторинда уламоларни ҳам қолдириб қайтди. Ислом дини дунёнинг бошқа ўлкаларига етиб борган бўлса-да, Оллоҳнинг марҳамати ила оламни ўзига қаратмиш уламолар айнан туронзаминда туғилдилар. Шулардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Абу Ҳасан Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғийра бин Аҳнаф Яздабиҳ ал-Бухорий ҳазратларидурлар.

Замондошлари бу зоти бабаракотнинг илмларини соҳили йўқ бир денгиз мисоли билиб, шараф тожига муносиб кўриб эдилар. Бу алломанинг мўътабар номлари ислом илми осмонида ёруғ юлдуз бўлиб чақнай бошлаганидан бери йилларнинг аёвсиз шамоли неча-неча номларни унут сахросида қолдирди. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмол ал-Бухорийнинг мўътабар номлари эса тарихнинг муборак саҳифасига ўчмас бўлиб зарб этилмишдир, валлоҳи аълам.

Муҳаммад ибн Исмоилнинг ҳижрий 194 йили шаввол ойининг ўн учи, жумъа намозидан сўнгра Бухо-

кўзларга нур қайтарилган бўлса, не ажаб?

Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло гўдакка ўткир зеҳн, ҳадис ёдламоққа илҳом берди. Ал-Бухорий ҳазратлари ўн ёшларидаёқ кўпҳадисларни ёд олиб уламолар суҳбатларида иштирок этмоққа ҳам жазм этдиларким, мактабдан чиқиб, Доҳилий ва бошқаларга ҳилоф қила бошлаганлари хусусида ривоятлар мавжуддир. Бир куни Доҳилий ҳадис ўқиб бераётиб: «Суфён Абу аз-Зубайрдан, Абу аз-Зубайр эса Иброҳимдан ривоят қиладур», дедилар. Шунда Муҳаммад ибн Исмоил «Тақсир, Абу аз-Зубайр Иброҳимдан ривоят қилмаганлар. Агар сизда асли бўлса, бир мурожаат қилиб кўрурсизми?» — дейдилар. Шунда Доҳилий китоб кўриб, айтганларини ўнглайдиларда: «Тўғри танбеҳ берибсан, бўтам», — деб ўн бир ёшли ал-Бухорийни алқайдилар.

Бўлажак алломанинг оталари Исмоил ибн Иброҳим замонанинг зукко ва тақводор уламоларидан бири бўлганлари маълумдир. Ҳаммад ибн Зайд имом Моликдан таҳсил олган бу тақво эгасининг «Менинг молимга ҳаром ёки шубҳали бирон дирҳамнинг аралашганини билмайман», деганлари маълумдир. Оталарининг қазолари эрта келиб, бўлажак алломага тарбияни оналари бериб эдилар.

Ал-Бухорийнинг котиблари Муҳаммад ибн Абий Ҳотам ибн Исмоил ва яна бир одамдан эшитганўқибдиларки, сабоқдошлари ёзганларидаги хатоларини ҳам тузатиб олибдилар.

Ёшлари тўққизга етганида Оллоҳ у зотга Қуръони Каримни тўла ёд олиш неъматини берди. Ўн олти ёшга тўлгунларига қадар эса ибн ал-Муборак ва Вақьининг китобларини, шунинг баробарида яна минглаб ҳадисларни ёд олганлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Вақтики етиб, Оллоҳ таборак ва таоло улуғ ибодатга чорлагач, оналари ва акалари ҳамроҳлигида Маккаи Мукаррамага, ҳаж сафарига йўналмишлар. Тоғу тошлар, чўлу биёбонлар, саҳро машаққатлари оша сафарга отланган ҳожилар учун йўл азоблари ҳам Оллоҳнинг бир мукофоти эрурким, улар талбия айтганлари ҳолда улуғ ибодатга ошикдилар. Маккаи Мукаррамага интилаётган бўлажак алломани фақат ибодат эмас, тенгсиз илм хазинаси ҳам ўзига чорлаётганини билганмиди экан? Оллоҳнинг чақириғига кўзларда ёш билан «лаббайка!» деб хитоб қилиб бораётган бу йигитча она шаҳрига қарийб қирқ йилдан сўнг қайтмоғини ўйлаб кўрдими экан?..Ёинки ҳар бир банданинг умр йўлида учрағувчи икки оёқли одам қиёфасидаги кузғуну газзандаларнинг унга ҳам даф қилмоғи мумкинлигини ҳис қилдими экан?

Умрнинг азобли ва айни чоғда синовли сўқмоқларидан ўтган аллома шараф чўққисини забт эта олдилар, машоаллоҳ!

Ҳаж ибодати ниҳоясига етгач, алломанинг акалари ва муҳтарам оналари Бухорога қайтмоқни ихтиёр этдилар. Муҳаммад ибн Исмоил эса илм олмоқ истагида Маккаи мукаррамада қолдилар. Ўша дамларда бу мукаррам шаҳар эътиборли илмий марказлардан бири саналмиш эди. Зам-зам булоғининг илоҳий суви вужуд чанқоғини босгани баробарида олимлардан олинмиш сабоқ руҳ чанқоғи, илму маърифатга бўлмиш ташналиқни қондирди. Аллома Маккаи мукаррамада устоз Абдуллоҳ ибн Язид ал-Муқрийдан илм олмоқлари билан биргаликда Мадинаи мунаввара ҳам тез-тез бориб турдилар. Мазкур икки ҳарамда ўзларининг айрим асарларини битдиларким, бўлажак саҳиҳ тўпламга, яъниким, ишонарли ҳадислар китобига асос ҳам яратдилар. «Китобу асмои саҳоба» ҳамда «Тарих ул-кабир» шулар жумласидандир. Китоб битилмиш онларида аллома Мадинаи мунаввара да, пайғамбар алайҳиссаломнинг қабрлари ёнларида эдилар. Ойдин тунлари ёзар эдилар. Тарихда у зот билмаган номлар оз эди. Лекин китобнинг узайиб кетмоғини хуш кўрмай мухтасарлик ихтиёр этдилар.

Ривоятларга кўра, Яҳё ибн Муъийн дебдиларким: «Тўрт тоифа кишидан яхшилик кутиб бўлмас. Ҳадис излаб, сафар қилмасдан уйида ўтириб олган киши ўшаларнинг биридир» Шунга кўра Ал-Бухорийдан аввал ва сўнг ўтган муҳаддислар бирон бир ҳадиснинг ишончли ёки ишончсиз эканини аниқламоқ мақсадида узоқ-узоқларга сафарларга отланганлар. Сафарлари чоғида тўқсон мингдан зиёд кишилар суҳбатида бўлган эканлар. Бағдод, Басра, Куфа, Миср, Шом, Хуросон, Ҳижоз... Имом Бухорийнинг муборак қадамлари етмаган шаҳарлар оз эди. Бу юртларга, бу шаҳарларга ҳазрат ҳадис ёзиб олмоқ ва ҳадис айтмоқ нияти билан таширф буюрар эдилар. У зот олти юз минг ҳадис тўплаганлари ҳолда саҳиҳ ҳисобланмиш ҳадисларнинг юз мингтасини, заиф ҳисобланмиш «ғайри саҳиҳ» ҳадисларнинг икки юз мингтасини ёд олибдилар. Марҳаба ибн Ражаънинг «Имом Бухорий Оллоҳнинг ерда юрувчи мўъжизаси эди», — деб таърифлашлари бежиз эмас эди.

Муҳаммад инб Исмоил ҳазратларининг муборак қадамлари қайси шаҳарга етмасин, алломани беадад иззат билан кутиб олишар эди. Одамлар у зотдан ҳадис эшитмоққа иштиёқманд эдилар. Ал-Фирабий айтиб эканлар-ки, «Бир куни Бухорийни туш кўрдим. У киши Расулуллоҳнинг орқаларидан юрар эдилар. Бухорий Расуллоҳнинг оёқ изларига оёқларини қўяр эдилар». Мазкур тушнинг таъбирида ажиб ҳикматлар кўринадир.

Ал-Бухорий ҳазратларига нисбатан айтилмиш мақтовларнинг ўзи бир олам. Бу олқишларнинг асрлар оралаб бизларга қадар етиб келганлиги нақадар ҳақ равишда айтилганига далолатдир. Муҳаддислардан бири саналмиш Муслим устозлари ал-Бухорий ҳузурларига киришда «Эй устозларнинг устози! Эй муҳаддисларнинг ҳожаси! Эй ҳадисларнинг иллатини даволовчи табиби! Ижозат берсангиз, оёғингизни ҳам ўпсам» — дер эканлар. Муҳаддислар ҳожаси, олимларнинг саййиди — йўлбошчиси, яна — ҳадислар иллатини даволовчи табиб... Табиб хусусинда сўз кетганда ҳазрати Бухорийнинг айтганларини ёдлаш жоиз бўлур. У зотдан сўрадиларким: «Нечун муҳаддисликка қўл урдингиз?» Жавоб қилубдиларким: «Бир куни Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам)ни туш кўрдим. Қўлимда елпиғич ила у мўътабар зотни елпир эмишман. Мазкурни айрим таъбирчиларга айтиб эдим, дедиларки: «Сен Расулуллоҳдан ёлғонларни елпиб турарсан». Муҳаддислик тарихидан бехабар биродаримиз демоғи мумкинким: «Наҳот пайғамбаримиз сўзларида ёлғони бўлса?»

Гап шундаким, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шарафли ҳадислари ўзлари ҳаёт эканликларида ҳали қоғозга туширилмаган эди. Бунга сабаб шулким, нозил бўлиб турилган ояти каримларга бу ҳадислар аралашиб кетмасин, деган эҳтиётда бўлгандирлар. Муҳтарам саҳобалар, сўнг эса тобеинлар муборак ҳадисларни ёд олиб соф сақлаш ва халққа етказмоққа интилгандирлар. «Сўз», «ҳикоя» маъноларини англатувчи «ҳадис» фақатгина пайғамбар алайҳисалломга, у зотнинг ҳаракатлари, амалларига хосдир. Шарафли ҳадисларнинг софлиги ислом олами учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Саҳобаи киромларнинг боқий дунёга риҳлат қилмоқликлари бошланғач, ҳадисларни тўплаб, китоб ҳолида тартиб бермоқлик эҳтиёжи туғилди. Бу қутлуғ ва масъулиятли вазифа дастлаб тобеинларга насиб этди. Саҳобалар — Аллоҳнинг расулини кўрмоқ, сафида бўлмоқ шарафига етган зотлардир. Тобеинлар эса саҳобаларни кўриш, ҳикояларини эшитиш саодати насиб бўлган, улардан Пайғамбаримиз алайҳисалломнинг суннатларини тўлалигича, соф ҳолида қабул қилиб олишга эришган бахтли мусулмон авлодлари ҳисобланурлар. Саодат асри ҳисобланмиш биринчи ҳижрий асрнинг адоғида ҳалифа Умар ибн Абдулазиз таклифи ила Ибн Шиҳоб аз-Зуҳрий бу таклифни биринчилардан бўлиб амалга оширдиларким, бу ҳаракатни ҳадис китобларини ёзмоқликнинг дебочаси демоқлик ҳам мумкиндир. Эҳтимол, дастлабки қадамлар бўлгани учундир, уламоларнинг баҳоларига қараганда, бу китоб ва ундан кейинги ҳадис тўпламлари муайян тартибга солинмаган, бобларга ажратилмаганлиги баробарида Пайғамбаримиз алайҳисаллом ҳадислари саҳобалар ва тобеинларнинг фатволари билан бир оз чалкаштириб юборилмиш экан. Сўнгроқ Маккада Абу Муҳаммад Абдул Малик ибн Абдулазиз ибн Журайж, Яманда Маъмар ибн Рашид, Шомда ибн Амр аз-Авзоий, Мадинада Молик ибн Анас, Куфада Суфён ас-Саврий, Хуросонда Абдуллоҳ ибн ал-Муборак каби муҳаддислар китоб тартиб этмишлар.

Афсус шуки, вақт ўтиши билан асл, шарафли ҳадислар китоб ҳолида жамланмагани сабабли уларнинг қаторида ишончсиз, яъниким, носаҳиҳ, янада аниқроқ айтилса — сохта ҳадислар ҳам пайдо бўлубдур. Бу нохуш ҳолатнинг неча сабаблари бордурким, муҳтарам уламоларимиз уларни бундай баён қиладурлар: сиёсий ва фиқҳий масалалардаги ихтилофларда ноҳақлик касб қилган фирқалар ёки гуруҳлар ўзларининг гўёким тўғри йўлда эканликларини исботлаш мақсадида Қуръонни ботил таъвил қилишга ва ўзлари тўқиб чиқарган гапларни «ҳадис» деб даъво қилишга уриндилар. Сохта ҳадис тўқимоқликда Рофиза мазҳаби тенгсиз бўлганлигига тарих гувоҳдир. Маълумки, Ислом динини барча хурсандлик ва шукроналик билан қабул қилмаган. Исломга қарши қора кучлар ҳарбий ва сиёсий қуроллардан ташқари динни қувватсизлантириш мақсадида ёлғон ҳадислар тўқиб тарқатиш билан ҳам машғул бўлганлар. Динга хизмат қилиш ис-

таги кучли бўлмиш айрим кимсалар баъзи масалаларда илмсизликларини яшириш учунми ўзларича ҳадис тўқишдан ҳам қайтмадилар. Айримлар эса фақатгина ўзининг имомини кўриб, бошқа ҳақиқатлардан кўз юмиб, ўзгалар йўлини ёмонлаш учун ҳам ҳадис тўқиб юборавермишлар. Шуларнинг баробарида амир ва ҳокимларга хушомадгўйлик оқибатида ҳам ҳадис тўқиш одатлари учрамишдир. Юқорида зикр этилмиш «ёлғон» атамаси мана шуларга ҳосдир. Таъбир жоиз бўлса, мазкурдаги «табиблик» ҳам шу ёлғонларни истеъмолдан чиқариб ташлашга қаратилгандир. Ислом оламининг поклиги учун ғоят муҳим саналмиш бу тадбирни амалга оширишда оммадан муҳаддислар, хоссатан ал-Бухорий ҳазратлари «иймон — сўз ва амалдир» деган зотларнинг ривоятларигагина асосланмишлар. Улуғ алломанинг «Муҳаддис то ўзидан юқоридагилардан, ўзи кабилардан ва ўзидан қуйидагилардан ёзиб олмагунига қадар комил бўла олмас», деб ҳисоблаганлари маълумдир.

Ҳижрийнинг биринчи юз йиллигига Исломнинг «саодат асри», деб таъриф берилса, учинчи юз йиллигини «ҳадис илмининг олтин даври», деб атамоқлик жоизмикин. Бу даврда ҳадис таълиф этиш соҳасида «муснад», «саҳиҳ» ҳамда «сунан» деб аталгувчи йўналишлар юзага келди. «Муснад» йўналишда биз Абдуллоҳ ибн Мусо, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳазратларининг меҳнатлари ила тартибга келтирилмиш ҳадис китобларини кўрамизки, уларда ҳадислар мавзуларга ажратилмай, ҳадис ривоят қилмиш саҳобаи киромларнинг ислом динини қабул қилган вақтларига кўра олдинма кейин жойлаштирилаверилган. Яъниким, жаннатий ҳисобланмиш ўн саҳобалар ривоят қилмиш ҳадислар аввал келтирилган. Сўнг Бадр жангида, сўнг Худайбийя жангида қатнашган саҳобалар, сўнг Макка фатҳ этилгач исломга кирганлар, сўнг энг кичик саҳобалар ва ниҳоят ровия аёлларнинг номлари берилгандир. Ёки исмлардаги алифбо қоидасига хос равишда берилган. «Саҳиҳ» деб номланиш йўналишга улуғимиз имом Бухорий асос солганлар ва китобларига фақат ва фақат ишонарли ҳадисларни жамланганлар. «Сунан» йўналишидаги китобларда эса саҳиҳ ҳадислар қаторида «заиф»ларга ҳам ўрин берилганким, бунларни Абу Довуд, Исо ат-Термизий, ан-Нисоий, ибн Можаларга хоссатан учратамиз.

Ҳадисларни тўплаш бир машаққат бўлса, уларни саралаш, қай бири ишончли-ю, қай бири заиф эканини белгилаш беқиёс масъулиятга йўғрилган заҳмат эканини биз ожиз бандаларнинг ҳис қилмоғимиз мушкулдир. Шундай эса-да, бир-икки мисолга мурожаат қилмоғимиз ўринли бўлур.

Оллоҳнинг марҳамати ила ўзбек тилида «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» китобининг тўрт жилди таржима этилиб нашр қилинди. Унда изоҳ берилишича, арабча асл нусҳадаги ҳар бир ҳадисда ровийлар (яъни ҳадис айтиб берувчилар)нинг исмлари тўлиқ санаб ўтилгандир, таржимон эса нима сабабдандир уларни саномоқликни маъқул кўрмаган. Тажимада баён қилинурким: «Яҳё инб Саъид ривоят қиладирлар: «Умар ибн ал Хаттоб минбарда турганларида: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бундай деганларини эшитганман» — дедилар: «Дарҳақиқат, барча амаллар ниятга яраша бўлғусидир. Кимки ҳижратдан нияти дунё топмоқ эрса, дунёга эришгувси, кимки ҳижратдан нияти хотин олмоқ эрса, хотинга никоҳлангувсидир. Демак, не ниятда ҳижрат қилганлиғи эътиборга олинғувчидир», Китобнинг аслиятидан, муҳтарам уламоларимизнинг суҳбатидан бебаҳра ўқигувчи мазкур ҳадис икки киши орқали етиб келган экан, деб гумон қилуви мумкиндир. Ҳолбуки асл нусҳада дейилмишким: «Бизга ал-Ҳумайдий Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр» ушбу ҳадисни айтди. У Суфёндан эшитган экан. Суфён Яҳё ибн Саъид ал-Ансорийдан эшитган. У Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Таймий менга хабар берди, деган. У эса, Алқама ибн Ваққос ал-Лайсийдан эшитган экан. Ҳазрати Умар ибн Хаттоб Расулуллоҳ соллаллаҳу алайҳи вассалламдан қуйидагини эшитдим, дейди: ...» Кўринардурким, бир ҳадис то муҳаддис қулоғига етуб келгунига қадар олти кишининг гувоҳлиги орқали ўтиб келган. Буни илмда «Иснод» дейилур, яъниким, бу атама «тиргак, манба асоси» мазмунини англатур. (Буни «Санад» ҳам дерларким, «суянчиқ» маъносини берур. Ҳар икки атама «санада» феълидан олингандир ва деярли бир маънони англатур. «Муснад» атамаси ҳам шу кабидур) Ҳазрати Алишер Навоийнинг «Насойим улмуҳаббат» асарларида шундай сатр мавжудким: «Дебтурки, мен уч юз минг ҳадис ёд билурмен юз туман исноди била». Бу ҳолда «иснод» бир-бирига ҳадис айтувчилар маъносида қўлланилгандир.

Уламоларимиз бермиш сабоқларга кўра, ровийларнинг исмлари шунчаки тиргак учун берилмагандир. Ровийнинг исми келтиргунга қадар муҳаддис томонидан унинг ҳаёти йўли, насл-насаби, иймон-эътиқоди даражаси, адолатли экани, зеҳн-идроки каби кўплаб сифатлари ўрганиб чиқилгандан сўнггина унинг гувоҳлигида айтилган ҳадисга ишонмоқ мумкинми ё йўқлиги ҳал этилади. Умри давомида озигина мурувватсизлик кўрсатган, ёхуд бирордарларига нисбатан бепарво бўлган, динда бидъат пайдо бўлишига ҳисса қўшган, ёхуд ҳадис айтиб ҳақ олиб юрганларнинг деганлари қабул этилмаган. Ривоят қилмишларким, бир ҳадиснинг саҳиҳлигини аниқламоқ мақсадида ҳазрати имом Бухорий кўп кунлик машаққатли йўл босиб, бир ровийнинг ҳузурларига боришдилар. Қарасаларки, ровий қочиб юрган отни ушлаш учун гўё этакларида арпа бордай алдаб чорлаётган экан. Ҳазрат имом Бухорий жониворни алдаган одамнинг айтганларига иноний бўлмас, деб изларига қайтган эканлар.

Ривоят қиладиларким, бир замон Самарқандда ҳадис илмининг тўрт юз нафар талабаси бор экан. Улар Бухорийни синаб кўрмоқ, имкон туғилса, чалғитмоқ мақсадида етти кун йиғилиб бир режа тузмишлар. Сўнг муҳаддисни чорлаб, Шомнинг исноди Ироқнинг исноди, Ҳарамнинг исноди Яманнинг исноди алмаштириб, атайин чалкаштириб айта бошлабдурлар. Ал-Бухорий ҳазратларининг барча чалкашликларни ўз жойига қўйиб, ёддан баён қилиб берганларини замон уламолари фахр билан ёд этгандирлар. Аҳмад ибн Адий ал-Ҳофизнинг битикларига кўра, Бағдод шаҳридаги ҳадис асҳоблари юзта ҳадис матнларини ҳам, сандларини ҳам чалкаштириб, аралаштириб ўн кишига бўлиб бермишлар. Сўнг эса муҳаддисни синовга чорлармишлар. Ўн киши айнан чалкаштирилган ҳадисларни айтиб, муҳаддис ҳазратларини саволга тутмишлар. Ал-Бухорий берилмиш ҳар бир саволга «билмайман» деганча туравермиш эканлар. Шунда издиҳом аҳлининг бир қаноти дебдиким: «Бу муҳаддис

чиндан ҳам ҳеч нима билмас». Яна бир қаноти дебдиким: «Кўп нарса билар, ўзин атайин гўлликка солар». Савол оқимлари ниҳоясига етгач, имом Бухорий ҳазратлари дастлабки сўрағувчига қараб дебдиларки: «Сиз биринчи ҳадисни нотўғри айтдингиз. Тўғриси мана бундайдур...» Сўнг қолган тўқсон тўққиз саволга тўқсон тўққиз жавобни бирма бир ўнглаб айтибдурким, мажлис аҳли ул зотнинг фазлини тан олмоқдан ўзга чоралари қолмабдур. Дерларким, хатоларни ўнглаб айтиш ҳофиз учун мураккаб эмас, ажабланарлиси шулким, ал-Бухорий биргина эшитишда барча хатоларни ёдлаб олиб, сўнг ўнглаб бергандирлар.

Имомлар имоми ҳисобланмиш Абу Бакр ибн Ҳузайма гувоҳлик бериб айтурларким: «Бу осмон остида ҳадисни Муҳаммад ибн Исмоилдан кўра билувчироқ киши йўқтур». Ҳофиз ибн Ҳожар ас-Сало демишларким: «Агар кейингиларда Бухорийни мақташ эшиклари очиладурғон эрса, қоғозлар етмай қолур, нафаслар тоқат қилолмай қолур. Зеро у — соҳили йўқ бир денгиз эрур...»

Улуғ алломаларга Тангри таоло иньом этмиш яна бир фазилат мавжудким, бу уларнинг дунё бойликларига бефарқ қарамоқликларидур. Шулар каби ал-Бухорий ҳазратлари ҳам оталаридан қолмиш меросни муҳтожларга улашиб бермиш эканлар. Ўзларининг очлик азобини тотганларини, жисман озғин, ўрта бўй бу зотнинг айрим вақтларда бир неча бодом ёхуд хурмога қаноат қилганлари хусусида ривоятлар битилгандир. Варока ёдламишким: «Бухорий билан ҳамнафас эканимизда бир хонада тунар эдик. У зот бир кечада гоҳи ўн беш-йигирма маротаба ўринларидан турардилар. Ҳар турганларида чақмоқ тошни олиб, ўт ёқиб, уйни ёритардилар ва ҳадисларни ёзар эдилар ва уларга белгилар қўйиб сўнг ёнбошлар эдилар. Мен устозга: «Нечун мени уйғотмай шунча ишни ўзингиз қилдингиз?» десам: «Сен ёшсан, уйқунгни бузишни истамадим», — дер эдилар.

Ишончли ҳадислар тўпламига тартиб бергувчи кимсанинг ўзи орифлик даражасига пок бўлмоғи жоизким, бу фазилат ҳам имом Бухорийда мавжуд эрди. Бухорий демишларким: «Ғийбатнинг ҳаромлигини билганимдин буён ғийбат қилмадим». Ривоят қилурларким, бир пешин намозидан сўнг нафл намозини ўқиб бўлишгач, у зотнинг кўйлакларини кўтариб қарашсаки, баданларининг ўн етти жойини ари чақибди. Шунда «Биринчи чаққанда намозни буза қолсангиз бўлмасми эди?» — деб сўрадилар. Имом дедиларким: «Бир узун сурани ўқиётган эрдимки, уни тамоғига етказмоқни хоҳладим». Яна ривоят қилурларким, имом Бухорийга Абу Хасф юбормиш моллларни келтирдилар. Бир савдогар келиб, молларни беш минг дирҳам фойдасига сўради. Эртасига бошқа бир савдогар ўн минг фойда ваъда берди. Шунда имом Бухорий дедиларким: «Кечаги савдогарга бермоқликни ният қилган эрдим, ниятимга хиёнат қилмасмен».

Имом ал-Бухорий вақтики келса, Исломни ҳимоя қилиш учун ҳарб илмини ҳам мукаммал эгалламиш эканлар. Камонбозликда моҳир эканлар. Айтишларича, ўқлари икки мартагина хато кетган экан. Бир сафар отган ўқлари кўприк понасига санчилиб уни бир оз шикастлабди. Имом бу ҳолни кўриб, уловдан тушибдилар-да, ўқни понадин чиқарибдилар. Сўнг дебдиларким: «Кўприк эгасига борингда айтинг: шикастнинг эвазига пулини олиб, бизларни жиноятдан озод этсинлар. Кўприк эгаси Хумайд ибн ал-Аҳдар бу илтимосни эшитиб дебдики: «Абу Абдуллоҳга салом айтиб, денгким, сиз қилган ишингиздан озод экансиз. Чунки унинг ҳамма мулки сиз учун фидо эркан». Кўприк эгаси даъводан воз кечса-да, ўша куни атрофдан келганларга беш юз ҳадис ўқиб, сўнг эса уч юз дирҳам садақа улашдилар.

Сафарларда ўтган йиллар ўз ҳукмини ўтказиб, умр кузаги яқинлашган кезлари имом ал-Бухорий Ватанга қайтмоқликни ихтиёр этдилар. Қасдалоний айтадиларким, у зоти бабарокотни кутиб олғони Бухородан бир фарсах нарида ҳам қуббалар ўрнатилмиш экан. Бухоро ўз фарзанду аржумандини улуғ эҳтиромлар билан кутиб олгани ҳолда ҳукмдор Ҳолид ибн Аҳмад ғаразгўйлар сўзини олиб, ғайирлик дарвозаларини очмишдир. Муҳаддис ҳадис айтар чоғларида масжидларга одам сиғмай кетар экан. Ривоятларга кўра, йигирма минггача тўпланмиш одам эшатганларини бир-бирларига айтган ҳолда саф охиридагиларга етказар экан. Бундай шону шуҳрат ўзини аллома санаб юрмиш зотларга малол келса, ҳукмдорга кўркув бермиш эдиким, оқибат, ҳар икки томон тил бириктирмишдир. Ҳукмдор муҳаддисга чопар юбормишким: «Амирлар ва аларнинг фарзандларига дарс берғайсен, «Тарих» ва «Жомеъ»дан ўқитғайсен», — деб. Амрга жавобан дейилмишким: «Илмимни кимларнидир қўйиб, кимлагадир бермоқликни истамаймен. Камина илмни хор қилмағай. Китобларни кўтариб саройга бормасмен. Илмга келинади, илм ҳеч қачон бормас. Агар сенинг ва фарзандларингнинг илмга эҳтиёжлари бўлса, масжидимга ёхуд ҳовлимга келиб эшитинглар». Оқибат шу бўлдиким, ғайирлар фитна ясадилар ва шаҳарни тарк этмоқға мажбур этдилар. Улуғ муҳаддис Самарқанд сари йўналиб, Хартанг қишлоғига етганларида фитнанинг ҳануз давом этаётганидан хабар топдилар ва Аллоҳга муножот этиб дебдиларким: «Йа, роббимиз Аллоҳ! Ер шу қадар кенг бўлгани бирлан мен учун торлик қила бошлади. Мени ўзингга олғайсен!»

Имом ал-Бухорий ийд рамазон кечасида, хуфтон намозидан сўнг фоний дунёни тарк этиб, Яратган ҳузурига йўналмишлар. Абдулвоҳид ибн Адҳам ат-Тувовисий айтадиларким: «Мен пайғамбар алайҳис-саломни тушимда кўрдим. У киши билан бирга саҳобалардан бир қанча жамоа бор эди. Расулуллоҳ бировни кутаётгани каби бир тарафга қараб турмиш эдилар. У жанобга салом бердим, алик олдилар. Дедимки: «Йа Расулуллоҳ, кимни кутаяпсиз?» У зот дедиларким: «Муҳаммад ибн Исмоилни кутмоқдамен». Бир неча кундан сўнг ал-Бухорий вафоти хусусинда хабар келдиким, ўйлаб қарасам, тушимда Пайғамбар алайҳисалломни кўрган вақтимда жон таслим қилғон эканлар...» Ривоят қилурларким, имом ҳазратларининг муборак қабрларидан бир неча кунгача мушк ҳиди анқиб турмиш экан. Яна шундай бўлибдики, раият бу қабрдан табаррук сифатида бир сиқимдан тупроқ олмоқни одат этмишларким, қабрнинг очилиб қолмоқлиги хавфи туғилмиш ва шогирдлар туну кун қабрни қўриқлай бошламишлар. Аллома иймони ва илми туфайли жисмоний вафотидан сўнг ҳам яшаб қолди. Унга фитна ясаган ҳукмдор эса ҳалифанинг амри билан юзларига қора суртилиб, сазойи қилинмишдир ва шаҳардан

ҳайдаб чиқарилмишдир. Унинг жасади қузғунларга ем бўлмишдир. Исботким, илм аҳлига қаҳр қилғанлар сира барокат топмағайлар, билакс, аларга Аллоҳ қаҳр қилғай.

Ўн уч куни кам олтмиш икки йил умр кўрган имом ал-Бухорий қалами ила тартиб берилмиш китоблар Қасдалоний таърифича, қуёш етган жойга қадар етиб борди. Дунёнинг ҳамма ерини эгаллади. Унинг фазлини неча асрлардан бери ҳеч бир зот инкор этмади. Имом аз-Захабий демишларким, «Имом Бухорийнинг «Ишонарли тўплами» («Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ») Ислом оламинда Аллоҳнинг китобидан сўнг турғувчи энг улуғ ва афзал китоб эрур. Агарчи бир киши ундан ҳадис эшитмоқ ниятида минг фарсах йўл босиб келгудайин бўлса, машаққатли бўлса, сафари зое кетмас». Юсуф ибн Мусо ал-Марвозий дебдиларким: «Басранинг жомеъсида эдим. Жарчи: «Эй аҳли илм, Бухорий ташриф буюрдилар», — деб жар солди. Эртасига муҳаддису ҳофизлар, фақиҳлару олимлардан бир неча минги жам бўлмишдир. Бухорий дедиларки: «Эй Басра аҳли! Мен бир ёш йигитман. Мендин ҳадис айтмоғимни сўрадингиз. Энди мен сизларга диёрингиз аҳлидин шундай ҳадислар айтаманки, уларни аввал эшитмагандирсизлар». Алломанинг бу имомга чексиз марҳаматларидан яна бири — ўз асрининг барча имомлари у зотнинг фазлини билдилар ва уни улуғладилар. Абу Умар ал-Харсоф демишларким: «Бухорийга ўхшаганин кўрмадим. У зот ҳадис илмини Аҳмаддан ҳам, Исҳоқдан ҳам, улардан бошқалардан ҳам йигирма маротаба кўп билур. Ким у хусусинда йамон гап айтадурғон бўлса, мендин унга минг лаънат! Агар мен бир ҳадис айтаётган вақтимда Бухорий келиб қолсалар, ҳаяжонланиб, қўрқиб кетар эдим...»

Камина мухтасар баённи ниҳоясига етказиб, Набавий ҳазратларининг «Таҳзибут таҳзиб» асарларидаги сатрлар билан ҳатм қилғаймен:

«Баён этганларимиз унинг фазилат ва сифат булоқларидан бир қанча ҳарфлардир (яъниким томчилар), унинг ахлоқу ҳолат дурларидин бир сиқимгина халосдур. Жуда ҳам яққол ва равшан бўлгани учун шуларнигина санаб ўтдим. Аслида унинг фазилатларини санаб, адогига етиб бўлмайдур. Муҳофизасини дейсизми, тушуниш қобилияти дейсизми, илм таҳсилидаги ҳаракатлари дейсизми, зоҳидлигию муҳаққиқлиги дейсизми, пухталигию имконияти дейсизми, орифлигию аҳволу карамотлари дейсизми, қайси жиҳатдан бўлмасин, у зот мақтовга сазовор эдилар... Аллоҳ у кишидан рози бўлгай ва уни рози қилгай. Мен билан уни ва ҳамма асҳобларни ўзининг карам ҳовлисида жамлагай. Ва мендин ва бошқа мусулмонлардин унга комил мукофот ато этгай. Ва ўз фазли билан уни муҳаббатли қилгай. Омийн ва Роб ал-Оламийн!»

Турғунликни ёқтирмайдиган санъат...

Дилора Муродова — Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг аъзоси, санъатшунослик фанлари номзоди, мусиқашунос олима. Унинг илмий-ижодий қизиқишлари асосан Марказий Осиё мусиқали театр тарихи ва назарияси билан боғланган бўлиб, илмий-оммабоп ва ўқув-услубий жанрдаги тадқиқот, мақола, тақриз, маъруза ва телерадио чиқишларида намоён бўлган. Шунингдек, Д.Муродова 20 йилдан зиёд фаолиятини Ўзбекистон давлат консерваториясининг ижтимоий-жамоатчилик, маънавий-тарғибот, педагогик ва раҳбарлик ишларига бағишлаган. У ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясида илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректор лавозимида самарали ишлаб келмоқда.

— Дилора Аҳмедовна, Сиз ҳам бир пайтлар шу консерваторияни битиргансиз. Сиз ўқиган даврдаги талаба билан бугунги талабанинг ўртасида тафовут борми?

— Тўғрисини айтиш керак, биз билимимизни ошириш учун эринмас эдик, тинмай изланардик. Кутубхоналардан китобларни излаб топиб, ўқирдик. Биз бировдан сўраб ўрганишни ор, деб билмасдик.

Бугунги талабаларнинг эса китоб ўқишга унча хоҳишлари йўқ. Кўпроқ амалий билим олиш билан чекланиб қолмоқдалар. Илгарилари эгаллаган соҳа бўйича ўз маҳоратини намоён этишга 5-курсда муяссар бўлинарди. Ҳозир 1-курсданоқ талабага шундай имконият яратиб берилган. Эсимда, III-курсда ўқиётганимда Санкт-Петербургга илмий-назарий конференцияга юборилганим консерваторияда шов-шув бўлиб кетган эди.

— Сиз ҳам у ерда маъруза қилганмидингиз?

— Албатта. Русларга ўзбек мусиқа таълими соҳаси юзасидан сўзлашнинг ўзи бўлмас экан, жуда ҳаяжонландим. Кўвимга ҳар бир қатор икки-учта бўлиб кўринди. Ҳайрият, ўзимни жуда тез қўлга олдим. Бунинг устига назариядан пианинода куй ҳам чалиб бергандим.

— Сизлар ўқиган пайтда талабалар сони ҳозирга нисбатан анча кам бўлгандир-а?

— Йўқ, аксинча. Бугунги кунда олийгоҳимизда мингга яқин талаба таҳсил олаётган бўлса, у пайтларда бунга нисбатан икки баробар кўп бўлган. Чунки ўша даврда қизлар турмушга чиқса, ўқишдан қолиб кетарди. Баъзан талабаларнинг овози очилмай қолса ҳам, бошқа институтларга ўтиб кетишарди. Бунинг устига йигитлар ҳарбийга борар эдилар. Борди-ю, хизматдан овозлари шамоллаб қайтсалар, касбларини ўзгартиришга мажбур бўлардилар.

— Мусиқа тарихига оид қандай илмий мақолалар ёзгансиз?

— Ёшлигимдан мусиқали театрга қизиқишим бор эди. Ўлкамиз мусиқа санъати ва маданияти, Ўзбекистон композиторлик ижодиёти, ўзбек мусиқали театри тарихи каби долзарб мавзуларда ўнлаб мақолалар ёздим. Жумладан, «Опера ва мусиқали драма: жанрлар муносабати муаммолари кесимидир», «Ўрта Осиё ва Қозоғистон композиторлари ижодида афсонавий — романтик эртак мавзусидаги опералар», «Санъаткор сири», «Мусиқий-саҳнавий асарларни ўқув юртларида ўрганиш масалалари» каби илмий-оммабоп мақолаларим матбуотда чоп этилган.

— Консерваторияга «адашиб» кириб қолган талаба ўқиб кета оладими?

— Тўғри, бошқа олий ўқув юртларида талабада хоҳиш бўлса, ҳаракат-ғайрат қилса, дарсларни ўзлаштириб кетади. Бироқ бизда Худо берган истеъдод бўлмаса, ўқиш қийин. Чунки биринчи қўйиладиган талабимиз — саҳна ижрочилиги. Талаба 1-курсдан бошлаб, ҳар семестрда саҳнада тайёрланган дастурни ижро этиши, турли тадбирларда чиқиши керак. Бундан ташқари, синф концертлари бор. Кўриб турибсизки, истеъдодсиз талаба бундай шартларни эплай олмайди. Истеъдодли, деб топилган талабалар ўқишга кирган куниданоқ аниқланиб, кафедралар қарори билан улар учун алоҳида дастур тузиб, тайёргарлик жараёни бошланади. Сўнг уларни республикамизда ўтадиган турли танлов, кўрикларга тавсия этамиз.

— Консерваториянинг санъат, маданият соҳасидаги бошқа олий ўқув юртларидан фарқли томони нимада?

— Сифат томонида! Чунки бизда санъат, хусусан, мусиқа сирлари ипидан игнасигача ўргатилади. Жаҳон, ўзбек, Шарқ халқлари мусиқа тарихи, тамойиллари маърузалардан ташқари устоз сабоқлари шаклида ҳам ўтилади. Бу талабанинг тезроқ касбий йўналишини топишига ёрдам беради. Ўқитиш тизими жаҳон андозаларига кўра тузилган ва эътироф этилган. Булардан ташқари тан олиш керак, консерваториянинг биноси мамлакатимизнинг ҳеч ерида йўқ.

Ўқув хоналари замонавий анжомлар билан жиҳозланган, ижрочилик фаолиятини олиб бориш учун янги техникалар етарли.

— Ушбу ўқув юрти битирувчилари қандай муассасаларда ишлай олади?

— Мусиқий, санъат коллежлари ва академик лицейларда ишлаши мумкин. Бундан ташқари, болалар боғчаларида мусиқа таълими мутахассислиги бўйича дарс бера олишади. Бизда 1-курсдан бошлаб талабалар амалиёт ўташ учун боғчаларга юборилади. Ўйлайманки, болаларимиз ҳаётига мусиқани имкон қадар эртароқ киритишимиз, уларнинг тинглаш қобилиятини ўстиришимиз керак. Санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари битирувчилари, албатта, ижодий фаолият билан шуғулланишлари керак. Акс ҳолда истеъдодлари, кўникмаларида «тўхташ» юз беради. Зеро, санъат турғунликни «ёқтирмайди» — у доим ҳаракатда, ривожланишда бўлмоғи лозим. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчи эдимки, меҳнат фаолиятим давомида 200 дан ортиқ истеъдодли, иқтидорли шогирдларга устозлик қилдим.

— Режаларингиз?

— «Ўзбек мусиқали театри: тараққиёт йўллари ва жанрлар типологияси» мавзусида докторлик иши қилмоқчиман. Нутқ маданиятига оид дарсликлар яратиш тараддудидаман. Санъатга, концертларга одамларни жалб этиш учун, албатта, сўз билан тарғиб этиш лозим. Бунинг учун эса инсонда нутқ маданияти ниҳоятда ривожланган бўлмоғи керак.

Матлуба САФАРОВА суҳбатлашди

МУАММОНОМА

10	7	9	3	-
4	13	6	8	-

6	13	0	13	4	12	-	
5	11	6	0	1	2	11	.

1. Ал-Беруний асари.
2. Қадимги юнон олими.
3. Гиёҳ аъзоси. 4. “Фотима ва Зуҳра” романи муаллифи.
5. Миллий цирк мосламаси. 6. Ижод тури. 7. Сersoя дарахт.
8. Мўғулистон-дарёси. 9. Хонликдаги мансаб. 10. Талофот.
11. ”Девони ҳикмат” муаллифи.12.Кўшин.13.Фармон.
14. Насрий асар. 15. Ўзбек халқ достони. 16. Фойда.
17. Теннис ўйини киссми. 18. Нигер пойтахти.
19. Самолёт маркаси. 20. Металл галтак. 21. Халқ рақс куйи.
22. “Нефтчи”гўлуғари. 23. Мақом.24. Хозирги Насаф шаҳри.
25. “Арарат подшолиги” давлати.
26. Дарё. 27. Мото марка. 28. Ранг.
29. Абдулла Қаҳҳор романи.
30. Алоқа. 31. Ҳамиша. 32. Нота.



Тузувчи: Фозилжон Орипов



Тузувчи: Фозилжон Орипов

Бировнинг ҳақи

ҳажвия

Табиатни муҳофаза қилувчи жамиятнинг раисими, вакилими, ишқилиб, шу идорадан биров айтгани аниқ ёдимда бор. Энг муҳими, эшитганим ўша гапга кўра, биз айни чоғда келажак авлоднинг сувини истеъмол қилаётган эканмиз.

Менинг отам бировнинг ҳақига хиёнат қилган одам эмас. Ҳатто сигирнинг сутини ҳам «бузоқнинг ҳаққи бор», деб ичмас эдилар. Ўзингиз ўйланг, шундай одамнинг фарзанди юқоридаги гапларни эшитиб жим туриши мумкинми? Албатта, йўқ. Уйда сувдан фойдаланишни таъқиқладим. Юз-қўлимизни ювиш учун ҳар куни беш «бакалашка» минерал сув сотиб олаяпмиз. Ванна қабул қилишни эса оиламизнинг ҳар бир аъзоси учун ойига бир мартадан жорий этдим. Унда ҳам, табиийки, минерал сувдан фойдаланамиз. Айни вақтда тежамкорликка катта эътибор қаратганмиз. Бир ваннадан ҳаммамиз фойдаланаяпмиз. Кир ювишда ҳам минерал сув ишлатаяпмиз. Ушбу тажрибани бошқалар ҳам қўллашса, зўр бўларди-да. Ҳар қалай, келажак авлод ҳақига хиёнат қилинмасди.

Яқинда қишлоққа борган эдим. Ана у ерда иқтисодни тушунадиганлар яшайди-да. Қишлоққа кириб борганимда, атроф ғира-шира кўзга ташланарди. Биласиз, қишлоқларда кўчада чироқ бўлмайди. Лекин аввалари бизнинг кўчада чироқ бўларди. Чунки хўжалик раиси Мармарқўзи ака ҳам шу кўчада яшарди-да. Энди-чи? У киши аллақачон нафақада, ҳозирги раис бошқа кўчадан...

Уйга борсам, у ерда ҳам чироқ йўқ.

— Нега қоронғуда ўтирибсизлар? — сўрадим уйдагилардан.

— Биз қишлоқлараро электр энергиясини тежаш бўйича мусобақа ўтказаяпмиз, — деди акам. — Бир ойдан бери лампа ёқиб ўтирибмиз.

— Эссиз, билганимда шам олиб келардим, — дедим афсус билан. Ичкарига кирсам, уй совуқ.

— Ҳалиям уйларни иситмаяпсизларми?

— Биз газни тежаш бўйича ҳам мусобақалашаяпмиз, — деди акам яна кулиб.

Уйга кирдик. Дуои-фотиҳа қилиб, сўрашганимиздан сўнг акам:

— Мен ҳозир, — дея ташқарига чиқиб кетди.

— Акам қаёққа кетди? — деб сўрадим онамдан.

— Э, ўғлим, ҳозир сувни ҳам тежашга ўтганмиз. Кранларимизда анчадан буён сув йўқ. Қишлоғимизда битта Бозор буваникида қудуқ бор. Ўша ёқдан чойга сув олиб келгани кетди, — деди онам. Бироздан сўнг акам келди.

— Ака, билсангиз агар, биз келажак авлоднинг сувини истеъмол қилаётган эканмиз. Шу Бозор бува қудуқ қазиб чакки иш қилибди-да, — дедим билағонлик қилиб.

— Э, — деди акам, — калланг ишлайдими, биз қаердан сув ичамиз?!

— Иложи бор, — дедим акамга дадил. — Қишлоқда минерал сув сотишни йўлга қўйиш керак!

Акам тек қотди.

Абдураззоқ ОБРЎЙ

Ҳўроз кўнгли қаримас,
Кўрқдан кундош аримас

* * *

Бир куни Катондан сўрашибди:

— Римда ҳануз сизга ҳайкал қўйишмабди, бу адолатдан эмас-ку, ахир?

— Асло, — дебди Катон. — «Нега фалончига ҳайкал қўйилибди?» деганларидан кўра, «Нега фалончига ҳайкал қўйишмабди» деган гапни эшитиш ёқимлироқ эмасми?

* * *

Ўғри адашиб, камбағалнинг уйига тушиб қолибди. У қоронғуда тимирскиланиб, қўлга илингулик бирор нарса излаётган экан, уй эгаси дебди:

— Овора бўлманг, оғайни! Биз куппа-кундузи тополмаган нарсани сиз қоронғуда тополармидингиз?

* * *

Созанда томошабинларга орқа ўгириб пианино чаларди. Тингловчилардан бири ёнидаги дугонасидан сўради:

— Бу Моцартми?

Шамол бўлмаса агар, дарахт учи силкинмас,
Япроқлар қарсак чалса, эсган шамол ҳеч тинмас

— Ким билади дейсан? Ҳозир бизга юзини бурсин, ўшанда биламиз, — деди у.

* * *

— Қани айт-чи, машина ҳайдашдан имтиҳон топшира олдингми?

— Билмадим, тўқнашувдан сўнг имтиҳон комиссиясининг икки аъзоси касалхонага тушиб қолди.

* * *

Ошиқ йигит ёзган шеърларини севгилисига ҳар учрашганда ўқиб бераркан. Бир куни севгилиси ундан сўраб қолибди:

— Мен бўлмаганимда шеърларингизни кимга ўқиб берар эдингиз?

— Унда бу шеърлар ҳам бўлмас эди, — дебди ошиқ.

Сичқон ўлгиси келса, ўйнашар мушук билан,
Мушук ҳаётдан тўйса, ётга айттирар ўлан...





Рассом Хикмат Жалилов ижодидан намуналар



ERKINJON ROZIMATOV

O`zbekistonda xizmat ko`rsatgan artist

2005

Yanvar / Январь

Du		3	10	17	24	31
Se		4	11	18	25	
Ch		5	12	19	26	
Pa		6	13	20	27	
Ju		7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29	
Ya	2	9	16	23	30	

Fevral / Февраль

Du		7	14	21	28
Se	1	8	15	22	
Ch	2	9	16	23	
Pa	3	10	17	24	
Ju	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

Mart / Март

Du		7	14	21	28
Se	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
Pa	3	10	17	24	31
Ju	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

Aprel / Апрель

Du		4	11	18	25
Se		5	12	19	26
Ch		6	13	20	27
Pa		7	14	21	28
Ju	1	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Ya	3	10	17	24	

May / Май

Du		2	9	16	23	30
Se		3	10	17	24	31
Ch		4	11	18	25	
Pa		5	12	19	26	
Ju		6	13	20	27	
Sh		7	14	21	28	
Ya	1	8	15	22	29	

Iyun / Июнь

Du		6	13	20	27
Se		7	14	21	28
Ch	1	8	15	22	29
Pa	2	9	16	23	30
Ju	3	10	17	24	
Sh	4	11	18	25	
Ya	5	12	19	26	

Iyul / Июль

Du		4	11	18	25
Se		5	12	19	26
Ch		6	13	20	27
Pa		7	14	21	28
Ju	1	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Ya	3	10	17	24	31

Avgust / Август

Du	1	8	15	22	29
Se	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	31
Pa	4	11	18	25	
Ju	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Ya	7	14	21	28	

Sentabr / Сентябрь

Du		5	12	19	26
Se		6	13	20	27
Ch		7	14	21	28
Pa	1	8	15	22	29
Ju	2	9	16	23	30
Sh	3	10	17	24	
Ya	4	11	18	25	

Oktabr / Октябрь

Du		3	10	17	24	31
Se		4	11	18	25	
Ch		5	12	19	26	
Pa		6	13	20	27	
Ju		7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29	
Ya	2	9	16	23	30	

Noyabr / Ноябрь

Du		7	14	21	28
Se	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
Pa	3	10	17	24	
Ju	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

Dekabr / Декабрь

Du		5	12	19	26
Se		6	13	20	27
Ch		7	14	21	28
Pa	1	8	15	22	29
Ju	2	9	16	23	30
Sh	3	10	17	24	31
Ya	4	11	18	25	

Indeks: yakka obunachilar uchun 340
Tashkilotlar uchun - 806
Bahosi: kelishilgan narxda